**Р. Мавлонова, О. Тураева,**
**К. Холщбердиев**

# ПЕДАГОГИКА

*Республика опий укув юртларининг бошлангич таълим методикаси факулътетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг укувчилари учун дарслик*

**ТОШКЕНТ «УК.ИТУВЧИ» 2001**

\Ъ? Мустациллик шарофати туфайли бошка фанлар катор« пе-дагогика фани равнакида хам буюк бурилиш ва узгарищлар содир булди. Бу шу фанни миллий тарбия асосига куриш бш-лан богликдир.

Мазкур дарсликда аждодларимиздан мерос булиб к,олган тарбия анъаналари ва акидалари, метод ва йул-йурик/ифн назарий жи\атдан таэушл цилинган. Айникса, унга м миллий мустакиллик мафкураси роялари сингдирилган.

Дарслик олий укув юртларининг бошлангич таълим иетодикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицсйлари ва коллежлари укувчилари учун мулжалланган.

Такризчилар:
Профессор К. ХОШИМОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор
О. МУСУРМОНОВА

Уз. ДЖТУ
Х. № 3328
19 й.

Ушбу нашрга донр барча хукуклар химоя «рде* надн ва нашряётга тегишлидир.Ундаги матн ва щхш-ларви нашриёт розилигисвз тулик, ёки кисмаи в^чв«« риб босиш такикланади.

м Т53Д2Ш Буюртмр -2001
I3BN 5-645-03725-1
© «Увдпувчи» нашриёти, 8001 %Л

# КИРИШ

Истиклол барча сох.аларда булгани каби халк таъ-цми сохасида хам катта узгаришлар ясади, буюк вцфилишлар килди. Маълумки, собик шуро тузуми дфрида халк таълими тизими, таълим-тарбия иш-ЛЦри коммунистик мафкура колипига мослашти-ЯШпган эди. Сиртдан к,аралганда хамма нарса жойида **бфшб** курингани билан таълим узининг миллий рцнгларини йукртиб бораётган эдики, бу жараён МЯллий педагогика фанининг ривожланишига тфскинлик к.илади. Жумладан, педагогикага оид щ|иланма ва дарсликлар муайян бир минтак.а мил-ЛЯКй шароитига мулжаллаб яратилгани йук. Узбе-15§стон укув юртларида совет педагог-олимлари "ИЙрафидан ёзилган дарслик, укув-методик куллан-мщардаигина фойдаланиб келинди. Шу тарифа мил-лрй тарбия гояларига зид коммунистик мафкура ||(влари янада чукуррок. илдиз отди, мустахкамлан-•*Щ* Натижада, ёщ авлод бирёклама фикрлайдиган **Мшб** к.олди, ота-боболаримиздан мерос колган ЯЦшахлок-одоб анъаналари, урф-одатлар унути-Црбошланди. Шунинг учуч х_ам собик. шуро тузуми Д№рида халк таълими сохасида сифат узгаришла-**рюз** бермади, балки куплаб мактаб бинолари яра-билан чекланилди, холос. Миллий таълим-тар-***Шщ*** анъаналари ^са^ бир четкага суриб куиилди.

' .^*|йстиклол шардфатиЧюис бу кабй бирёклама-**кл**арга чек куйилди. Эндиликда миллий педаго-

гикамиз жадал суръатларда таракдий этаётир. Ота-боболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алохида эътибор каратганлар. «Болани бошдан...» накди сузимизга далил. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беру—ний, Аз-Замахшарий, Навоий, Бобур, Огах.ий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чулпон сингари улуг олиму адиблар, фозилу фузалолар таълим-тарбия борасида куп асарлар битганлар. Улар таълимдаги миллий хусусиятларга дикдат-эътиборни каратишган. Истикдолга эришилганига к.адар уларнинг панд-угитлари етарли даражада урганилмади. Чунки, бизда Европа, собик. совет педагогикаси жорий этилган эди. ТарихдагГ маълумки, бир вактлар Шарк. педагогикаси нихрятда гуллаб-яшнаган. Олмон олими Херлер «Шарк. Европанинг муаллимидир» деганида ана шу ривожланиш даврларини кузда тутгандир, эхтимол.

Зотан, шарк. педагогикасининг к.амрови кенг. Уни уммонга к.иёсламок. мумкин. Хозир урганаётганимиз ана шу уммондан бир к.атрадир, холос. Бйз -узлигимизга к.айтиб, мутафаккир боболаримиз меросидан.унумли фойдалана билсак* ^еч муболагасиз айтиш мумкинки, таълим-тарбия сох.асщщ дунёнинг энг илгор мамлакатларига етиб оламиз. Зотан, бу хдр к.андай бойликдан афзалдир. Улуг мутафаккир Алишер Навоий айтганидек: «Эл адаби хушрок. эрур олтунидин». Шунинг учун х.ам Узбек халки ёш авлод тарбиясй борасида дорилфунун яратиб к.олдирган. Зардуштийлик динининг мукаддас китоби саналмиш «Авесто» дан тортиб то х.озирги кунда яшаб ижод этаётган педагог-олимлар асарларига надар некбин педагогик мафкура уз аксинй топгани бежиз эмас.

Педагогика жамиятнинг ривожланиш к.онун-К.оидаларига таянган х.олда таракдий этади. Бугунги кунда эса ана шу жараён авж палласига чик,-мокда. Хусусан, хукук,ий давлат барпо этиш йулида амалга оширилаётган ишлар, миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради. Инсон онги тараккий этмас экан, ижтимоий х.аёт жабх.аларида х.еч бир узгариш сезилмайди. Модомики, замон жадал суръатларда узгараётибдими, демак, педагогика хам шу узгаришларга х.амох.анг булмоги даркор.

Октябр тунтаришидан кейин барбод этилган миллий педагогикамиз аста-секин кайта тикланмокда. Бугунги ёш авлоднинг эх.тиёжлари х.ам шуролар давридагидан мутлакр фарк. к.илади. Шуларни назарда тутган х.олда биз ушбу к^лланмани шарк. мутафаккирлари асарларидан унумди.фойдаланилган хрлда яратдик,

Як.инда к.абул килинган «Таълим тугрисида»ги К,онун х.амда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»-ида ёш авлодни миллий истиклол мафкураси рух.ида тарбиялаш, дарсликлар, укув-методик к^лланмаларни миллий таълим-тарбия анъаналари асосига куриш масалалари кутарилган ва шу муаммони х.ал к.илиш йул-йурикдари курсатилган. Шу маънода мазкур «Педагогика» укув кулланмада тарбиянинг янгича усуллари ва методлари уз ифодасини топтан.

Мазкур дарсликнинг I, II, III, XXI бобдари К. Холикбердиев, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI XII, XXII боблари Р. Мавлонова, XIII, XIV, XV, XVI, XVII, ХУЙ^ЭЦХ, XX боблари О. Тураева каламига мансуб. •

# I боб. ПЕДАГОГИКАНИНГ БАДСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАДВДЩОТ МЕТОДЛАРИ

## ПЕДАГОГИКА ВА УНИНГ БАХ.СИ

Педагогика нима? Нима билан шугулланади? Нималарни таджик. к.илади деган саволлар педагогика фанини урганишга киришган одамнинг акдини банд этади. Педагогика дарсларида-, педагогикага оид крмусларда педагогиканинг бахси турлича, айрим лолларда, бир-биридан фаркданадиган даражада талк.ин килинади. Масалан, педагогика — тарбия хакидаги фан; педагогика — усиб келаё'тган ёш авлодни тарбиялаш хакидаги фан; педагогика — умуман инсонни тарбиялаш хакидаги фан ва хрказо.

Бу таърифлардан воз кечмаган хрлда таълим-тарбия муассасаларида шунга мутассадди булган шахслар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий фаолиятни педгогиканинг бахсй деб кабул килиш макрадга мувофикдир.

Педагогика тарбия хакидаги фан сифатида тарбиянинг **МОХ.ИЯТИНИ** тушунишни, унинг крнуниятларини очиб беришни ва шу оркали инсон манфаатларй учун тарбия жараёнига таъсир этишни назарда тутади.

## ТАРБИЯНИНГ ЙЖТИМОИЙ Х.ОДИСА ЭКАНЛИГИ

Тарбия кишилик жамиятй ибтидосида пайдо булган ва башарнят манфаатлари учун хизмат кдлиб келган. Тарбия авлодлар уртасидаги алокани таъминлайди. Катталар узлари турмуш жараёнида орт-



тирган тажрйбаларини узйдай кейинги авлодга ургатиб борганлар. Кичик авлод эса фаолияти давомида янги-янги муаммоларга дуч келиб, уларни ечимини топиш баробарида билим ва куникмаларни эгаллаб олдинги авлоддан мерос крлган билимларини янада бойитиб узидан кейинги авлодга крлдиради. Инсоният тарихий тараккиёт мобайнида катта йулни, бу йулда у турли ижтимоий боскичларни босиб утди. Формацияларнинг узгариши натижасида иш муйосабати билан ишлаб чикариш муносабатлари таракдий этди. Бу хрл тарбия жараёнининг такомиллашиб боришига уз таъсирини утказди.

Жамият таракдиёти, мех.нат куролларини такомиллашиши натижасида кейинги авлодга мерос крлдириладиган тажрибалар хажми хам усиб бораверади.

Агар ибтидоий жамиятнинг бошларида болалар катталарнинг мехнати жараёнида бевосита иштирок этиш билан малака, куникма ва билимларни эгаллаб борган булса, кейинчалик ибтидоий формацияларнинг табак.аланиши натижасида мехнат турлари хам узгариб борди. Айрим болаларни (кабила бошликларининг диний маросимларни бошк.арадиган шахслар болаларини) диний акидаларни адо этишга ургатиш зарурияти тугилди. Щундай кдлиб, ибтидоий жамиятнинг узидаёк билимларни табакалаштириш анъанаси пайдо булди.

Кулдорлик даврига келиб, бу анъана кузга як.крл ташланади. Масалан, кулларнинг болалари огир ишларни бажаришга ургатилди. Кулдорларнинг болалари эса, куллар устидан хукмронлик килишга тайёрланди. Шу боис уларга сабок. бериш зарурияти тугилди. Бу эса укитишга махсус; шу сохани била-

диган одамларни жалб этишни такрзо килди. Бу дол мактаб ва укитувчиларга булган заруратни келтириб чикаради. Ижтимоий формацияларнинг кейинги равнаки мактабларни ривожлантиришщ, янги-янги укув юртларини, жамият тарак.киёти талабига жавоб берадиган укув юртларини барпо этилишига сабаб булади.

**ПЕДАГОГИКА - ТАРБИЯ ХДКИДАГИ ФАН**

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ёш авлодни хаётга тайёрлаш, улар тарбиясини самарали амалга ошириш эхтиёжидан келиб чикади. Бу эхтиёж тарбия борасида орттирилган тажрибалар туплангандан кейин уша тажрибаларни умумлаштириш, ёшлар тарбияси хакида крнун-кридаларни ишлаб **чик.иш** заруратинй такрзо этади.

Аввало педагогиканинг назарий куртаклари фалсафа негизида пайдо булди. Баъзи фалсафий фикрлар кулдорлик жамиятидаёк. ривожлана бошлаган эди.

*0т* Кддимдан инсон тарбиясига оид булган фикрлар халк. мак;олларида, афсоналарда, достонларда уз ифодасини топган. Унда ростгуйлик, ота-онага хурмат-эхтиром каби фазилатлар тараннум этилган. «Алпомиш», «Тумарис» каби достон ва эртакларда ватанпарварлик, инсонпарвардик туйгулари улугланади. Таълим ва тарбия масалалари х.амиша мутафаккир, ёзувчи, олимлар хаёлинй банд килиб келган. Бу зотлар, узларинингбола табиати, уларни баркамол инсон к,илиб тарбиялаш х.акидаги ёрк.ин мулох.азалари билан педагогик фикрлар равнак.ига улуш кушганлар. Машхур ^инд масали «Калила ва Димна», Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рушноинома», Юсуф Хос Х.ожибнинг «Кутадгу билик»,



Махмуд Кошгарийнинг «Девони лугатит турк», Ахмад Югнакий, Кайковус, Алишер Навоийнинг купгина асарлари одоб-ахлок.ка бевосита дахлдордир.

Бу алломаларнинг асарлари педагогик фикрларни ривожлантиришда мух.им ахамият касб этади. Чунки бу асарларда инсонпарвардик, халол мех.нат, дустлик, чин мух.аббат, садок.ат каби юксак ахлокий фазилатлар уз аксини топган. Улуг алломалар Сукрот, Афлотун, Демокрит каби файласуфлар томонидан мураккаб фалсафа тизимй яратилган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида чех педагог олими Ян Амос Коменскийнинг хиссаси катта булди. Унинг «Буюк дидактика» асари х.акли равишда педагогика сохасида яратилган биринчи илмий асар хисобланади. [Ун еаккизинчи асрга келиб Урта Осиёда х.ам педагогик фикрлар тараккий эта бошлади. Асримиз бошларида Мах.мудхужа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Саидрасул Азизий, Саидахмад Сиддик.ий каби маьрифат жонкуярлари етишиб чикди. Бу олимлар янги усул мактаблар тузишда, дарсликлар яратишда, халк. уртасида маърифатни таргиб . этишда жонкуярлик Килдилар.

Педатогика фанининг мазмунини бойитиб ва ривожлантириб борадиган катор манбалар мавжуд. МаКолларда, эртаклар ва достонларда, ашулаларда, удумларда, топишмокдарда тарбия х.ак.идаги халк. донишмандлиги к.амраб олинган.

Алломаларнинг педагогика назариясига оид фикрларйдан *§&ЯЩ* унумли фойдаланилмокда. Ва шу баробарида педагогика фани янги гоялар эвазига бойимокда. /

## АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ТУШУНЧАЛАР

Педагогикада «тарбия» сузи турли маънода ишлатилади. Чунончи, тарбия кенг социал маънода, ижтимоий хдциса сифатида кулланилганда жамиятнинг барча тарбиявий воситаларини: оилани, мактабгача тарбия муассасаларини, укув-тарбия муассасаларини, мехнат жамоалари, ахборот манбаларининг тарбия йуналишида олиб борадиган харакатларини уз ичига олади. Бу тарбия воситалари усиб келаётган ёш авлодни хар томонлама камол топтириш йулида хизмат килади.

Педагогик адабиётларда ва амалиётда «тарбия» сузи аник;, тор йуналишни белгилаш учун дам ишлатилади. Худди шу маънода тарбиячй рахбарлигида аник. мак.садга каратилган жараён тушунилади.

**Укитиш** — укуЕтувчи ва укувчининг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда болаларнинг маълумот олиши, укув куникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади. •

**Маъдумот** — бунда нафакат укитиш, балки узича мустаКил билим олиш, оммавий ахборотлар таъсирида булиш билан бирга инсоннинг илмий тизимни эгаллаши, илмий дунёк.арашини шакллантириши кузда тутилади.

**Инсон камолоти** — бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташки омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидирГ Бу жараёнда тарбиянинг мухим ах.амият касб этиши таъкидланади.

**Инсоннинг шаклланнши** — бу инсоннинг х.аёт йули давомйда ривожланишининг узига хос шакли булиб% махсус олиб бориладйган •тарбиявий таъсир натижаси хисобланади.



Педагогикада яна бир к.анча тушунчалар мавжудки, улар хасида педагогиканинг бошк.а бобларини урганиш жараёнида фикр юритилади.

## ПЕДАГОГИКА ФАЛИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ БОШКА ФАНЛАР БИЛАН БОРЛИКЛИГИ

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, турли йуналишларда билим хажмини усиб бориши фанни табак.аланиб, турли тармокларга булинишига сабаб булмокда.

Якин утмишда фалсафадан ажралиб чикдан педагогика фанида хам купгина тармокларга булиниш жараёни кузга як.к.ол ташланади. Айрим тармоклар эса мустак.ил фан сифатида шаклланди. Масалан, мактаб педагогикаси, мактабгача тарбия педагогикаси. Айримлари эса фан сифатида энди шаклланиб келмокда. Катталар педагогикаси, олий мактаб педагогикаси шулар жумласидандир. Хозирги замон педагогикаси куй тармокли фан булиб, аввало у тарбия ижтимоий хрдиса эканлиги жихатидан педагогика тарихи билан богланади. Кузи ожиз, акли заиф, кулоги кар — жисмоний камчиликларга эга булган болаларни тарбиялаш ва уларни хаётга тайёрлаш билан шурулланадиган педагогиканинг яна бир тармоги махсус педагогика (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олегофренопедагогика) дефектология билан чамбарчас борликдир.

Педагогика фанини тармокларига предметларни укитишнинг крнуниятларини урганувчи фан — методика хам киради. Шу билан бирга педагогика алохдца тарак^ий"’этган фан сифатида бошк.а фанлардан ажралган хрлда ривожлана олмайди. Педагогиканинг тарбия со^асидаги объекта усиб кела-

ётган ёш авлод булганлиги учун педагогика инсонни урганувчи фанлар билан богланади.

Инсон биологик эволюциянинг махрули сифатида биология фанларининг урганадиган объекта хисобланади. Шунинг учун бу фанлар педагоглар урганиши лозим булган фанлар каторида укув режал арига киритилган.

Педагогика фанининг методологик асосини фалсафа ташкил этади. Чунки, тарбиянинг макради, илмий дунёкарашни шакллантириш; жамоа ва шахе муаммолари ва шу кабилар икки фанни бирлаштиради. Иктисод ва хусусан унинг бир булаги булган халк. таълими иктисоди педагогика билан богланиб кетади. Чунки, йктисодчиларнинг олиб борган тадкикртлари натижасига кура ишлаб чик.аришнинг-юксак самарадорлиги умумий таълимнинг юкрри даражада ривожланганлигига боглик. экан.

Педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва индивидуал (психологик) хусусиятларини хисобга олиб боради. Шу боис педагогика учун педагогик психологиянинг бола хусусиятлари, уларда утадиган психик жараёнларининг крнуниятлари хакдцаги маълумотлар мухимдир. Шунга кура педагогиканинг психология фани билан богликдиги анъанавий туе олган. -

Кейинги вактларда педагогиканинг кибернетика (мухим динамик тизимларни бошкаришни урганадиган фан) билан богланиши кузга ташланмок.-да. Бу х.олни кибернетикаНинг умумий гояларидан таълимда фойдаланиш тажрибаларини программалаштирилгантаълим мисолида куриш мумкин.

Педагогиканинг бошкд фанлар билан богланиш тизимида этнография; халк; педагогикаси кабилар алохида урин тутади.



Педагогика бошк.а оралик. фанлар маълумотларидан тайёр х.олда фойдаланмайди. Бу маълумотлар педагогик нуктаи назардан танловдан утгандан кейин максадга мувофиклаштирилган х.олда амалга жорий этилади.

## ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ-ТАДКЛКОТ МЕТОДИ

Педагогика уз тадк.ик.от объектига ва тадкикрт методларига эга. Илмий тадк.ик.от барча фанлар каби педагогика фанини х.ам такомиллашиб боришга, айрим педагогик хрдисаларни текширишга, уларни тугри хал этиш йулларини аниклашга ёрдам беради.

Ходиса унинг тарак;к.иёти давомида бошкд х.одисалар билан боглик. хрлда урганилади. Микдор узгариши сифат узгаришига ^тиш дак.ик.аларида кузатилади.

## АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИ

Цедагогик муаммоларни таджик, этиш адабиётларни урганишдан бошланади. Урганиладиган хужжатлар ва манбаларга халк. маорифига алокадор хужжатлари, к.онуншуносликка оид хукук.ий хужжатлар киради. Шу билан бирга педагогика фанига оид булган тарихий-педагогик адабиётлар, архив хужжатлари, педагогик матбуот материаллари, дарeликлар, укув-методик ишланмалар х.ам киради. Адабиётларни урганиш методи муаммоларнинг кай томонлари яхшй очилганини, кдйси масалалар х.ал этилмагани кабиларни билиш имкониятини беради.

Адабий манбалар билан ишлаш куйидаги методлардан фойдаланишни назарда тутади: библиография тузиш, аннотация, конспектлаштириш. Ишнинг мак.садидан келиб чик,к.ан хрлда юк.оридаги усуллардан бири танлаб олинади.

Библиография — бу хал этилиши лозим булган муаммони тадкик. этиш жараёнида зарур булган адабиётлар руйхати. Адабий манбалар билан ишлаш аник; маълумотларни библиография тузиш йули билан расмийлаштиришни талаб этади. Бунда маълумотлар муаллифининг исм-шарифй, асарнинг номи, нашриёт номи (макрлалар учун ойнома ва рузномаларнинг номи), жойи ва нашр этилган йили курсатилади.

### ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРНИ УРГАНИШ МЕТОДИ

Педагогиканинг купгина муаммоларини хал этишда таълим-тарбия сохасида орттирилган тажрибаларни урганиш мух.им ахамият касб этади.

Илгор укитувчилар тажрибаси билан бир каторда оддий укитувчиларнинг фаолиятлари хам урганиб борилади. Чунки, тажрибаларни урганиш жараёнидаги муаммо: ютук. ва камчиликлар аник,-ланади.

Педагогик тажрибаларни урганишда кузатиш, интервью олиш,. анкеталаштириш, укувчиларнинг ёзма ва. ижодий ишлари, педагогик хужжатларни урганиш методларидан фойдаланилади.

**Кузатиш** — урганиш лозим булган педагогик хрдисанй маълум мак.сад нуктаи назаридан келиб чик.к.ан х.олда кузатувчи кузатиш баённомасини олиб боради. Кузатиш объектига оид булган аник; фактик материал тайёрланади. Кузатиш белгиланган аник, режа а соси да олиб борилади.

**Сухбат** — факт-далиллар туплаш ёки кузатиш давомйда тупланган материалларга аниклик киритиш мак.садида олиб борилади. Сухбат тадкикртнинг мустакдш ёки ёрдамчи методи сифатида кЗглланилади.



**Анкеталаштириш.** Бу оммавий равишда материал туплаш мак,садида анкеталар тарк.атиш йули билан амалга оширилади.

Тадк.ик.от учун мух.им б^лмаган материаллар укувчиларнинг ёзма ва бир канча фанлар б^йича мустакил ишларни бажарган дафтарларини текшириш, урганиб чик.иш йули билан турларга ажратилиши мумкин.

**Мактаб хужжатларини урганиш** — укувчиларнинг шахсий делолари, методистнинг хабарлари, синф журналлари, кундаликлар, йигилиш ва мажлислар баённомалари тадкикрти учун олиб борилаётган таълим-тарбия ах.воли, даражаси х.ак;ида объектив ахборот манбаи хисобланади.

Педагогик х.одисаларни тадкдщ килиш жараёнида **эксперимент** мухим ахамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент кулланидаётган ёки кулланиши мумкин булган у ёки бу метод ва усуллар самарадорлигини аниклаш мак.садида амалга оширилади.

**Математик метод.** Бу метод оммавий материалларни тахлил килишда (масалан^ анкеталаштириш й^ли билан тупланган материалларни ёки маълумотларни умумлаштириш учун) кулланилади. Бу метод эксперимент натижаларини аник; бахрланишини, хулосаларнинг ишончли булишини таъминлайди.

**Таддик;от натйжалари ва уларни амалга татби^ этиш.** Педагогикада бу жараён турли йуллар билан амалга оширилиши мумкин. Чунончи, тадкик.отчиларнинг семинарларда, илмий конференцияларда тадк.ик;от натйжалари буйича маърузалар билан чик.иши, илмий макрлалар, китоблар нашр этйши, укдпувчига м^лжалланган методик тавсиялари

булиши мумкин. Педагогикада хали хал этилмаган, муаммолар жуда куп. Булар илмий тадк.ик.от олиб бориш йули билан хал этилади.

**Савол ва топширнцлар**

**1. «Педагогика», «Педагогиканинг предмета», «Тарбия» каби тушунчаларга таъриф беринг.**

**2. Халк; макрллари ва эртакларининг педагогик маъноси нимада деб уйлайсиз?**

**3. Педагогик ^одисаларни тадкик. этишда кандай тадкикрт методларини билиш, улардан фойдалана олиш керак?**

**4. Нима учун укитувчи илмий-тадкикрт методларидан фойдалана олиши керак?**

**5. Кандай ойнома ва рузномаларни оласиз? Уларни диктат билан укинг.** *Уларда тарбияга оид мацолаларни таулил этишга харакат килинг.*

## II б о б. ХАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ИНСОН ТАРБИЯСИНИНГ МАКСАД ВАВАЗИФАЛАРИ

**Тарбиянинг максади.** Тарбия ижтимоий хрдиса эканлиги хусусида фикр юритганда (тарбияни) аник. максадга йуналтирилган хрдиса эканлиги таъкидланади. Инсон камолотига таъсир этувчи омилларни тахлил к.илиш шуни курсатадики, бу омиллар ичида тарбия мух.им ва етакчи роль уйнар экан. Хакли савол тугилади — тарбиянинг мак.сади нима? Унинг максадини ким ва нима белгилаб беради?

Тарбиявий ишнинг самарадорлиги мана шу саволларга тугри жавоб топишга боглик.. Яъни биринчи навбатда, тарбия билан шугулланадиган х.ар бир тарбиячи аввало уз фаолиятини ва унда кузда тутилган мак.садни аник, тасаввур эта олиши, бу максадни мухимлигини тушуниши л озим. Демак, к.андай одамни тарбия килиш даркор, тарбия натижасида инсон к.андай булиши керак, деган саволларни аввалдан тасаввур этиш зарур экан. Бу максад жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек максадига мое келиши керак.



Тарбиянинг вазифаяари кенг ва кутгкирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси укувчиларни билимлар, кун и км а ва малакалари билан куроллантириш булса, тарбия эса ёш авлодни жамиятимизда кабул килинган одоб-ахлок. к.оидаларига мое келадиган эътик.одини, ахлок.ий малака ва куникмаларини, эх.тиёжи ва интилишларини таркиб топтиришдан иборат. Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний узининг «Туркий гулистон ёхуд ахлок.» асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алохида таъкидлаб^ шундай деган эди: «Жаноби х.ак. инсонларнинг асл хилк.атда истеъдод ва к.обилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, ок. ила к.орани айирадиган килиб яратган. Лекин, бу инсондаги крбилиятни камолга етказмок. тарбия воситасида буладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузук. хулкдан сакданиб, гузал хулкдарга одатланиб катта булса, бахтиёр бир инсон булиб чик.ади. Агар тарбиясиз, ахлок.и бузилиб усса, насщатни кулогига олмайдиган, х.ар хил бузук. ишларни к.иладиган нодон, жох.ил бир расвои одам булиб чикади»,

Ахлокимиз биносининг гузал ва чиройли булишида тарбиянинг таъсири каттадир. Юкррида биз тарбиядан мак.сад баркамол инсонни тарбиялаш деган эдик. Хуш, баркамол инсон деганда кимларни, нималарни тушунмок. керак?

Шарк.она тарбия минг йиллар мобайнида исломий ахлок. к;оидалари аеосида таркиб топиб боргани тарихдан маълум. Куръони Карим оятлари, Пайгамбар алайхиссалом Хадислари, уламо ва

хукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг манбаи булиб хизмат кдлган. Исломий тарбия мусулмонлар хаётининг барча жабхаларини камраб олган.

Исломий тарбия болани етти жихатдан тарбиялашни маслахат беради. Булар: соглик, ва бадантарбияси, аклий тарбия, нафосат тарбияси, ахлокий тарбия, виждоний-нафсоний тарбия, диний-рухий тарбиядир.

Жаноби Расулуллох.: «Фарзандларингизни иззат-икром килиш билан бирга, тарбиясини, одобини хам яхшиланглар!», деганлар. Шу билан бирга «Хеч бир ота Уз фарзандига хулк,-одобдан булакрок. мерос беролМайди» деб тарбияда ота-онанинг ролики белгилаб утганлар.

Исломий (шаркрна) тарбия барча мумину мусулмонларни нщоятда хуш хулкли, ширин сузли, олижаноб булишга даъват этади.

Шарк. ривоятларида яхши тарбия курганнинг унта нишонаси ифода к;илингандир:

1. Халк, тугри дебтопган нарсага нотугри деб к.арамаслик;
2. Уз нафсига инсоф бериш;
3. Айб к.идирмаслик;
4. Бировда ёмонлик содир булса, уни яхшиликка й^йиш;
5. Агар гунох.кор узр сураса уни узрини к.абул килиш;
6. Мух.ожирлар хржатини чик.ариш;
7. Эл гамини ейиш;
8. Уз айбини тан олиш;
9. Эл билан очик. юзли булиш;
10. Одамлар билан ширин муомалада б^лиш.

Турли тарихий даврларда тарбиянинг мак.сади хам, хусусияти х.ам ^згариб борди. Буни ибтидоий



жамиятда, кулдорлик, феодализм ва капитализм формациялари мисолида куриш мумкин. Ибтидоий жамиятда тарбия максади оддий б^либ, шунчаки, инсонни х.аёт кечиришини таъминлашга хизмат килган.

Кулдорлик тузумида, кулдорлар ва кулларни пайдо булиши тарбия хусусияти ва унинг мак.садини х.ам узгартирди. Кулдорларнинг болалари хукмрон булишга интилдилар, боскинчилик урушлари олиб бориш учун харбий санъатни урганиб бордилар. Кулларнинг болалари оддий к.ора ишни бажариш, мех.нат жараёнида иштирок этишга ургатилди.

Феодализм тузумига келиб тарбия Кескин табак.алана бошлади. Ишлаб чицариш кучларининг ривож топа бориши, таълим мазмунини Узгартириб юборди, таълим секин-аста илмий характер касб эта бошлади, бу уз навбатида умумий таълим куртакларини пайдо булишига олиб келди. Энди феодал болаларига илмий билимлар бериш, уларни махсус мактабларда тарбиялаш зарурати тугилди.

Капитализмга келиб тарбиянинг табак.алаш хусусияти яна кучлирок сезила бошлади. Ишлаб чик.ариш куч ва муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чикариш корхоналарида ишлаш, дастгохларни бошкариш, иш унумдорлигини ошириш ишчилардан саводхонликни, илмли булишини талаб этди. Бу даврга келиб ишчилар болаларига хам анча юкрри илм берищ, укиш даврида уларга шахсий мулкни мукаддас эканлигини уктириб бориш тарбиянинг асосий максади булиб крлди.

**Аклий тарбия.** Йнсон х.амиша одамлар куршовида яшайди, ижтимоий мухит шароитида унинг аклий ривожланиши, фикрлаш крбилияти амалга

оша боради. Бунда инсоннинг нормал жисмоний ривожланиши учун хам шароитлар булиши керак.

Инсоннинг аклий ривожланиши социал мулок.от ва тарбия таъсирида интенсив ривожланиб боради. Агар тарбиячилар уз вакд'и ва урнида режали равишда унинг билиш фаолиятига таъсир эта борсагина аклий ривожланиш муваффакиятликучади. Демак, аклий тарбия деганда тарбиячининг укувчилар аклий кучини ва тафаккурини ривожлантириш, унда аклий мехнзт маданиятини таркиб топтиришга кдратилган макеад йулидаги фаолияти тушунилади.

Аклий тарбия ижтимоий тарбия тизимининг бир кисми булиб унинг мазмуни барча фанлар буйича билимлар системасини билиб олишни ва шу асосда ёшларда илмий дунёкарашни таркиб топтириш; тафаккур ва нутк. к.обилиятини устиришдан иборатдир.

Аклий тарбия барча фанлардан умумий маълумот бериш оркдтга амалга ошйрилади. Бу жараёнда укувчиларга мактаб дастурлари асосида билим берилиб, уларда хотира, дикдат, фикрлаш, тасаввур килищ каби хислатлар тарак.к.ий эттирилади.

Абу Носир Форобий инсон-акд-заковати хусусида фикр юритиб бундай дейди:

1. «Барча масалани, мух.окама ва мулохазани тезда тушуна оладиган, унинг маъносини англайдиган, сузловчининг мак,садй, айтилган фикрининг чинлигини .тезда пайк.ай оладиган булсин;

2. Хотираси жуда бакувват булсин, курган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини х.ам эсидан чикармай, ёдйда сакдаб к,6ладиган булсин;

3. Зехни шу даражада тез ва уткир булсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олеин;



4. Сузлари аник, булсин, фикрини ва айтмокзи булган мулох.азаларини равон ва равшан баён эта олеин;

5. Билим ва укднngагмухаббати булсин, урганмок.чи булган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан узлаштира олеин.»[1]

Аклий тарбия шахени хар томонлама камол топишининг асосини ташкил этади. У ме^нат унумдорлигини оширади ва мех^атга ижодий муносабатни таркиб топтиради.

**Ахлоций тарбия.** Ахлок. — ижтимоий онг шаклларидан бири х;исобланиб, х.ар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш-туриши, тартиб к.оидаларининг йигиндиси сифатида гавдаланади. Хулоса к.илиб айтганда, инсоннинг теварак-атрофдаги вок.еа ва хрдисаларга булган муносабатида ахлок; намоён булади. Халкимиз ахлокд!й фазилатларини к;адим замонлардан бери бойитиб келган. Ахлок,-одобга оид фикрлар «Авёсто» диний-ахлокяй китобида, к,адимги битикларда, пандномаларда ва бошка ёзма манбаларда уз ифодасини топган.

Утмишнинг улуг алломаларининг ахлок. хакдцаги куплаб фикр-мулох.азалари бутунги кунда хам мухим тарбиявий ах.амиятини йукотган эмас.

Жумладан, к.омусий олим Ал-Форобий ахлокдш фазилатлар хат^ида гапирар экан, унинг хислатлари Хакдда куйидаги фикрларни билдиради:

«1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал таракдий этган булиши керакки, у бу аъзолари билан бажармокчи булган барча ишларни осонлик билан. амалга ошира олеин...;

2. Овк;атланишда, ичимлик истеъмол этишда очкуз булмасин, **табиати** кдшор уйинларини уйнаш-

**[1] Абу Носар Фовобай. Фозил одамлар ншфи. Тошкснт. 1993 й.**

дан узок; булсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган булсин;

3. Хакикатни ва хак.ик.ат тарафдорларини севадиган булсин, ёлгон ва ёлгончиларга нафрат билан карайдиган булсин;

4. Рурури ва виждонини кдцрлайдиган булсин, унинг рухи Уз табиати билан паст ишлардан юкрри ва олижаноб ишларга ишлатиладиган булсин;

5. Дирхам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан карасин;

6. Уз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун куращувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм утказувчиларта нафрат билан карайдиган • булсин... адолатли булсин...;

7. Адолатли булсин, аммо кайсар булмасин...»[1]

Инсон шахсининг камолоти унинг бутун умри давомйда амалга ошиб бораверади. Бу фазилат инсоннинг бошкалар билан булган муомаласида, вокрликка, жамиятта булган муносабатида ва унинг хатти-харакатларида, феъл-атворида намоён булади.

Ахлок.ий тарбия, умуманолганда тарбиячилар томонидан тарбияланувчиларда ахлокий тасаввурлар тизимини шакллантиришни, ахлок^ий х.ис-туйгуларини ривожлантиришни, вокеа ва х.одисаларга тугри муносабат билдира олиш кабиларни назарда тутади.

Инсоннинг ахлок,ий киёфаси бутун умри давомйда шаклланиб боради. Инсон онадан мехнатсевар хам, дангаса х.ам, жох.ил хам булиб тугилмайди — бу ва шунга ухшаш ахлокий сифатлар болани ураб олган ижтимоий мухитнинг, тарбиянинг таъсири хисобланади.

[1] Абу Носмр Форобай. Фозил одамлар шахри. Тошкснт, 1993 й.



«Тарбия икки негизга — ахлок, ва окилликка таянмори лозим. Биринчиси яхши фазилатни Устирса, иккинчиси Узгалар иллатидан х.имоя килади. Демак, тарбия х.ам ахлокда, х.ам инсоний муносабатларга асрлар оша халк, тажрибасида синовдад утиб, Узининг умрбокийлигини исботлаган кадриятларга, анъана ва урф-одатларга боглансагина кузатилган натижага олиб келади».[1]

**Жисмоний тарбия.** Жисмоний тарбия инсон камолотига таъсир этадиган энг кдцимий тарбия воситаларидан хисобланади. Умумтаълим мактабларида амалга ошириладиган жисмоний тарбиянинг асосий вазифалари укувчиларни саломатлигини мустах.камлаш, уларни мех.натга, мустакил мамлакатимизни х.имоялашга ва ижтимоий хаётга тайёрлашдан иборат.

Мактабда Укувчиларга жисмоний тарбия, х.аракатли уйинлар, гимнастика, спорт, синфдан ва мактабдан ташкари спорт машгулотлари^ турлари воситасида берилади.

Бошлангич мактабларда физкультура дарсларидан кузда тутилган макрад асосан болаларни Уз к;адди-к,оматини тугри ушлашга одатлантириш, мух.им х.аракатларни (юриш, сакраш, югуриш) тугри бажаришга одатлантириш ва тугри предметлар билан машк; бажаришларини ургатишдан иборат. Энг мух.ими, болаларга саломатлиги х.акдца Узи гамхУрлик к.илиш зарур эканлиги тугрисидаги фикрни сингдиришдир. Чунки, инсон саломатлиги, жисморий баркамоллиги нафакат унинг шахсий иши, балки бу давла7 ахамиятига молик вазифа х.амдир."

? V

[1] М. Темурои. Бошлангич таълим журнал и. 9—12-сонлар. 1995 й.

**Мехнат-тарбияси.** Мехнат тарбияси олдида турган аеосий вазифа укувчиларга мехнат таълимига оид илмий билимлар бериш, мехнат куроллари билан муомала килишга ургатиб, хаётга, ижтимоий-фойдали мехнатга тайёрлашдир. Бу вазифаларни икки туркумга булиш мумкин. Биринчидан, мехнатга булган муносабат жараёнида зарур билим ва куникмаларни уз ичига олади. Ёшларда халки, ватани манфаати йулида мехнат килиш хохишини тарбиялаш, мехнатга хаётий зарур фаолият деб карашларини таркиб топтиришга эришилади. Иккинчидан, гурух вазифалари, мехнат фаолиятини, бажариш жараёнида зарур буладиган билимлар узлаштирилади, фан асослари, политехник таълим урганилади.

Мехнат тарбияси тушунчаси умумий булиб, бу тушунча бир к.анча хусусий тушунчаларни уз ичига олади. Булардан биринчиси: политехник таълим, бу ишлаб чикаришнинг барча со\аларига тааллукли булган илмий асосларни ва принципларни, мех.-нат куникма ва малакалари, оддий мех.нат куроллари билан муомала кдлиш кабиларни узлаштиришни такрзо к.илади.

Йккинчиси: бу умумий мех.нат. Умумий мех.нат укувчиларни мах.сулот ищлаб чикариладиган фаолиятга жалб этилишини такозо к.илади. Учинчидан: ижтимоий-фойдали мех.нат. Бу мех.нат тури укувчиларни ижтимоий-фойдали ах.амиятга эга булган, купчйлик фойдасига ишлапгни назарда тутади (темир-терсак, макулатура йигиш, синф, мактабни таъмирлашга ёрдам бериш, мактаблар участкасйда ишлаш). Туртинчи: ^з-узига хизмат кдлиш. Бу маиший хизмат турига киради, синф, мактаб озодалигини саклаш^ узининг иш жойини, кийим.-кечаги,



укув куролларини озода, тартибли саклашни назарда тутади. Бешинчидан: уй мехнати, бу хам маиший мехнат турига кириб, уйдат>зодаликка риоя килишни, ота-онага уй мехнатларида ёрдам беришни такрзо кил ад и.

**Эстетик тарбия.** Эстетик тарбия санъатдаги, табиатдаги куршаб олган хаёт вок.елигидан гузаллик воситалари асосида тарбиялаш, жахон педагогикасида инсонни *гармоник* тарбиялаш воситаларидан бири деб хисобланиб келинган.

Эстетик тарбиянинг асосий вазифаси табиатдаги, санъатдаги, хаётдаги гузалликни кабул кила олиш, тушуниш кобилиятини тарбиялаш, фахмлашдан, гузалликка риоя килишга одатлантиришдан иборат. Эстетик тарбия давомида" бола хаётдаги гузалликни тушунади, гузалликни мухофаза килишга, узи хам" гузаллик яратишга интилади.

Умар Хайём гузаллик, унинг хосияти хусусида фикр юритиб, шундай дейди: «Гузаллик барча тилларда васф этилади ва хар кандай акдга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар куп, уларни куриб бахраманд булиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза килади, аммо хеч нарса гузал юзни урнини босолмайди, чунки гузал юз шундай кувонч бахш этадики, бошка хеч кандай кувонч унга тенг кела олмайди. Айтадиларки, гузал юз дунёда саодат сабабчисидир.»[1] • ,.

Эстетик тарбияГ укувчиларда ахлокий киёфа, ижобий хулк-атвор нормаларини таркиб топтиришга, уларниг ижодий кобилиятларини тараккий эттиришга таъсир килади.

[1] **У. Хайём. Наврузнома. Тошкент. 1990 й.**

Бошлангич мактабда ашула, раем, мусика, Укиш дарелари, шу билан бирга синфдан ва мактабдан ташкари ташкил этиладиган тадбирлар эстетик тарбия воситаси хисобланади.

**Савол ва топширнклар**

**1. Тарбиянинг асосий вазифалари нимадан иборат?**

**2. Комил инсон деганда сиз кдндай фазилатларга эга булган инсонни тушунасиз?**

**3: Шаркрна тарбиянинг манбаларини санаб беринг.**

**4. Шарк. ривоятларида учрайдиган яхши тарбия курган инсонларнинг нишонасини айтиб беринг?**

**5. Хозирги кунда таълим-тарбиянинг асосий а^амияти нимада?**

## III боб. БОЛА ШАХСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ТАРБИЯСИ ВА КАМОЛОТИ

### АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Педагогика курсининг мухим методологик муаммоларидан бири бу шахе тарбияси ва унинг ри*-вожланиши муаммоси хисобланади.

Усиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия объекта хисобланади. Бутун хаёти давомйда инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли узгаришларни,^жисмоний, психик, микдор ва сифат Узгаришларни уз бошидан кечириб боради. Инсонда буладиган жисмоний узгаришларга унинг буйини усиши, вазнини огирлашиб бориши, суяк ва мушак системаларини, ички органлари ва асаб системасини узгариб бориши киради. Психик узгаришлар эса, унинг аклий ривожига алокадор булади ва инсонда шахенинг психик сифатларини шаклланиб бориши, унда хаёт учун зарур булган социал сифатларни таркиб топиши хисобланади.



Одам боласининг ривожланиши бу мухим жараён саналади. Маълумки, хаёти давомйда инсон жисмоний ва психик томондан **Узгариб** боради. Лекин болалик, усмирлик ва успиринлик даврида ривожланиш нихоятда кучли булади. Бола мана шу йилларда хам жисмоний, хам психик жихатдан **Уси**ши, узгариши туфайли шахе сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия макрадга мувофик. таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида узига муносиб урин эгаллайди.

Одамнинг муносабатлари доирасига кишилар билан алокдеигина эмай, балки табиатга, жамиятга, хаётта булган муносабатлари хам киради. Мана шу хил купкдорали алок.алар ва муносабатлар заминида хар бир шахе **Уз** крбилияти ва к,изик.ишини, **уз** билими ва укувини намоён килади, **уз** ишига, вазифасига, бурчига, халкига, Ватанига, **уз**-узига булган муноеабатларини ифодалайди. Табиийки, шахедаги бу фазилатлар фак,ат тарбиянинг махсулидир.

Шахенинг камол топишида ва унинг хулкига ижтимоий ва биологйк рмилларнинг таъсир кучи Хамиша бир хил булавермайди. Сабаби одамнинг хулкига, муносабатига ва алокаларига ёши, билими, хаётий тажрибаси, одатлари ва нихоят, вазият Хам таъсир этади. Шахенинг фазилатларини тугри аниклаш ва бехатр бахолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб куриш лозим. Ана шундагина шахенинг ижтимоий хулки; маънавий киёфаси, инсоний фазилатлари руёбга чикади. Демак, шахени ривожлантириш вазифасини тугрикхад» кдпиш учун унинг хулкига таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахенинг хусусиятини яхши билмок керак.

Педагогикада «Шахе» тушунчаси «Инсон» тушунчасидан фаркди уларок. у инсоннинг ижтимоий хусусиятларини англатади. Янги жамият бошка одамлар билан муомалада булиши, муносабат урнатиши натижасида шаклланиб борадиган сифатларни билдиради. Инсоннинг психик хусусиятларини ривожланиши (акд, ирода, диктат, харакат ва х..к.), хаётда уз Урнини топа олиши, унинг Ватани, халк.нинг равнаки йулида огишмай, эътик.од билан хизмат килиши, имонли булиши инсонни шахе даражасига кутаради. Бундай сифатларни руёбга чик^шга тарбияга боглик. булади.

Боланинг камолотига, рухиятига, феъл-атвори шаклланишига кандай омиллар таъсир этади? Педагогика бола тарбиясига, унинг шаклланишига биологик омил, ижтимоий о мил ва тарбия таъсир этади, дейди. Бу муаммо педагогикада азалдан мунозарага сабаб булиб келаётган масала хисобланади.

Куп аерлик ана шу мунозара заминида бир-бирига карама-карши икки нукд-аи назар вужудга келди. Улардан бир тоифаси одам боласининг шахе сифатида ривожланишида табиий биологик омиллар хал килувчи роль уйнайди деб биладилар. Уларнинг фикрича, бола она кррнидалик вактида авлод-аждодлардан утган тугма хусусиятларгина ривожланади. Бу нуктаи назар тарафдорлари тарбиянинг ролини чеклаб к^ядилар. Бу нуктаи назар фанда биологик йуналиш деб номланади. Уларнинг вакиллари Аристотель, Платонларнинг фикрларича таклир, толе \ар кимнинг х.аётидаги урнини, мавкеини аввалдан белгилаб берган.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм окими намояндаларининг фикрича, одам боласи она ггуштидалигидаёк, булажак шахеига хос



барча хусусиятларга эга булади, ривожланиш эса ана шу хусусиятларнинг микдорий купайиб боришидан иборатдир. Преформистлар х.ам наелнинг шахе ривожланишидаги ролига фавкулодда юксак бахр бериб, ижтимоий мухит ва тарбиянинг ролини мутлак.о инкор этадилар. Бу назариянинг яна бир йуналиши XX аерда кенг тарк.алган бихевиоризм окими булди.

Бихевиоризм ок.имига амёрикалик педагог ва психолог Э. Торандайк асос солди. Унинг фикрича, шахенинг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва,аклий крбилият х.ам наелдан-наелга утади. Бу билан Э. Торандайк тарбиянинг шахе ривожланишига таъсирини инкор этади, уни шахенинг хусусиятларига таъсир этишдан ожиз деб билади.

Худди шундай нуктаи назарни яна бир амёрикалик прогматик педагог Д. Дьюи ва А. Комбослар ёклаб чикдцилар. Улар тарбиянинг шахеса буладиган актив таъсирини инкор этиб, ривожланишни фак.ат микдорий узгаришдан иборат деб кУрсатадилар. Одам кандай сифатлар билан тугилган булса, тарбия жараёнида билим олиш, куникма ва малака х.осил этиши натижасида шу сифат ва хусусиятлар ривожланиб боради деган фикрни илгари сурадилар. Аммо психология ва педагогика фанларининг кейинги йиллардаги инсон тарбиясига, камолотига оид илмий маълумотлари одам боласининг шахе сифатида ривожланиб, тарак.кий этиб боришига, камолотга етувига мураккаб жараён деб х.исоблашга имкон беради. Унинг шахе булиб камолга етишида наел (биологик омил), ижтимоий мух.ит х.ам, мак.садга мувофик.^амалга ошириладиган тарбия алохдда роль уйнайди. Бу илмий маълумотлар шахсни табиатнинг бир булаги деб к.арашга имкон яра-

тади. Шунга кура, унда табиий куч ва имкониятлар бор, улар шахснинг ривожланиши учун маълум ахамиятга эга эканлигини курсатадилар. Бу инсондаги лаёкат куртаклари булиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак деб таъкидланади.

Урта Осиё мутафаккирларидан Форобий, Абу Али ибн Синолар хам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар ахамиятига эътибор бериб келганлар. Форобий инсон камолотида таълим-тарбиянинг мухиМлигини таъкидлаб: «Муносиб инсон» булиш учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш оркали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулркртда ахлокий кдцр-кдмматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йулдир»,.. дейди.

Абу Али ибн Сино этика ва ахлок,ий тарбия масалаларини фалсафий-педагогик асосда ёритиб беришгадаракат этади. У айникса оила тарбиясида ота-онанинг урнига алохида тухталиб: «Бола тугилгач, аввало, ота унга яхши ном кукиши, сунгра эса уни яхшилаб тарбия килиши керак... Агар, оил ада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила бахтли булади» деган фикрни илгари суради.

Шундай экан, инсон камолотига таъсир этадиган омилларнинг бирортасини хам инкор эхмаган хрлда уларни алохида-алохида куриб чикайлик.

## ШАХС РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Еола шахсининг ривожланишига ирсият, мухит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда



ота-оналарга ухшашликни ифодаЛовчи биологик белгиларни такрорланишинй* тушунмок. керак. Х.ар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг, кузининг, терисининг ранги, буйи басти ва бошк.алар) эга булган хрдпд дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари хам тугма утади. Бу физиологик хусусият хисобланади.

Академик И. П. Павловнинг таълимотига кура, бола бир к.атор тугма хусусият ва инстинктларга эга холда тугилади ва булар шартсиз рефлекслар группасини ташкил этади. Булар орасйда ошк.озон рефлексй (сулак ажратиш), мухофаза рефлекси (иссикдан кулни тортиш, ёругдан кузини кисиш, кабилар алохида ахамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга хам, хайвонга хам тааллукдидир. Айни вактда инсонларга хос булган хусусиятлар хам ирсият йули билан утади. Масалан, танани вертикал холдаги харакати, тафаккур ва нутк. ривожланиши, мехнат килиш цобилияти — булар тугма имкониятлар булиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасйда яшаб, улар билан алока килиши даркор. Бу психик имкониятларнинг чиндан .хам ривожланмоги, руёбга чикмоги учун бола фак.ат усибгина колмай, балки шу усиш жараёнида инсонлар орасйда яшамоги, улгаймоги ва ижтимоий хаётда иштирок этмоги керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нуткли эгаллаши учун нутк; шароитида, мехнат кдпйщ учун мехнат шароитида, акдий тарак^ий этмоги учун акдйй фаолият шароитида яшамоги керак. Ана ушанда боланйнг нимага, к.ан-

дай сохага лаёкдти борлиги Намоён булади. Физиология ва психология фанининг курсатишича инсон боласи тайёр кобилият билан эмас, балки бирор хил к.обилиятни руёбга чикиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахе хусусиятини ифодалайдиган лаёк.ат билан ,тугилади. Тугма лаёкат уз хрлича ривожлана олмайди, гуё у «мудрок.»х.олатда булиб, унинг уйгониши — ривожланиши учун кулай мухит керак.

Агар бола уз лаёк.атига мое шароитда усиб, за--рур фаолият билан шугулланса, лаёкат эрта куриниб, ривожланиши, аксинча бу булмаса йук; булиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогика лаёкатнинг намоён булиши ва кобилият сифатида ривожланиши тула-тукис хаёт шаройтига ва тарбияга боглик. деб билади.

## ИНСОН КАМОЛОТЙ ВА УНИНГ ШАХСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МУХ.ИТНИНГ РОЛИ

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири мухит деганда кишига стихияли таъсир этадиган ташки вокеалар комплекси тушунилади. Бунга табиий мухит, ижтимоий мухит, оила мухити (микромухит) киради.

Табиий (географик) мухит (икдим, табиий шароити ва бойлиги) сузеиз инсоннинг хаёт тарзига, характерига ва мехнат фаолиятига таъсир этади. Масалан: тропик минтакада'хаёт кечираётган инсонларнинг хаёт тарзи узок, шимолдаги инсонлар хаёт тарзидан фаркланади, бу уларнинг хаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган к.атор омиллар билан исботланади.

Щу билан бирга инсон камолотида микромухит — оила шароити хам катта таъсир кучига эга. Чунки бола куз очиб ота-онасини, кариндош-уругини



куради. Унинг интенсив жисмоний ва психологик ривожланадиган даври оила таъсирида шаклланади. Халкимизда «Куш уясида курганини кд*лади» . деган накл бекорга айтилмаган. Оиланинг хаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий мухит унинг камолатида мухим ахамият касб этади.

Бола камолатида ижтимоий мухит мухимдир. Чуйки бу ерда ишлаб чикариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий к.онунк.оидалар кишига алохида таъсир килади. Ижтимоий алок.асиз, одамлар билан ал ока килмасдан одам инсон була олмайди. Бу хил муносабат натижасида одам боласи хаётга ва мехнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолатига ижтимоий мухитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича булади, турли социал гурухларга хам турлича таъсир этади. Шундай экан, хозирги замон педагогика фани мухитга, унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алохида эътибор беради. МуХит тушунчасига кйрадиган ижтимоий хаёт вокеаларининг шахсга таъсири гоят мухим эканлигини курсатади ва ижтимоий мухит абадий эмас, узгарувчан деб карайди. Шунинг учун мухит инсон такдирини белгилаб берадиган омил„деб хисобланилмайди. Аммо унинг таъсирини рад этмайди, хам.

## ИНСОННИНГ КАМОЛ ТОПИШИДА ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Тарбия мухит каби инсон камолатига таъсир этувчи ташки омиллардан хисобланади. Унинг фарклй томони ва хурусияти шундаки, тарбия аник максадни кузлаб, системали равишда, инсонда ижобий фазилатларни таркиб топтириши й^лида

тарбиячинйнг рахбарлигида амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва мухит каби омилларнинг хамкорлиги билан белгиланади.

Инсон камолати ирсият йули билан орттирилган ва табиий лаёкатлар билан белгиланиб крлмай балки, бутун хаёти даврида уни куршаб олган вокелик таъсирида орттирган хусусият ва сифатлар билан хам белгиланади.

Шубхасиз тарбия одамнинг кузи, сочи, терисининг рангига, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди. Лекин шу билан бирга тарбия жисмоний таракдиётга таъсир этиши мумкин. Чунки махсус ташкил этилган жисмоний машкдар оркали боланинг саломатлиги мустахкамланади ва чиниктирилади. Маълумки, инсоннинг табиий кобилияти факат тарбия оркали, уни маълум бир фаолият турига жалб килиш оркали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёкатини ривожлантириш уни кобилиятга айлантириш ва хаётга мое холда устириш учун мехнатсеварлик ва ишчанлик керак. Мехнатсеварлик ва муттасил утириб ишлаш каби фазилатлар факат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Гарчанд инсон камолатига таъсир этадиган омиллар бир канча булса хам лекин, махсус тарбия муассасаларида тарбиячинйнг рахбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи хисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида мухит таъсири бера олмаган фазилатлар узлаштирилади ва нарсалар урганилади, яъни билим, маълумот эгалланади, мехнат ва техник фаолият билан боглик куникмалар, малакалар хам махсус уюштирилган тарбия оркали хосил булади.



Иккинчидан, тарбия туфайли тугма камчиликларни хам узгартириб шахени камолга етказиш мумкин. Масалан, курлар, гунглар хам укитилиб, соглом кишилар катори хаётга тайёрланади. Учинчидан, тарбия ёрдамида мухитнинг салбий таъсирини хам йукотиш ёки бартараф килиш мумкин.

Туртинчидан, тарбия доимо келажакка каратилган максадни белгилайди. Шу туфайли, у шахенинг камолга етишини тезлаштирувчи роль уйнайди. Инсонни камол топишида мактабнинг ахамияти катта. Болалар мактабга кадам куяр экан, улар укув мехнати билан" банд буладилар. Болалар мактабда фан асосларни эгаллаб олиши билан бирга уларда секин-аста илмий дунёкараш шаклланиб боради. Укитувчи-тарбиячиларнинг рахбарлигида инсонга хос булган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Режа асосида тарбиявий ишларни ташкил этиб, болани тарбиялашда оилага хар вакт ёрдам курсатади. Тарбиячи уз тарбияланувчисининг оила шароитидан хабардор булиши, педагогик маслахатларга, ёрдамга мухтож булган оилаларга ёрдам бериши мухим. Тарбиячи учун бола буш вактини кимлар билан ва нималар билан машгул булиб утказаётгани ахамиятсиз эмас. Чунки уз холига ташлаб куйилган бола кучанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса килиб шуни айтиш керакки, инсон фаКат фаолиятда ривожланади, фаолиятдан ташкарида ривожланиш йук. Бола жуда ёшлигидан бошла-, бок катталар ёрдамида ташки мухит билан турли хил алокада булади. Мактаб ёшида бу алокалар укиш ва шу билан боглик булган бошка фаолият билан богланади ва булар^ривожланиш учун манба саналади.

Педагогик жихатдан тугри уюштирилган хар кандай фаолият щахенинг аклий ва иродавий ривож-

ланишига таъсир этади. Демак, бола улгая борган сари унинг фаолияти "хам шакли ва мазмуни билан узгариб бораверар экан.

Масалан, богча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури уйин булса, мактаб укувчиси учун укиш, мехнат килиш асосий фаолият булиб к,олади. Демак, бола хаётида фаолият турларининг узаро муносабати хам узгаради ва бунинг таъсири остида бола камолати хам янги, юкорирок. боскичга кутарилади.

Умуман, педагогик жихатдан тугри уюштирйлган хар кандай фаолият бола шахсининг аклий, ахлокий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади. Рахбарлик килинмаган фаолият эса бирёклама ёки салбий таъсир этиши мумкин. *

Шундай килиб, инсон таракдиётининг илмий концепцияси инсон камолатига таъсир этадиган омилларни тахдил этиб, инсой камолати ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун нарса эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг •уз фаоллигига катта урин берилади. У уз фаоллиги билан уз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан куйиладиган мак;сад аник; булса ва бу максадга эришиш учун одам астойдил харакат килса кутилган натижага эришилади.

**Савол ва топшириклар.**

**1.'Шахс камолотига кандай омиллар таъсир этар экан?**

**2. Одамниигинсоний фазилатларини айтиб, таърифлаб беринг.**

**3. Ижтимоий муздгг ва унинг инсон камолотига таъсирини очиб бЬринг.**

**4. Тарбиянинг инсон- камолотидаги урни нимадан иборат?**

**5. Шахе камолотида оила тарбиясининг а^амияти кандай?**



## IV боб. УКИТУВЧИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН УРНИ

Хозирги замон педагогика фани олдида турган мухим муаммолардан бири — укдпувчи ва педагогик мехнат шароити муаммоси хисобланади. Чунки, укитувчида барча педагогик гоялар мужассамланган булиб, унинг фаолияти оркали бу педагогик гоялар амалга оширилади ва хаётга татбик этилади.

Укитувчининг купкиррали ва мураккаб фаолият заминида ёш авлодни одобли, эътиборли килиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан кУроллантириш каби мухим вазифалар ётаДи. Буларни амалга ошириш эса укитувчининг хилма-хил фаолиятига боглик: болаларни укитиш, мактабдан ва синфдан ташкари тарбиявий ишдарни ташкил эта билиш ва утказиш, ота-оналар уртасида педагогик таргибот ишларини олиб бориш ва хоказо. Буларнинг ^аммаси укитувчидан чукур билимларга эга булишни, уз сохасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустакиллиги эълон килинган сана 1991 йил 31 август халкимиз хаётида улугвор вокеалардан хисобланади. Энди халкимиз узининг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини урганиш, таргиб килиш, узлигини таниш имкониятига эга булди. Бу вокеадан сунг куп сонли укитувчилар жамоалари олдйга Ватан равнаки учун хормай-толмай хизмат кила оладиган, буюк Ватан йулида уз жонини хам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кундаланг. куйилади. Бу вазифа олий таълим концепциясидагалёхида таъкидланади. Узбёкистон Республикаси олий таълим концепциясида укитувчи-мутахассис олдида турган вазифалар куйидаги-

ча белгиланади: «Мутахассис малакаси — чукур умумий билим, кенг дунёкараш ва касб тайёргарлиги, компьютер буйича саводхонлиги, уз билимини тезлик билан янгилаш ва тулдира олиш кобилияти сингари омиллардан ташкил топади... Шулар каторида уни интизоми, масъулият, зиёлилик, уз ишига, мамлакати мустакиллигига, ватан ва жахрн тараккиёти йулида эзгулик ва адолатга садокат туйгуларини хам тарбиялаш зарур».

Бу вазифа ва талаблар бошлангич синф укитувчисида айникра тула мужассамланган булиши лозим. Зеро, мактабга илк бор кадам куйган бола дунёнинг, хаётнинг конун ва кридаларини, сир-асрорларини укитувчидан урганади. Укдгувчи эса болага уз билганини ургатади. Агар болани чукур билимли, эътикодли, маданиятли килиб тарбияламокчи булсак, шу фазилатлар ук,итувчида мужассамланган булмоги зарур. Шундай экан, укитувчи, умуман бошлангич синф укитувчиси кандай фазилатларга эга булиши керак? деган савол тугилади. Бу саволга жавоб беришдан олдин укитувчининг Нозирги кунда жамиятимизда тутган урни х.акида фикр юритсак.

Маълумки, Узбекистон Республикаси Президента фармонига биноан октябр ойининг биринчи якшанбаси халк таълими ходимлари куни деб эълон килинди. Бу вокеа давлатимизда укитувчиларнинг жамиятда тутган урни накадар юксак эканлигидан далолат беради. Ил гор укитувчиларимизга юксак унвонлар, давлат мукофотлари берилиши уларга масъул вазифалар х.ам юкламокда. Айникса, Республикамиз мустакилликка эришгандан кейин, укитувчининг жамиятдаги роли ва масъулияти ортиб бормокда.



Кейинги даврларда педагог ходимларнинг маиший шароитини яхшилаш борасида катор хужжатлар кабул килинди. Имтиёзлар берилди, уларнинг иш хаки оширилди, барча турдаги мактаб, хунар техника билим юртлари, олий ва урта махсус укув юртлари педагог ходимлари билан мех.нат шартномаси тузиш системасига утилди.

Узбекистон Республикаси олий таълим концепциясида мутахассис вазифалари куйидагича белгиланган:... «мутахассис уз фаолияти, сох.асидан катьи назар, ижодий жамоаларда ишл'ай олиш кобилиятига, менежмент ва маркетинг сохаларида тайёргарликка эга булиши, янги технологияларни жорий этишнинг хужалик, ижтимоий ва маданий жихатларини аник тасаввур кила олиши керак». Ушбу фикрлар укитувчиларга х.ам бевосита таааллукли. Чунки жамиятимизда содир булаетган туб узгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришимиз укитувчидан на факат касбий билимларни, балки иктисодий, юридик, техникавий билимлардан хам хабардор булишнй такого килмокда. Бу уринда бошлангич синф укитувчиси хусусида алохида тухталмок зарур.

## УКИТУВЧИНИНГ ШАХСИГА КУЙИЛГАН КАСБИЙ ТАЛАБЛАР

Хозирги замон укитувчисининг асосий фазилатларидан бири уз касбига садокатлилиги, гоявий эътикодлилиги, уз касбини севиши, бу касбга булган чексиз садокат укитувчини боцща касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишинийг Юкори савияда олиб борилиши факат укитувчига, унинг касбий тайёргарлигига боглик.

Укитувчи шахсига куйиладиган мухим талаблардан бири шуки, у уди укитаётган предметларни чукур билиши, унинг методикасини узлаштириб олган булиши зарур. Предметни ва унинг назариясини чукур билиши, уни кизикдрли этиб укувчиларга етказа олиши болаларни шу предметга булган кизикдшини оширади. Укитувчи обрусини кутаради. Укувчилар укитувчи билимининг бу билимларни болаларга етказа олиш имкониятларини к.адрлабгина крлмай, балки унинг шу предметга булган к.изикишини, унинг фидойилигини хам такдирлашади.

**Укитувчининг** юксак маданияти, унинг теран билим доираси (айникса, Узбекистан мустакилликка эришгандан сунг халкимизни уз тарихини, маданиятини, урф-одатини урганишга, билишга булган кизикиши ортиб бораётган даврда) таълим-тарбия ишларини муваффакиятли кечишига ёрдам беради. ^озирги замон укитувчиси ва айник.са, бошлангич синф укитувчиси миллий кадриятларимизни билибгина крлмай, уни кенг ота-оналар жамоатчилиги ичида, синфда оташин таргиботчиси хам булиши керак.

Укитувчи касбига хос булган мухим фазилатлардан, талаблардан бири — болаларни севиш,уларнинг хаёти билан кизикдш, хар бир шахсни хурмат килишдан иборатдир. Болани севган, бутун куч ва бидимини болаларни келажаги буюк Ватанга содик. фукаро кдпиб тарбиялашга сафарбар кила оладиган одамгина **хакикий** укитувчи була олади. Болага бефарк, унинг келажаги билан кизикмайдиган, укитувчилик касбига локайд одам **хакикий** укитувчи була олмайди.

«Бошлангич таълим концепциясй»да бошлангич синф укитувчиси киёфаси таърифланади: «... энг



**мухимЯу** болаларда укиш, урганишга чинакам хавас, иштиёк **уЙРотувчи,** эътикод хосил килувчи устоз сифатида алохида урин тутади» ... ва яна шу концепциядан бошлангич синф укитувчиси фазилатларига кушимча келтирилади. Укитувчи: «... Узбекистон --келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли (булиши);

— болаларни халк педагогикаси дурдоналари хамда **миллий** кдцриятларимиз асосида тарбия кила олиши;

**— нутк»** равон* халк тили бойлиги, ифода усули ва таевир воситаларини адабий тил услуби ва меъёрш|и^^э)^лаган булиши» зарур.

Укитувчилик касбига хос булган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу укитувчининг юксак касбий фазилатидйр. У; ^Кй^вчининг саботли булишга, уз хиссиётини идора кила олищга, болаларга педагогик таъсир; утказиш восита ва меъёрларини бедгилаш, аниклашда ёрдам берадиган фазилат хисобланади, Юксак педагогик одобга эга булган укитувчйгина^ синфда муътадил психологик икдим урната одади,, болалар калбига тез йул топа олади.

Уз хизмати хусусиятига кура укитувчи ташкилотчилик фазилатига хам эга булмоги лозйм. Бунинг, учун укитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилйк'^бЙлият^га эга булиб, хар доим тетик, гайратли, Узкучи ва имкониятига ишонган булмоги зарур. Ташаббускор ва гайратли укитувчи болаларни уз оркасидан эргаштира олади,' укувчилар унга эргашадй.

Укитувчилик **кцсби** жуда катта рухий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун укитувчининг саломатлигига хам маълум талаблар куйилади.

Укитувчининг овоз пайчалари ривожланган, куриш кобилйяти яхши булиши керак, узок, вакт тикка тура олиш, куп юриш, эпчил х.аракат килиш каби фазилатларга (айникса бошлангич синф **Укйтувчи**лари) эга булмоги шарт. Чунки, кичик мактаб укувчилари уз хусусиятларига кура тиниб-тинчимайдиган, ута к.изик.увчан, серхаракат буладилар. Бу шароитда **Укитувчи** хам шу даражада булмоги лозим.

Укитувчи шахсига куйиладиган умумий талаблар билан бошлангич синф укитувчиси касбининг узига хослиги айрим специфик талабларни келтириб чик.аради. Чунончи, бошлангич синф укитувчиси анатомия, физиология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор булмоги, укувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим; (синфлари гигиеник талабга жавоб бериши, укувчилар режими, уларни аклий ва жисмоний ривожланишини кузатиш ва тугри йуналтириш); укитувчи уз нуткини идора килиши; адабий нутк нормаларига риоя килиши, овознинг баланд-пастлигига ахамият бериши (ортикча каттик (баланд овоз билан) гапириш хам, секин гапириш хам болаларни чарчатиб куяди); нуткнинг жонли, ифодали булишига эътибор бериши; болаларни чарчатиб куймаслик максадида дарсда иш турларини тез-тез узгартира олиши; ота-оналар уртасида педагогик билимларни таргиб, килиши, улар билан якиндан алока урната олиши (бу фаолият тури бошлангич синф укувчиларининг хулк-атворини, майилларини, жисмоний х.олатини урганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир утказишга ёрдамлашиши керак. Нихоят, у **Уз** устида тинмай ишламоги лозим. Айникса, кадриятларимизни урганишга, узлигимизни танишимизга, кадимий маданиятимизни билишга эх.тиёж катта булмокда, зеро, бу нарсаларни билмай туриб мустакиллигимизни мустах.камлаб, буюк давлат куриб булмайди. Шундай экан, бошлангич синфдан бошлаб болалар шаркона тарбия таъсирига олинмоги, уз кадриятини билмоги лозим. Бу укитувчидан шу сохада чукур билимли булишини талаб этади.



## УКИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Укитувчининг касбий шаклланиш жараёни институт даргохида таълим олиш жараёнидан бошланади. Педагогика институтларининг укув-режа ва фанлар буйича дастурларида булажак Укитувчиларга шу касбнинг сиру асрорларини ургатиш, илмий билимлар бериш, бошлангич синф укитувчисига касби х.акида маълумот ва куникма бериш назарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар буйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лаборатория машгулотлари назарий билимларни мустах.камлашгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида куллашга имкон хам беради. Бундай машгулотлар танлаган касби тугри эканига ишонч х.иссини уйготади.

Купгина талабалар I курсдан бошлаб педагогика ва психология фани буйича илмий-тадкикот ишларига жалб этилади. Илмий жамият аъзолари булишади, шу жамият оркали семинар ва конференцияларга маърузалар билан катнашадилар. Шу билан бирга талабалар факультет ва институтнинг касбий йуналищга эга булган жамоа ишларида иштирок этадилар. Талабалар билан олиб бориладиган бундай тадбирларнинг мух.им ах.амияти шун-

дан йборатки, -бу тадбирлар топширилган ишга жиддий ёндошиш хиссини тарбиялайди, институтни тугатгандан кейин йулланма билан каерга юборса шу жойда ишлашга амалий ва психологйк тайёргарлигини таъминлайди.

Булажак укитувчининг касбий шаклланиб боризыида I курсдан бошлаб амалга ошириладиган узлуксиз педагогик амалиёт алохида ахамиятга эга. Бу амалиёт 1,2 курсларда амалга ошиaридади. Унинг асосий максади укишнинг биринчи йилидан бошлабок талабаларни мактабга ургатиш, укитувчилик касбидан хабар дор килиб брришдир, кол аверса, узлуксиз амалиёт касб танлашта йуллаш вазифасини хам утайди. Бундай амалиётлар биринчи курснинг узидаёк, танлаган касбим тугрими? Шу касбни эгаллашга менда имконият ва хохиш бор эканми? деган саволга жавоб кайтариш имкониятини беради. Бундай амалиёт давомида талабалар мактаб ва синф жихрзи, синф укитувчисининг иш режими, план-конспекти, укувчилар таркиби, уларнинг уй шароитлари, дарслик ва укув куроллари билан таъминланганлиги кабилар билан танишадилар. Укитувчининг дарсларини кузатадилар, синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий тадбирларда укитувчига ёрдам берадилар, мактабда куни узайтирилган гурухлари булса шу гурух. тарбиячилари иши билан танишиб борадилар. Ота-оналар мажлиСларини тайёрлашда ва утказишда укитувчига ёрдам беришади. Хулоса килиб айтганда, узлуксиз педагогик амалиёт талабаларни укув-педагогик амалиётга тайёрлаб боради.

Укитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб ракбарияти ва жамоатчилйги катта роль уйнайди. Ёш укитувчиларга тажрибали укитувчи-



ларни бириктириб куйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, метод бирлашма ишларига жалб этиш мактаб рах.бариятининг вазифасидир. Мактабда укитувчининг уз устида ишлашига илмий-назарий ва методик билимларини тинмай ошириб боришга катта ах.амият берилади. Укитувчи секин-аста уз касбини узлаштириб бориш билан бирга ота-оналар уртасида педагогик билимларни таргиб этади.

Укитувчилик касбига кириш ва педагогик махратни эгаллаш жараёни, уни мактаб укитувчилар жамоасига киритиб, унда уз урнини топиб кета олишига боглик- Жамоанинг ёрдамидан юз угирмаслик, кийинчиликларга дуч келганда рух.ан тушмай, уз хатоларини кура билиш ва уни йукотиш учун х.аракат килиш уни укитувчи булиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга уз-узини тарбиялаб боришга, уз устида тинмай ишлашга харакат этиш касбий фазилатларнинг ажралмас кисми хисобланади.

«Узбекистан Республикаси давлат таълими муассасадари педагог кадрларнинг аттестацияси тугрисида» Низом ишлаб чикилди ва бу низом 1993 йил 12 августда Вазирлар Махкамасининг карорй билан тасдикланди. Аттестация укитувчилар, тарбиячилар ва бошка педагог ходимларга мехнатларининг пировард натижасига кура иш хаки олиш им'конини, агар педагог таълим, ва тарбия жараёнида яхши ишласа, унинг мехнати эътибордан четда колмаслигига кафолат беради.

**Саволлар**

**1. Укитувчи шахвигахуйилган талабларнинг ортиб бориши нима билан боглик?**

**2. Касбий лаёцатлилик деганда сиз нимани тушунасиз?**

**3. Укитувчининг асосий сифатларини санаб беринг?**

# V б о б. УЗБЕКИСТОНДА ХАЛ* ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

## ХАЛК ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ХАКИДА ТУШУНЧА ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Халк; таълими тизими деганда аник; мак^садни кузлаб мамлакат ёшларига таълим-тарбия берадиган муассасалар тушунилади.

Х.ар бир мамлакат халк, таълими тизимининг тарак;к,иёти шу мамлакатда ишлаб чикариш кучларини, ишлаб чикариш муносабатларининг ривожига ва жамият тарак.киётига таъсир этадиган ижтимоий, иктисодий масалаларга ва миллий хусусиятга боглик; булади.

Мамлакатимиз истиклолга эришганидан кейин халк. маорифини ривожлантириш масалаларига, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмокда. Бунга хукуматимиз томонидан кабул килинган катор конунларни мисол тарикасида келтириш мумкин.

Узбекистон Конституцияси ва Хукумат карорларига асосланган хрлда хрзирги вактда халк таълимининг куйидаги тамойиллари карор топди: Узбекистан фукароларининг миллатидан, динидан, жинсидан, ижтимоий ахволидан катьи назар таълим олишга тенгхукукдилиги тамойили. Бу тамойил Халк маорифининг демократик рухидан дарак беради.

**Х.амма мактаб ёшидаги ёшлар учун билим олиш мажбурий эканлиги тамойили.** Бу тамойил ёшларимизни маълумотли булиши, замон талабига жавоб берадиган илмий билимларни эгаллаши, х.аётда уз урнини топа олишлари хакида Давлатимиз гамхурлигидан дарак беради.



**Барча таълим муассасалари давлат ва ижтимоий хусусиятга эга эканлиги тамойили.** Бу Узбекистондаги барча Таълим-тарбия муассасалари давлат ихтиёрида эканлигини, бу ташкилотларни давлат маблаг билан таъмйнлашини назарда тутади. Таълим-тарбия муассасаларинингфаолияти давлат томонидан бошкарилиб борилади. Шу каби тадбирлар давлатни халк таълими хусусидаги сиёсатини амалга ошириш, укув-режа ва дастурларини ягона булишини таъминлаш имкониятини беради.

**К>айси тилда укитиш ота-оналарнинг истагига боглнклиги тамойили.** Уз фарзандини кайси тилда укитиш эркинлиги давлатимизнинг байналмилаллик, инсонпарвардик сиёсатининг ёркин намунасидир. Узбекистонда яшаётган хар бир миллат аъзоси хохдаган тилда болаларини укитиш хукукига эга. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 4-модцасида Республикада давлат тили узбек тили деб белгиланган. Лекин шунга карамай, Республика худудида яшаётган бошка халкдарга хурмат билан караш, шу тилларни ривожланишига шарт-шароит яратиб бериш кузда тутилган. Бунинг ёркин мисоли булиб, Узбекистон мактабларида укув етти тилда олиб борилаётганлигини келтириш мумкин.

**Таълимнинг бепуллик тамойили.** Конституцияда Республикамизнинг хар бир фукаросининг бепул таълим олиш хукуки, таълимнинг давлат назоратида эканлиги кафолатланган. Таълимнинг хамма турлари бепул булиши мамлакатимизда яна бошка Катор молиявий чоралар билан куллаб-кувватланиб келинмокда. Майалан: айрим кам таъминланган укувчиларни давлатнинг узи таъминлаши, талабаларни стипендия билан таъминланиши ва уларга

| Таълим сшиб бориладиган тал | мактабларнинг сони | | 1- 11 ч.»ц» • . у!^ВЧИ- -яар сон» | '^увчйлар умум сони нисб. фоиз |
|---|---|---|---|---|
| | мустакил | аралаш | | |
| Узбек тили | 6661 | 1055 | .3855977 | 82.0 |
| Рус тили | 222 | 778 | 459753 , | 12.2 |
| Крзок тили | 266 | 339 " | 144970 | 2.9 |
| Кrракалпок. тили | 218 | 127 , | 125060 | 2.6 |
| Киргиз тили | 26 | 32 | 11569 | 0.2 |
| Тожик тили | 260 | бГ | 129971 | 2.8 |
| Туркман тили | 39 | 31 | 19221 | 0.3 |
| Бошка тилларда | 2 | 1 | 327 | • •* |

бошка модций ёрдамлар курсатилиши кабилар Республикада Халк. Маорифи ривожланишига таъсир этадиган омиллардан хисобланади. Хозир купгина таълим-тарбия муассасаларида болалар давлат хисобидан тарбияланиб келинмокда. Шунга мисол тарикасида айрим мактабгача тарбия муассасаларида, дефектологик мактабларнинг барча туряарида ногирон б.олалар учун очилган согломлаштириш санаторийларида таълимнинг бепул эканлигини таъкидлаш мумкин.

Укувчиларни хар томонлама камол топтириш, уларни каровсиз колмаслиги учун модций манбаси имкон берган мактабларда куня узайтирилган гурухлар тузилган, етим болалар учун болалар уйлари, мактаб-интернатлар ташкил эталган. Стипендия билан факат Олий мактаб талабаларигина эмас, балки урта маХсус билим юртлари талабалари хам таъминланган.

**Таълимнинг илмийлик ва дунёвийлик тамойили.** Билимларнинг илмий хусусиятга эга булиши ва бу

*** Ж. Р. Йулдошев. Узбекистон Республнжасш таълнма та равдаёт вулида. Тошкевт, 1994 й.**



фан ва техника ютукдарини хисобга олган холда доимо узгариб, янгиланиб бориши илмийлик тамойили дейилади. Узбекистон худудидаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. Бу тамойилга сузсиз амал килиш болаларга бериладиган билимлар мазмунини вакт-вакти билан кайтадан куриб, узгартириб туришни такозо килади.

## УЗБЕКИСТОНДА ХАЛК, ТАЪЛИМИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисидаги конуни» (1997 й. 29 август) «Таълим турлари» хусусидаги 10-модцасида шундай дейилади:

«Узбекистон Республикасида таълим куйидаги турларда амалга оширилади:

— мактабгача тарбия;

— умумий урта таълим;

— урта махсус, касб-хунар таълими;

* — олий таълим;

— олий укув юртидан кейинги таълим;

— кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш;

— мактабдан ташкари таълим.

**Мактабгача тарбия.** Халк таълими тизимида биринчи боскич — мактабгача тарбия. Унинг асосий вазифаси болаларни соглом ва етук килиб тарбиялаш, уларни мактабга хам педагогик, хам психологик тарбиялашдан, уларнинг шахсий кобилиятларини ривожлантиришдан иборат. «Бу таълим 6—7 ёшгача оилада, болалар богчасида ва мул к шаклидан катъи назар, бошка таълим муассасаларида олиб борилади»^ ч*

**Бошлангич таълим (I—IV синф.)** Умуммактаб таълимида бошлангич мактабнинг ахамияти мухим-

дир. Чунки бошлангич мактаб умумий **Урта** таълим олиш учун зарур булган билим, укув куникмалари билан куроллантиради. Бошлангич мактаблар алохида мактаб тури сифатида, айникра кдшлок. жойларида куп таркалган.

Умумий урта таълим мактаблари (V—IX синфлар). Умумий урта таълим мактаблари урта маълумот олишни таъминлайди. Замонавий билимлар беради. Болаларнинг фикрлаш крбилиятини устириб, олган назарий билимларини амалда куллашга ургатади. Бу эса уз навбатида касб танлашга йуналтиради, бирор-бир касбни эгаллаш имкониятини беради.

Халк. хужалигининг турли сохаларида мехнат килаётган ва умумий урта маълумотга эга буЛмаган йигит **ва кизлар** учун кечки (навбатли) мактаблар ва катталар учун таълим марказлари ташкил этилган.

Урта махсус касб-хунар таълими. Узбекистон Республикасида касб-хунар таълимининг асосий максади ёшларни мехнат ва касб-кор куникмаларига ургатиш, ишчи ходимлар тайёрлаш, уларни малакасини ошириш ва кайта тайёргарликдан утказишдир. **Хунар**-техника таълими, малакали ишчилар тайёрлаш Республиканинг урта махсус касб-хунар таълими укув юртлари, укув-ишлаб чикдриш, укув курс корхоналари, марказлари ва бошк.а ишлаб чикариш билан боглик. булган **Укув** муассасаларида.амалга оширилади. Узбекистонда Халк. хужалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаб беришда хунар-техника билим юртлари катта ахамиятга эга. Республикада бундай **Укув** муассасаларининг бир неча турлари мавжуд.

Олий таълим. Халк таълими тизимида мухим **Урин** эгаллаб, ижтимоий ва **илмий** тараккиётни бел-



гилаб беради. Халк. хужалиги ва маданиятининг турли сохаларини етук олий маълумотли мутахассислар билан таъминлайди. Республикада олий таълим уз ичига университетларни, педагогика, кишлок хужалиги, тиббиёт, иктисод, юридик политехника **ва** бошка институтларни камраб олади. Университетлар етакчи билим юртларидан булиб улар табиий-математик ва гуманитар мутахассислар буйича етук кадрлар тайёрлайди. Республикамизнинг купгина вилоятларидаги педагогика институтларини университетларга айлантйрилиши хам хукуматимизнинг етук **Укитувчи** кадрлар тайёрлаш борасидаги гамхурлигининг далолати хисобланади.

Укув юртларидан кейинги таълим. Институт, университетлар учун юкори даражали илмий кадрлар тайёрлашни назарда тутади, Бу аспирантура, докторантура оркали амалга оширилади. Аспирантурага олий маълумотли, илмий-тадкикрт ишларига мойил шахслар имтихон топшириб, танлов асосида кабул килинади.

Диссертация химоясидан кейин бундай шахсларга фан номзоди илмий даражаси берилади. Уз сохасида чукур изланишлар олиб борган, монографиялар ёзган ва докторлик диссертациясини химоя килган шахсларга фан доктори илмий даражаси берилади. Институт педагогик фаолияти билан шу•гулланган ва илмий-тадкикрт олиб бораётганларга доцент ва профессорлик унвони берилади.

Мактабдан ташкари таълим-тарбия. Узбекистон Республикаси Таълим тутрисидаги конуннинг 10-моддасига асосланган болалар ва усмирларнинг эхтиёжларини/**хо**^иш-истакларини **тУларок** руёбга чикариш, уларнинг буш вактларини мазмунли ташкил этиш максадида давлат муассасалари, тур-

ли мулк шаклларига эга булган корхоналар, жамоат ташкилотлари илмий-бадиий, илмий-табиий, техник, спорт ва бошка йуналишдаги мактабдан ташкари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.^ Узбекистонда шундай мактабдан ташкари тарбия муассасалари фаолияти давлат томонидан Куллаб-кувватланади, халк таълими булимлари томонидан улар иши назорат килинади.

Мактабдан ташкари муассасаларнинг асосий вазифаси мактаб билан хамкорликда мактаб ёшидаги болаларни буш вактини мазмунли ташкил этиш, уларнинг майл ва хохишларига караб турли тугарак ишларига жалб этишдан, кобилиятини ривожлантиришдан ва олган назарий билимларини амалда куллашга ургатишдан иборат.

Мактабдан ташкари муассасаларнинг бутун йил давомида хар хил тадбирлар утказиши; предметлар буйича олимлиадалар, слёт ва спартакиадалар, улкани урганищ учун юришлар, археологик ва этнографик саёхатлар уюштириш — бу ёшларнинг уз ватанининг тарихини, маданиятини чукур урганишга таъсир этибгина колмай, слётлар, олимпиадалар каби тадбирлар мактабда олган билимларини чукурлаштиришга, иктидорли ёшлар билан ишлашга имкон беради.

Хозир Узбекистон худудида фаолият курсатиб турган мактабдан ташкари муассасалар куйидагилар:

— укувчилар саройлари ва уйлари;
— еш техниклар станциялари;
— ёш табиатшунослар станцияси;
— ёш туристлар^станцияси ва базалари.

Бундай мактабдан ташкари таълим муассасалари Республикамизда рлти юздан ортикрок булиб, улар таркибига 265 укувчилар саройлари ва уйлари, 133 ёш техниклар маркази ва станциядари, *40* та ёш саёхатчилар ва улкашунослар станциялари ва бошкалар киради. Бу муассасалар томонидан ташкил этилаётган тадбирларда хар йили 5 минг нафардан ортик болалар иштирок этадилар_

**Савол ва топшириклар.**

**1. Халк таълими тизими деганда нималарни тушунасиз?**

**2. Халк.таълими тизимига кирган муассасаларни санаб беринг ва таърифланг.**

**3. Халк таълими тизимида бошлангич таълимнинг тутган урни \акида гапириб беринг?**

**4. Кайси УКУВ муассасалари Укитувчи кадрларни тайёрлайди?**

**5. Мактабдан ташкари таълим муассасаларининг вазифаларини гапириб беринг.**

## УЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Халк таълими тизими деб муайян мамлакатлар ички ва ташки тараккиётига тавсиф берувчи хамда маълум бйр коидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Узбекистонда халк таълими тизими республикамизнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожлантиришнинг устивор сох.аси хисобланади. Халк таълими тизими республикамизнинг илм борасидаги куч-кувватини, жамият, оила ва давлат олдидаги уз масъулиятини англайдиган эркин шахсни шакллантириш максадини кузлайди.

Халк таълими тизими Узбекистон Республикасининг Конституццяси ва Узбекистон Республикасининг давлат мустакиллиги асослари тугрисидаги К,онунга мувофик ташкил этилади ва назорат

килинади. Республикамиз Конституциясининг 18- ва 41-моддасида курсатилганидан барча фукаролар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, эътикоди, шахси ва ижтимоий мав-Кеидан к.атъи назар билим олиш хукукига эгадирлар. Шунингдек, фукароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатлангандир. Бу хукук илм олишнинг хамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий урта таълим беришни амалга оширйшни укитишни хаёт, унумли мехнат билан боглаш асосида ривожлантириш негизида изохланади.

Фан-техника тараккий этаётган хрзирги даврда халк. таълими тизимининг барча тармокларини муттасил такомиллаштириш, уни окилона уюштириш ва бошкариш масалаларига катта ахамият берилмокда.

Таникди венециялик сайёх. Марко Поло узок, вакт х.озирги Марказий Осиё минтакаси худудида яшаган халкларнйнг. анъаналари, урф-одатларини урганди. У **Уз** эсдаликларида ёш авлодни хаётга тайёрлашда куп асрлар давомйда к^лланилган усул ва воситаларга таянган х.олда «Нур шаркдан таркдлади» деган эди. К,адимги Оврупода кенг тарк.алган мазкур х.икматда Шарк, халкларининг инсоният маданият пойдеворининг яратишдаги улкан х.иссаси тан олинганини ифодалагандир. Лекин маънавиятни тиклашга булган х.аракат факат Оврупода ёки факат шаркда бошланган дейиш, гарбу шаркни бир-бирига карама-карши куйиш х.ам нотугри. Ота-боболаримизнинг, «Утмишни унутганнинг келажаги булмайди» деган хикматли гапи бор. Биз бу тарихимизни канчалик чукур **Ургансак,** бу ёш авлодга шунчалик тугри таълим беришимизда



аскотади. Марказий Осиёда фалсафий, ахлокий-маърифий тафаккурнинг илк куртаклари халк огза**ки** ижодида **Уз** аксини топган. Уларда ёзув пайдо булгунга кадар ва ундан кейин х.ам халк рухи в? маънавий фаоллиги ифода этган.

Шаркда, жумладан Узбекистон худудида азал-азалдан таълим-тарбия сохасига жуда катта эъти**бор** берилган эди. Болаларни кичик ёшдан илмга кизиктириш, ахлокан пок, виждонли, мехр-шафкатли килиб вояга етказиш масалаларига ота-боларимиз жиддий караганлар.

Шарк педагоглари болаларни **Укишга** кизикти**риш** учун китобдаги вокеаларни **куш** ва х.айвонлар тилидан х.икоя килар эдилар. Масалан, «К,обусно**ма»,** «Ахлоки Мух.синий», «Калила ва Димна» каби асарларда накл-ривоятларга одоб-ахлок коидалари сингдириб юборилган.

Марказий Осиё араблар томонидан фатх. килин**ган** пайтларда хам ривожланган **Улкалардан** бири булганлиги тарихий кулёзмалардан маълумдир.

VII—VIII асрларда Марказий Осиёни араблар фатх. этгач, ислом дини асосидаги сифат жих.атдан янги тизимга эга булган таълим-тарбия муассасалари вужудга келди. Араб тилини урганиш жорий килинди.

Мактабларда болаларга ёзиш ва хисоблаш ургатилган, бундан ташкари, усмирларга савдо санъа**ти,** араб тили, мантик, нотиклик, х.уснихат ва арифметикадан даре берилган. **Хар** бир мактаб талабасининг сони 30—40 дан опгмаган. Булар**дан** ташкари, маежид кошидаги мактабларда х.ам 15—20 нафар талаба тах.сил курган. Мактаб, мадрасалар билан бир каторда корхоналар х.ам мавжуд булиб, уларда ёзув ургатилмаган, талабалар, Куръ-

они Каримни ёд олишган, холос. «Мадраса» сузи арабча «даре утиладиган жой» маъносини билдиради. Маълумки уша жойлардаги даре кенг маъйода кулланилиб, унинг таркибига таълим-тарбия, панд-насихатлар, устоз-шогирд муноеабатлари, донишмандларнинг давра сух.батлари, жуда катта хаётий тажрибалар сабоги кирган. «Мударрис» сузининг лугавий маъноси «даре берувчи укитувчи» демакдир.

1991 йилнинг биринчи сентябрида республикамиз Хаётида тарихий вок.еа юз берди: Истиклол эълон **к.илинди**. Шу муносабат билан жахон тажрибаларидан келиб чикиб, энг биринчи навбатда мустак.ил республикамизнинг халк. таълими сохасида ислохрт утказиш масаласи кутарилди. Нихрят Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Крнуни таълим тизимининг янгиланишига сабаб булди. Олдинги к.абул килинган конунлардан фаркли уларок;, халк. таълими тизими тузилишининг бир к.анча янги кридалари жорий этилди. Ва бажарилиши мажбурий, деб кайд килинди. Бу коидалар тубандагичадир.

*Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги х,амда демократиклиги.* Бунинг мох.ияти шундаки, биздаги барча халк, таълими тизимига кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларни, уларни моддий ва маънавий камолатини, акл-;заковатининг усишини, инсоний фаолиятини барк уришини ва нихоят узлигини билигя ва хакхукуклари учун курашадиган ватанпарвар булиб етишишларини максад килиб куяди.

*2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.*

Мустакил, Узбекистонимизнинг халк -таълими'; муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз узаро богликдир. Хар бир бошлангич таълим укув режа ва дастурлари асосида кейинги боскичлар олдингиларининг давоми сифатида амалда булади. Бу эса уз навбатида бир мактабдан иккинчисига, бир олий укув юртидан иккинчи олий **укув** юртига кучиб утиш имкониятини беради. Таълим укув режаси ва дастури асосида тизимли, изчил фаолиятда булади.

*3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.*

Республикамиздаги ^арча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга булиб, фан, техника маданиятининг энг янги муваффакиятлари ва инсон акд-заковати туфайли такомиллашиб боради. Улар укувчиларнинг объектив дунёни бевосита билиш, тегишли хулосалар чикариш, узининг жамиятда тутган урни ва вазифаларини аникдаб олишга, бирор-бир каебни онгли эгаллашларига йуналтирилгандир.

*4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий кад~риятларнингустиворлиги.*

Таълим тизимига кирувчи барча таълим-тарбия масканларида берилаётган билим аждодларимизнинг минглаб йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига тая над и.

*5. Давлат таълим стандартлари коидасида %аманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.*

Янги конуннинг 4-моддасида* таъкидланганидек, Узбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиКиш, жинси, тили, ёши, ирки, миллати, турар жойи, Республика худудида качондан бери яшаётганлигидан **кАтьи** назар барчанинг таълим олиши учун тенг хукукдар кафолатланади.

*6. Таянч таълимининг мажбурийлиги.*

Мамлакатимизда 1930 йилда бошлангич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда урта умумий махбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга утилди. Таянч таълими мажбурий булиб таълим олувчиларга укишни Урта таълим муассасаларида, турли хил хунар ва урта махсус Укув юртларида давом эттириш хукукини беради.

7. *Таълим маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини* танлашга ягона ва табакалаштирилган Укув режа ва дастурларини тасдиклайди. Уларнинг бажарилиши назорат килинади. Олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар ёш авлодни маънавий, рухан тетик, жисмонан бакувват, ахлокан пок ва мехнатсевар булиб вояга етиши учун барча моддий ва маънавий шароит хрзирлайди/

8. *Билимдонлик ва истеъдодни рагбатлантириш.*

Таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли укувчиларни рагбатлантириш стипендия, турли куринишдаги мактов ёрликлари моддий ёрдам шаклида ташкил этилади. Олий укув юртлари карамогида математика, физика, биология ва бошка фанлар юзасидан истеъдодли болалар учун сиртки мактаблар фаолияти йулга кУйилади.

9. *Таълим муассасаларида чет тилларни урганиш, дин тарихи ва жауон маданияти сохасида билим олиш учун шароитлар яратиш.*

Халк. таълими тизими ва янги крнуни асосида Укувчиларнинг билим ва истеъдодларининг ватанпарварлик сифатларини шакллантириш учун барча шароитлар яратилмокда. Дин ва маданият тарихи буйича мактаб режаларига янги фанлар киритилди.



10. *Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатларининг таъсиридан холи булиши.*

Ёш авлодга дунёвий билимлар бериш том маънода х.аётга ва билимга, турмушга тайёрлаш, ёшларни чалгитмаслик, гурухбозликка йул куймаслик мак.садида таълим-тарбия муассасалари сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатлардан холи деб топилди.

11. *Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни хурматлаш.*

Таълим тизимида барча педагогяарга давлат талаблари даражасида Укитиш мажбурий хисобланган фанларни режа ва Укув дастурлари асосида олиб бориш, тарбияланувчи ва таълим олувчиларнинг инсоний кадр-к.имматларини хурмат килиш масъулияти юклатилди.

12. *Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавцеини хурматлаш.*

Олдинги кабул килинган коидалардан фаркди Уларок\Янги конунда педагог шахсини, унинг ижтимоий мавкейни хурматлаш лозимлиги белгилаб куйилди.

Укитувчи-тарбиячилар шаънини химоя килиш, таълим шакли, усули ва воситаларини танлаш ташаббусларига кенг йул очиш педагогик фаолиятда танилган укитувчи, тарбиячиларни давлатимиз орден ва медаллари билан мукофотлаш, уларни кишлок ва шахар, туман, вилоят ва республика олий органларига депутатликка сайлаш умумхалк вазифаси деб топилди. Шу билан бирга улар зиммасига ахлок-одоб коАдаларига риоя килишга, укувчи ва талаба шахсини хурматлаш масъулияти юклатилган.

13. Амалдаги крнунлар доирасида мулкчиликнинг тенг хукуклиги, уларнинг мустакиллиги, таълим муассасаси мустак,ил юридик шахе булиб, крнунларда 4>елгиланган тартибда барпо этилади. Давлат тасарруфида булмаган таълим муассасаси давлат руйхатидан утказилган вак,тдан бошлаб юридик шахе хукукини кулга киритади. Таълим муассасаларига муайян маком (гимназия, лицей, дорилфунун, академия ва шу кабилар макрми) берилишини таълимни бошкаришнинг тегишли идоралари томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Таълим муассасалари узаро битам тузишга, укув-тарбия комплекслари ва укув илмий ишлаб чикариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга хакдидирлар.

Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибига кирувчи муассасаларнинг вазифалари, хукукдари ва мажбуриятлари уз уставларида белгиланган.

Узбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизимига амал килинади. Ягона тизим куйидагиларни уз ичига олади.

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Хунар-техника таълими.
4. Урта махсус таълим.
5. Олий таълим.
6. Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш.
7. Кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш.
8. Оиладаги таълим.
9. Мустакил таълим.

Таълим тизимида укув режалари ва дастурлари мувофикдаштирилади. Таълим боскйчлари ва шакл-



ларининг стандартларга мое келиши таъминланади. – .

1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим тармогига 1—3 ёшдан 6—7 ёшгача булган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва богча муассасалари, шунйнгдек, оиладаги таълим-тарбия киради. Бундан кузланган мак.сад бола камолати асосларини шакллантирйшдан, уни билимга кизикишини таъминлашдан маданий-ахлок;ий эх.тиёжларини, дастлабки мехнат куникмаларини, илмга мухаббат куйишни устиришдан иборатдир.

. 2. Умумий таълим.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бугин булиб, таълим олувчиларнинг илмий билим, мехнат ва бошлангич касб-кор куникма ва малакаларини ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунйнгдек, уз ижодий к.обилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди. Умумий таълим уч боск.ичдан: 6—7 ёшдан 10—11 ёшгача булган болаларга таълим берувчи бошлангич (I—IV синфлар), 11—12 ёшдан 15—16 ёшгача булган болаларга мулжалланган (V—IX синфлар) таянч ва 15—16 ёшдан 17—18 ёшгача булган болаларга (X—XI—XII синфлар) урта таълимлардан иборат булиб, бошлангич таянч, Урта таълим мактаблари, гимназия, лицей ва бошк.а укув юртларида амалга оширилади.

Урта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши Укувчилар танлови буйича курелар жорий этилиши ва фанлар чукур Ургатилиши **Шумкин.** Бундай курелларнинг дастурлари умумтйълим муассасалари томонидан тасдикланади.

3. Мактабдан ташкари таълим.

Болалар ва усмирларнинг талаб ва эхтиёжларини туларок кондириш, уларниг дам олишини ташкил этиш максадида давлат идоралари мулкчиликнинг турли, шаклларидаги корхоналар, жамоат бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт сва бошка йуналишдаги мактаблардан ташкари таълим муассасаларй барпо этилади.

Турли хилдаги мактабдан ташкари муассасалар фаолиятига давлат томонидан кумак берилади ва назорат килинади.

4. **Хунар**-техника таълими.

**Хунар**-техника таълими, мехнат ва касб-кор махррати хамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни кайта тайёрлаш ва малакаларини оширишни максад килади.

Таълим билим юртларида укув ишлаб чикариш, укув-курс комбинатларида, марказларда ва.бошка укув юртларида ёки бевосита ишлаб чикаришда олиб борилади.

**Хунар**-техника таълим таянч таълими асосида бир вактнинг узида умумий урта таълим бериш ёки факатгина касб ургатиш оркали амалга оширилади.

5. Урта махсус таълим.

Урта махсус таълими касб-хунар коллежларида, педагогика лицейлари ва коллежларида, • шунингдёк узга шаклдаги укув юртлари билан куглилган урта махсус укув юртларида, таянч урта ва касб-хунар таълим негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим.

Олий таълим танланган фаолият сохасида чукур умуммиллий ва махсус билимни зарур касб-кор куникмаси билан уйгунлаштирадиган юкори малакали мутахассисларни, шунингдек, илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш максадини кузлайди.



Олий укув юртларида таълим икки боскич асосида бакалавр ва магистр даражасини бериш оркали амалга оширилади. Фукаролар шартнома асосида иккинчи олий маълумот олишга хаклидир. Олий укув юртлари конунда белгиланган тартибда вакт-вакти билан аттестация ва аккредациядан утказиб турилади.

7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш.

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий боскич х.исобланиб, шахе ва жамият эхтйёжларини, шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга булган талаб ва эхтиёжини кондиришни таъминлайди.

Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва хрказо) бериш тартиби конунлар билан белгиланади.

9. Оиладаги таълим.

ота-оналар ва уларнинг урнини босувчи шах<г-лар боланинг жисмоний, маънавий камолатига ва акл-заковатини Устиришга, маълумотли булишига жавобгардирлар. Болаларига оилада таълим беришни зиммаларига олган ота-оналар таълим муассасаларй, таълимни бошкарувчи тегишли идоралар билан шартнома тузадилар. Оиладаги таълим укув юртларининг дастурлари б5^йича амалга оширила«-ди. Кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан утказилади. Аттестациядан утгач, таълимнинг исталган боскичи^ай бошлаб укув муассасаларида укишни давом эттиришлари мумкин.

10. Мустакйл равишда таълим олиш.

Давлат фукароларининг мустакил равишда уз маълумотлари, маданий касб-кор савияларини оширишга булган интилишлари, кизик.ишларини куллаб-кувватлайди, уларга шарт-шароит яратади. Билим ва малака даражасини мустакил равишда оширган шахсларга экстернат тартибида имтихрн топшириш имкониятини беради.

Мустакил Республикамиз рах,барияти халк. таълими тизимини мазмунан янада яхшилаш борасида жуда катта тадбирларни амалга оширмокда. Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги конуни фукаролargй таълим-тарбия бериш, касб-Хунар ургатишнинг хукукий асосларини белгилайди ва хар кимнинг билим олиш хукукини таъминлашга каратилади.

Таълим тугрисидаги к.онун хужжатлари ушбу крнундан хамда бошка конун хужжатларидан иборат.

Агар Узбекистон Республикасининг халкаро шартномасида таълим тугрисидаги конун хужжатларидан узгача к.онун белгиланган б^лса, халк.аро шартнома к.оидалари кулланилади.

Таълим Узбекистон Республикаси ижтимоий тараkдиёт сох.асида устивор деб эълон килинади. Таълим сох.асидаги давлат сиёсатинннг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

— таълим за тарбиянинг инсонпарвар демократик хардктерда эканлиги;

— таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— умумий урта, шунингдек, урта махсус, касб-хунар коллежида укишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;



— давлат таълим стандартларида таълим олишнинг х.амма учун очиклиги;

— таълим дастурларини танлашда ягона ва таба-Калаштирилган ёндашиш, билимли булишни ва истеъдодни рагбатлантириш;

— таълим тазимида давлат ва бошкарувни уйгунлаштириш;

Жинси, тили, ёши, ирки, миллий мансублиги, эътикоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чикиши, хизмат тури, ижтимоий мавкеи, тураржойи, Узбекистон Республикасида канча вакт яшаётганлигидан катъи назар хар кимга билим олишга тенг **хукук** яратилади.

Узбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

## УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

**Асосий** коидалар

Умумий урта таълимнинг давлат стандарта укувчиларнинг тайёргарлигига, савиясига куйиладиган энг кам мезонни белгилайди.

Давлат таълим стандарта буйича таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари бахрланади. Стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият курсатаётган турли муассасаларда таълим баркарор даражага келтирилади. Демак, таълим стандарта уз мо^иятага к^ра укув дастурлари, дарсликлар, кулланмалар, низомлар ва **бошка** меъёрий хужжатларни яратиш учун асос булиб хизмат килади.

Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарта узининг тузидиши ва мазмунига к^ра давлат, худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради камда энг асосийси ухувчи

шахси, унинг йнтилишлари, крбилияти ва кизик.ишлари устуворлигидан келиб чикади.

Давлат таълим стандартини бажариш Узбекистон Республикаси худудида фаолият курсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий буйсунишдан к.атъи назар, барча таълим муассасалари учун мажбурий Хисобланади.

### УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Умумий урта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чикишда куйидаги меъёрий хужжатлар асос кдпиб олинади:

«Таълим тугрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг крнунлари;

Узбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислох. килиш билан боглик. фармонлари, фармойишлари ва асарлари;

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун даврлар таълим стандартларини ишлаб чик.иш ва жорий этиш тугрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон хамда «Узбекистон Республикасида умумий урта таълимни ташкил этиш тугрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон к.арорлари;

УзРСТ 1.0—92. Узбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими;

УзРСП.1—92. Узбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Узбекистон Республикаси давлат стандартини ишлаб чикдш, тасдиклаш ва руйхатдан утказиш тартиби;



ГОСТ 1.5—93. Давлатлараро стандартлаш ишларини олиб бориш кридалари. Стандартларнинг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига булган талаблар;

УзРСТ 1.9—95. Узбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Тармоклар стандартларини ишлаб чик#ш, тасдиклаш ва руйхатдан утказиш тартиби.

### УМУМИЙ УРТА ТАЪЛИМ - ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ ТАЯНЧ УКУВ РЕЖАСИ

Умумий урта таълим мактаблари учун таянч укув режаси давлат таълим стандартининг таркибий кисми булиб, у таълим срхаларини меъёри хамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асрс буладиган давлат хужжатидир. Таянч Укув режаси укув предмёти буйича берйладиган таълим мазмунини минимум хажмдаги микдррини **Узида** акс эттиради. У хар бир синфда муайян укув предмёти буйича давлат стандартларига мувофик. берйладиган таълим мазмунини аниклашга асос булади.

### УКУВЧИЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Умумий урта таълим икки боскичдан иборат булиб, бошлангич 1—4-синфлар(ва умумий урта таълим 1—9-синфларни камраб олади.

Умумий УрТа-таълимнинг давлат таълим стандарта бошлангич хамда умумий урта таълим нихоясида **Укувчилар** эгаллаши лозим булган билим, куникма ва малакаларнинг энг кам даражасини белгилаб беради. -

**Хар** бир синф якунида укувчилар эгаллаши ло-

зим булган билим, куникма ва малакалар таълим предметлари буйича ишлаб чикилган укув дастурларида уз аксини топган.

## 1—4-синфлар

1. Она тили ва укиш.

Бошлангич синфлар да укувчилар она тили ва укиш буйича куйидаги билим, куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Укиш техникаси буйича.

Микдорий курсаткич: бир дакдкада 80—90 сузни укий олиш.

### ТАЛАБЛАР

— харфларни турри талаффуз этиш;

" — сузларни турри укиш;

— гап охангига риоя килган хрлда равон ва образли укиш;

— гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс эттириш;

— санаш ва ажратиш охангларидан турри фойдаланиш;

— суз урруларига риоя килиш;

— охангга риоя килиш;

— илмий атама ва рамзларни турри талаффуз этиш.

б) Матн мазмунини ва узгалар фикрини англаш малаКаси буйича: Микдорий курсаткич: 10 дакикада Ф—5 сахифали матнни укиб, кайта сузлаб бера олиш.

### ТАЛАБЛАР

— огзаки нуткнинг тугри, равон, аник, тушунарли ва таъсирчан булиши.

— идеологах нуткда таъсирчан, изчил, мантикий жихатнинг аник булиши.



— монологик нуткнинг равон билиши.

в) Диктант ёзиш малакаси.

Микдорий курсаткич: 75—80 суздан иборат диктант ёза олиш.

### ТАЛАБЛАР

— имло хатоларга йул куймаслик;

— ижодий матннинг мантикий жихатдан изчиллиги;

— берилган изохларнинг аниклиги;

— лугатларнинг турри ва аник берилиши.

г) Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси буйича:

Микдорий курсаткич: 5—6 гапдан иборат булган матнни фикр эхтиёжи билан боглик мавзу асосида яратиш.

### ТАЛАБЛАР

— матндаги гапларнинг мазмунан узаро богликлиги ва алокадорлиги курсатилган мавзу доирасида бирлашиши; - ^

— харф ва тиниш белгиларини турри ёзйш;

— хуснихатда каторларни турри жойлаштириш;

— сузлар орасидаги ораликни турри белтилаш;

— тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш;

—матнда сузларни такрорлашдан сакланиш ва синонимларни куллай олиш;

— матнда хат бошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш;

— уядош сузлардан фойдалана олиш.

Бошлангич таълим якунида укувчилар камида 20 та кичик хажмдаги шеърларни ёддан айтиб бера олишлари шарт.

## 2. УЗБЕК ТИЛИ

### «ТАЪЛИМ УЗБЕК ТИЛИДАН БОШКА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР УЧУН».

Таълим узбек тилидан бошка тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 1—4-синфларида давлат тили таълимидан Укувчилар куйидаги билим, куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

— узбек тилидаги 700 та сузни нуткларида куллай олиш;

— ёзма ва огзаки нутк малакаларига эга булиш;

— фикр баён килиш учун зарур булган айрим грамматик воситаларни Уз Урнида куллай олиш;

— богланишли «утк элементларидан тугри фбйдаланган хрлда содда матн туза олиш;

— халк огзаки ижоди хамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни укиб тушуна олиш;

— мамлакатимиз мустакдплиги, рамзлари ва байрамлари хакида сузлаб бериш.

## 3. МАТЕМАТИКА.

Бошлангич синфларда укувчилар математикадан куйидаги билим, куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт: -

а) Сонлар ва хисоблашларга оид:

— сонларни Укиш ва ёзиш, уларни хона куглилувчиларининг йигиндиси куринишидаги ёзувини тушуниш;

— санок техникасини урганиш; сондан олдин ва кейин келувчи сонни айтиш, каби;

— натур ал сонларни Узаро таккослаш «,» ва «-» белгиларини тугри куллаш;

— сонларни ёзма кушиш, уч хонали ва турт хонали сонларни ёзиш, бир хонали ва икки хонали сонга купайтириш ва булиш;



— кугдиш, айириш, купайтириш ва булишнинг жадвалли холлари натижаларини билиш, мураккаб булмаган холдарда 100 ичида огзаки хисоблашларни бажара олиш;

— «йигинди», «айирма», «купайтма» ва «булинма» атамалари маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни укишда уларни куллай олиш; „

— 2—3 амалли сонли (шу жумладан, кавсли) ифоданинг кийматини топиш;

— «... та ортик», «••• та кам», «... марта ортик», «••• марта кам» муносабатларининг, «хаммаси», «колди», «тенг» муносабатларнинг маъносини тушуниш ва уларга таянган холда содда масалаларни еча олиш;

— мивдорлар (махсулот нархи, микдори ва киймати, тугри чизикли харакатда -йул, тезлик ва вакт) орасидаги богланишларни'куллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш;

—«ярим», «учдан бири», «туртдан бири» атамалари маъносини тушуниш ва уларни куллаш, касрлар ёрдамида улушларни ёзиш, дойра ва бошка геометрик фигуралар моделида 1/2,1/3 ларни курсатиш, амалий мазмундаги масалаларни ечишда соннинг улушини ва улушига кура сонни^x^топа олиш.

б) Геометрик фигуралargaоид.

— расмларда кесма, учбурчак, туртбурчаклар (жумладан, тугфи туртбурчак ва квадратлар), бешбурчак ва айланани таниш;

Педагогика амалиётида баъзан галати вокеалар хам учрайди. Укувчилар кизикувчанлиги сабабли Укитувчига савол берадилар ва худди ана шу пайтда укитувчи асосли жавоб бера олмайди, хижолат чекади. Нотугри жавоб берсам, кейинчалик обруйим кетади, деб Уйлайди. Масалан, биринчи синф Укувчилари укитувчидан «Космос нима?» — деб сурадилар ва у саросимага тушиб к.олди.)Дархак.икдт, буни биринчи синф укувчиларига кандай тушунтириш керак? Укитувчи пухта уйлаб олиб, кейин, чунончи эртасига жавоб бериш урнига, шу захоти «Космос биздан жуда узок нарса» — деб жавоб килди. Шундай жавобдан кейин укувчиларда космос хакида кандайдир тасаввур хосил буладими?

Чинакам илмийлик доимо ижтимоий ривожланиш ва моддий-олам конуниятларининг объективлигини уз ичига олади. Бизнинг фан диалектик фалсафа пойдеворига курилади. У вокеликнинг совукконлик, локайдлик билан ёзилган тавсифи эмас, балки моддий олам хакидаги карама-карши тушунчаларнинг узаро курашиш майдони ва куролидир. Фанлар — эътикодларни шакллантиришнинг кучли омили. Шунинг учун ёшларимиз олган билимларни уларнинг эътикодига айланиши жуда мухим - дир.

Мана шу вазифаларни амалга оширишда укувчиларнинг ижодий кобилиятларини ривожлантириш мухим талабдир. Биз факат ана шунга асосланиб болаларни мустакил уйлашга ургатишимиз, уларда узларининг карашлари ва нуктаи назари тизимини таркиб топтиришимиз мумкин.

Агар билимларни баён этиш, ишнинг усулларини курсатиш мумкин булса, ижодий фаолиятни ургатиш учун укувчиларни худди ана шу фаолият



жараёнига бевосита жалб этиш шарт. Мана шу муаммо буйича айрим мулохазаларни ифодалашга х.аракат киламиз.

Аввало хар кандай ижодкорлик, хусусан укувчиларнинг ижодкорлиги махсус тайёрланган шароитларда амалга ошиши мумкин. Бунда биЯимлар, куникмалар ва малакалар тизими кал килувчи омил булади. Ижодни, ижодкорликни. кандай тушуниш керак? Одатдаги тушунчага кура ижод озчилик кишиларнинг, буюк санъат асарларини, янги машиналар, дастгохлар ва коказоларни яратадиган истеъдодли одамларнинг кисматидир. Лекин ижод буюк асарлар яратишдангина иборат эмас, балки кишининг фикр юритиши, бирор тадбирни уйлаб топиши, озгина булса-да кандайдир янгилик яратиши кам ижоддир. Ижод жараёнига тасодиф сифатида эмас, балки коида сифатида караш лозим.

Укувчининг ижодини кандай тушуниш керак? Болалар кеч кандай янгилик яратмайди-ку? Укувчининг ижодкорлиги энг аввал унинг кар кандай фаолият жараёнидаги: узига хос усул билан масала ечиши, иншо ёзиши, тажриба ишлари, мекнат дарслари ва коказолардаги мустакил фикрлашида намоён булиши лозим.

Укувчининг ижоди — унинг олган билимларини каётда курган фактлар ва кодисаларга боглай олиши, уларни тугри бахрлаб, дастлабки маълумотларни тахлил ва синтез кила би лиши дир.

Хар кандай ижод борликни рад этиш эмас, балки борликка туларок кириб боришдир.

Укитишдаги индивидуал ёндашиш кам таълим жараёнининг мухим талабидир. Биз ана шу талабни кандай тушунамиз? Укитишдаги индивидуал ёндашиш факат машк ишларида эмас, балки укув

жараёнининг хамма боскичларида: янги материални утишда, мустахкамлашда ва такрорлашларда хам, уй вазифасини тузишда ва дарсдан ташкари кушимча машгулотларда хам амалга оширилишй зарур. Уни, масалан, янги материал урганилаётганда кандай*амалга оширилади? Укитувчи материални тушунтирар экан, дарсликнинг параграфи билан чекланиши мумкин эмас. У айрим маълумотларни анча кучли укувчиларни назарда тутиб баён килиши лозим. Бунда буш Укувчилар нима килиши керак? Укитувчи уларни хисобга олмаган-ку? Купчилик тажрибали Укитувчилар кийин мавзуларни утишдан олдин ана шундай Укувчилар билан кушимча машгулот уюштириб, янги материални идрок этиш учун зарур илгари Урганилган билимларни такрорлайди ва янги материалнинг кийин жойларини тушу нтирад и. Ана шундай кУшимча иш доимий равишда булмаса-[1] да, Укитувчининг фаолиятида зарурдир. Чунки укитувчининг касбий бурчи энг аввало эхтиёжмандларга ёрдам беришдир. Дарсда. бунинг учун хар доим имконият булавермайди. Машкдар вактида дастлйб бутун синфга кийинлиги бир хил материалларни бериш, кейинги боскичлардагина тайёргарлик машкларини табакалаштириш тавсия этил ад и. Буш Укувчилар билан ишлаш дарсларда хам, КУшимча машгулотларда хам амалга оширилишй керак. Бу ишларда факат Укитувчилар эмас, балки мазкур синфдаги кучли Укувчилар ёки буш Укувчиларга бириктирилган юкори синф укувчилари хам катнашиши лозим.

Таълимнинг демократик ва инсонпарварлик тизимига утиш даврида Укитишдаги индивидуал ёндошиш алохида ахамият касб этди, бинобарин Хозирги куннинг талаби укувчи урта мактаб дас



турини узлаштириши учун таълимнинг хар бир боскичида тегишлича билимлар олишига эришишдан иборатдир. Шахе доимо шаклланишда булади. Шахенинг шаклланиши сует кечиши хам мумкин.

Шахсни хар томонлама камол топтириш муаммосини факат мактаб эмас, балки жамиятнинг ривожланиши хам хал килади, албатта. Жамият тобора ривожланиши билан шахе хар томонлама камол топиши учун кулай шароитлар вужудга келади.

Укитишни табакалаштириш ва.индивидуаллаштириш муаммоси таълим назарияси ва амалиётида янги муаммо эмас. Аммо у хозирги пайтда таълим-тарбия назариясида алохида мухим ахамият касб этмокда. Унинг чет эл педагогикаси учун мохияти, бир томондан, фан-техника инкилоби шароитида малакали кадрлар тайёрлашдан иборат булса, иккинчи томондан, фаннинг, ишлаб чикаришнинг, бошкаришнинг, мафкура, адабиёт ва санъат муаммоларини яратишдан иборатдир.

Таълимни табакалаштириш муаммоси илмий-педагогик асосда килинса, Укитишни маълум даражада индивидуаллаштиришга имконият пайдо булади. Укитишни индивидуаллаштирйш жуда мураккаб муаммо булиб, маълум методологик ва педагогик ёндошишга боглик колда бевосита хал килинади.

Педагоглар ва психологлар Укитишни индивидуаллаштирйш муаммосига шахсни хар томонлама камол топтириш, шахе билан муайян (Укувчилар ёки ишлаб чикарувчилардан иборат) жамоа уртасидаги муносабатдарни, мактабнинг инсонни тарбиялашдаги ролини муайян тушуниш нуктаи назаридан ёндошадилар. Бунда истеъдод ва кобилиятларнинг баравар эмаслиги, уларнинг хилма-хил-

лиги ва индивидуаллиги хакдцаги таълимотга таянадилар.

Укитишнйнг индивидуаллашуви тарбиянинг хам индивидуаллашганини билдиради. Укитиш ва тарбиялаш жараёнидаги шахснинг крбилиятларигина ривожланиб колмайди, балки унинг фазилатлари Хам шаклланади. Инсон эса факат Узининг атроф-^даги оламга муносабати оркали шахсга айланади. Жамиятдан ва ижтимоий муносабатлардан ташкари индивидуаллик булмайди, синфий эксплуататорлик жамиятида бундай муносабат. синфийлиги сабабли укитиш ва тарбиялашнинг хар кандай индивидуаллашуви хукмрон мафкуранинг тарбияланувчиларига таъсирини кучайтиради ва бу таъсир янада нозиклашади, узгарувчан ва максадга мувофикрок булади.

Укитишнйнг индивидуаллашуви таълимнинг ташкилий шакллари ва методлари, синфларнинг тулалиги, узгаришига, хатто мактаб биноларининг режалаштирилиши, поток синфлар, гурухларнинг нисбати ва хар бир укувчи билан олиб бориладиган айрим ишлар хам жиддий узгаришига сабаб булади.

Укувчилар узича хаёт кечиради, уларнинг ташки оламга муносабатини ифодаловчи маънавий дунёси бой ва такрорланмас булади. Ана шу ички дунёни, ички хаётни индивидуал ёндошиш бидангина тушуниш мумкин. Индивидуал хусусиятларни, кизикйш ва истеъдодларни хисббга олинмаса, синф-дарс тизими оркали мунтазам урганиладиган курслар КУРУК ёдлашга айланиб эхтимолдан холи эмас. Хар бир кишининг истеъдоди куп киррали булиб, факат ташки .сабаблар билан эмас, балки унинг Уз табиатига боглик холда хам таркиб тоцади. Инсон ташки таъсирини уз-узидан кабул килмайди, балки унда болага таълим оркали бериладиган ижтимоий тажрибани узлаштириш имконини яратадиган биологик кобилият мавжуддир. Масалан, мусикачиликка хос нозик эшитиш анализатори зарур. Шундай анализаторга эга булган Холда мусикачи булмаслик мумкин, аммо мазкур анализаторсиз мусикачиликни урганишнинг иложи йУк.

Укиташнинг индивидуаллаштириш «биологик» ва «ижтимоий» хусусиятларни, яъни инсонда истеъдод булиши мумкинлигини, лекин у фаол ишлар билан шугулланмаса, истеъдодлар ташки таъсирлар, ташки шароитлар натиждсида уз-Узидан кобилиятга айланмаслигини яккол тушунишни талаб килади. Таълим узининг мазмуни ва методикасига кура ташки таъсирдир. Лекин у укувчи истеъдоди хисобга олинсагина кутилган натижани бериши мумкин.

Укитишнйнг индивидуаллашуви жамоа билан янада чукур богланишига олиб боради, жамоадаги Узининг «мен» ини намойиш килицшинг, шахсга айланишнинг ёркин истикболларини вужудга келтиради. Шахсни таъсир курсатишининг жамоавий воситасида тарбиялаш — унда жамиятга тугри муносабатнй, тегишли фаолият билан кушилишнинг ахлокий-эстетик нормалар хакдцаги, уларга онгли ёндошиш тугрисидаги тушунчаларни таркиб топтиришни билдиради: мустакиллик ва фаолликни, Узйга хосликни ривожлантириш эса ижтимоий конструктив — ижодий ишларда узини якдол намоён этишдир. ^

«Индивидуаллик» тушунчаси инсоннинг ижтимоий мохиятини ифодаловчи шахе аввало ижти-

моий мавжудот сифатидаги инсонни тавсифлайдиган умумий хусусиятларни уз ичига олишни курсатади.

Умумий хусусиятлар канчалик куп булса, шахе шунчалик ахамиятли булади, чунки у ижтимоий муносабатларни энг чукур акс эттиради.

«Индивидуал» тушунчаси шахенинг бошка ки,шилардан фаркланадиган алохдца ва ягона хусусиятини Уз ичига оладики, бу хусусият шахсга жамиятда Узига хослик ва такрорланмаслик бахш этади, унда ижтимоий муносабатлар шароитида, яъни киши-кишини эксплуатация килмайдиган тузумда жамият ва шахе Узаро карама-кдрши булмайди. Хар Кандай индивидуалликнинг бетакрорлиги жамиятдан ажралиб колмайди, балки жамиятнинг узвий богликлиги унинг манфаатларини ва каракат конуниятларини тушунишдадир. Жамиятсиз шахе булмайди, индивидуаллик булмайди, чунки камолатнинг манбаи жамиятдадир.

Шахенинг камол топишида Узининг куч-гайрати, бевосита фаолияти жуда катта роль Уйнайди.

Бизнинг тарбия ва таълим тизимимиз кар бир болада истеъдод, фаоллик, онглилйк ва ижодкорликни ривожлантирищга каратилган.

Аввал хусусиятларни кисобга олиб умумийликни, кейин умумийни кисобга олиб алокидаликни ривожлантириш керак.

## УКИТИШ ЖАРАЁНИГА НОАНЪАНАВИЙ ЁНДОШИШ

Республикамизда таълим жараёнини такомиллаштириш масаласи буйича изланищда укитишнинг янги шакллари аста-секин мустаккам Урин олмокда. Булар гимназия, ихтисослаштирилган синфлардир. Лекин таълимнинг янги шакллари асосан мак-



табнинг урта ва юкори звеноларига дахлдордир. Хуш, бошлангич мактабда нималар булаётир? Бошлангич мактаб кар кандай холда кам Укувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг кобилиятларини аниклашда асосий роль уйнайди ва ундан кейин кам шундай булиши керак. Аммо бошлангич мактабдаги барча Укитувчилар болаларнинг кобилиятларини аникдаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётирми? Масалан, нима учун юкори синфларда аъло бакога узлаштирадиган болалар сони камайиб бормокда? Мактабни битта ёки иккита Укувчи олтин медаль билан битиришини кандай тушуниш керак? Истеъдодли, кобилиятли болалар йукми ёки Укитиш жараёни шунчалик самарасиз булиб колганми? Буларнинг сабаби нима? Сабаби куп. Биринчидан, бошлангич синфлар Укитувчиси болалар *билан* индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда буш Узлаштирадиган Укувчиларга алохида эътибор бериш зарур. Иккинчидан, мазкур Укитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида кобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб колкгокда. Улар Уз кобилиятларини кУрсата олмаётир. Укитувчи кучи ва эътибори бутун синфга каратилиб, кобилиятли болалар кузга ташланмаётир. Умуман айтганда, хусусан болаларни саралаш ва Укитишга бошкача ёндошиш билан уларнинг ижодий кобилиятларини руёбга чикариш керак.

Бошлангич мактаб (I боскич мактаб) бола шахсининг илк шаклланишини таъминлаши, унинг Кобилиятларини лниклаши, Укувчиларда билим олн|Ц куникмаси ва йстагини таркиб топтириши керф* Бундай мактабда укув фаолйятининг зарур

куникма ва малакаларини эгаллайдилар, укиш, ёзиш, хисоблашни урганадилар, ижодий фикрлаш элементларини, маданий нутк. ва хулкди, шахсий гигиена хамда соглом турмуш асосларини урганадилар.

Мана шу умумий вазифаларни амалга ошириш учун максадларнинг устунлигини жиддий, тубдан узгартириш, аввало предметларга дойр билимлар, Куникма ва малакаларни узлаштиришнинг анъанавий максади урнига бола шахсини, Укув фаолиятини шакллантириш асосида тарбиялаш максади эгаллайди, лекин бунда анъанавий предметларга дойр куникма ва малакаларнинг шаклланиш даражасига эътибор сустлашмаслиги лозим.

Бошлангич таълимнинг муайян максадларини ишлаб чикдшнинг хакикий ахдоли шундаки, янги устунликлар назарий,ва амалий устунликлар жщатидан энг кам ишлаб чикилган. Хозирги кунда предмет таълимининг укув дастурларида белгиланган муайян максадлари хозирча кичик мактаб ёшидаги укувчиларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларидан ажралиб колган, таълимнинг режалаштирилган натижалари ва уларни бахолаш лсеханизмлари нуктаи назаридан ифодаланмаган. Бу хол укув фаолиятини шакллантиришга дойр ишлар билан предметлар буйича куникма ва малакаларни узлаштириш уртасида узилиш мавжудлигйдан далблат беради.

Бошлангич таълимдаги максадлар устунлигининг алмашинуви факат предметлар уртасидаги нисбат (асосий ва иккинчи даражалилик)нинг узгаришига олиб бормайди, балки шахсни камол топтириш вазифаларини кенгрок ва туларок амалга оширадиган янги, уйгунлашган курсларни ишлаб чикишнинг асосини хам вужудга келтиради. Бундай курсларни ва уларнинг дастурларини ишлаб чикиш нихоятда зарурдир.



Шулар билан бирга кичик мактаб ёшидаги укувчиларнинг ёш имкониятларини хисобга оладиган ва уларда укув фаолиятини шакллантиришга каратилган янги типдаги таълим воситаларига утиш жуда мухимдир.

Муайян йуналишдаги (математика, тил, эстетик ва жисмоний тарбия хамда бошкаларга дойр) мактабларга болаларни ёшидан катъи назар кабул Килинади, яъни олти ва етти ёшли болалар фаркланмайди. Бунда асосий мезон куриш ва эшитиш хотиралари, мантикий фикрлаш хамда нуткдан иборат булади. Мана шу мезонларга кура бошлангич мактабнинг асосий вазифаси: болаларга кузатиш, уйлаш, Укиш ва ёзишни, Укилган ёки айтилган материалнинг асосий маъносини ажратиш ва тахлил килишни, муаммоли вазиятларни турли вариантларда хал этишни ургатишдир. Синфнинг ахволига мувофик Укитувчининг энг мухим вазифалари: Укувчиларнинг билимларни узлаштиришга тайёрлигини аниклаш ва ривожлантириш; кейин укитишнйнг индивидуал шакли методикасини ишлаб чикиш, болаларнинг кобилиятлари ва ижодий кизикишларини такомиллаштириш; уларнинг тафаккури хамда Укитиш дастурини максимал даражада Узлаштириш иктидорини устириш; болаларнинг Узига хос ва шахсий хусусиятларини ривожлантириш; уларни чукурлаштириш; билимлар асосида мактабнинг Урта звеносидагиукишга тайёрлашдир.

Узбекистон мактабларининг тажрибали Укитувчилари болаларни нейро-психолрглар экспресс-диагностик текшириш асосида танлаш методидан фойдаланадилар. Бу метод психология фанлари докторлари, профессорйар Б. Кодиров ва Э. Г. Симерницкая, доцент С. Охунжоновлар томонидан ишлаб чикилди. Улар укув режасига ижодий тафак-

курни ривожлантириш дарсларини, таълимнинг иккинчи тили информатика, шахмат уйини дарсларини киритадилар.

Ижодий тафаккурни ривожлантириш дарсларининг (хафтада 2 марта) вазифаси куйидагилардан иборат эди;

1. Контурсия, пиктограмма тили буйича машк.-лар оркали образли тафаккурни ривожлантириш, табиий объектларнинг ухшашлиги буйича ишлаш;

2. Системали ва мантикий тафаккурни ривожлантириш (бунта Узаро узок, ухшашликнинг богланиши, «Х.а-йук» уйини, ЭХ.М билан мулокот контурли топширикдарни топиш, «Циферблат — умумий тизим кисмнинг системаси — системалар» уйини киритилган;

3. «Яхши — ёмон» уйини, эртаклардаги зиддиятларни излаш оркали диалектик тафаккурни ривожлантириш;

4. Табиатдаги хрдисаларни бевосита кузатиш асосида болаларнинг дик.катини табиат гузалликларига жал б килиш;

5. Эртакларнинг сюжетлари билан ишлаш, турли эртакларни тахдил кдпиш, табиатдаги ухшашликларини боглаш асосида кичик сюжетлар тузиш, бир эртак объектини иккинчи эртакка кучириш йули билан сехрли сюжетлар ва эффектлар яратиш; эртакли масалаларни хал килишда тасвирий санъат усулларини куллаш.

Математика таълими жараёнига шахмат уйини ва информатика дарслари жорий килинган эди. Шахмат синфдаги хамма укувчилар учун мажбурий килиб белгиланганди. Чунки шахмат оркали укувчиларда хотирани, хатти-харакатнинг маълум мантик.ини, уййнда ракибининг мак.садини хисобга олиш кузланган натижаларга эришиш учун Узининг



ишларини режалаштириш купикмаларини, мехнатсеварлик ва батартибликни ривожлантириш мумкин.

Укувчилар I—IV синфларда ЭХ.М билан шугулланиб, машкдарни машинада ишлаш мал акал арини хосил кдладилар, математика, табиатшунослик, мехнат дарслари буйича уйин дастурларини Узлаштирадилар, шунингдек, тест асосида психологик йуналишдаги хар хил машкдарни бажарадилар.

Уйин шаклида олиб борилган тил билан боглик. дарсйарда таълимнинг иккинчи тилини урганишда асосан сузларни, ибораларни эслаб к.олишга, укиш ва ёзиш малакаларини шакллантиришга ахамият берилди.

Укитишнинг гуманитар йуналишларини «Атрофимиздаги олам», тасвирий санъат, мусик.а ва рак;с дарслари ташкил этди. Бундай дарсларнинг вазифаси ахлок,ий ва эстетик тарбиянинг асоси булиб, чинакам инсонийлик сифатларини ва рахмдилликни, инсон ва табиатнинг гузаллигини кура олишини ривожлантиришдан иборат эди.

Таълимдаги ноанъанавий укув жараёнининг ана шу хилдаги бойлиги тиббиётчилар ва психологлар томонидан доимий равишда назорат олиб борилишини талаб килади.

Синф психологларининг асосий вазифаси болаларнинг укув жараёнига, психологик баркарорликка куникишини аникдашдан иборат эди. Психологлар дарсларга кириши; укувчилар ва ота-оналар &илан сухбатлар утказишлари лозим. Улар туплаган маълумотдар Укув жараёнини олдиндан белгилаш имконини берадиган махсус дафтарларга мунтазам равишда ёзиб борилиши шарт. Синф психологининг яна бир вазифаси хотиранйнг ривожлантирищга дойр машгулотларни утказишдан иборат булиб, бу иш таълимнинг бошлангич звеносида жуда зарурдир.

## ТЕНГЛАШТИРИШ СИНФЛАРИ ТУРРИСИДА

Заиф ва ижтимоий нокис болаларга табакали ёндошишни амалга ошириш, уларни методик максадга мувофик; йусинда укитиш психик соглом хамма болаларга битта синфда таълим бериш имконини яратади.

Хусусан ана шу муаммо хал килинмагани сабабли кейинги пайтларда селекция ишининг тузатиш синфлари деб аталадиган алохдца шакли анча кенг таркалди. Бундай синфларда укишда турли кийинчиликлар боис яхши узлаштирмайдиган, баъзан касалига нотугри ташхис кУйилган болалар хам махсус жамланади.

Махсус мактаб жамоаларини ташкил этиш масалалари пеихологлар, тиббиёт ходимлари ва педагоглар томонидан кунт билан чукур тадкик килиниши керак. Бу тадбир укитиш, тарбиялаш ва камол топтириш натижаларини бахрлаб, укувчиларни навбатдаги синфга Утказиш муаммосини хал Кйлишда энг мухим ахамиятга эга.

Мактабларда Укув жараёнини ташкил этишга табакали ёндошиш учун тенглаштириш синфларини яратишнинг психологик жихатдан хам, педагогик жихатдан хам узига хос кийинчиликлари бор. Психологик йусиндаги кийинчилик шундан иборатки, укитувчи учун кули остидаги болаларнинг кимлигини, ички дунёсини ва улар билан кандай ишлаш кераклиги, нима учун шундайлигини дарров билиб олиш анча мушкулдир. Узлаштирмайдиган болаларда хотиранинг хамма тури паст булади ва уларга тахлил килишни, таккослашни хам умумлаштиришни алохида эътибор билан ургатиш зарур.

Индивидуал ёндошиш хусусан тенглаштириш синфларидаги таълим ва тарбиянинг етакчи принципидир. Таълимда олга силжиш учун укитувчи жуда куп мехнат килиши, хилма-хил машгулотларни индивидуал йусинда амалга ошириш лозим булади.



Болаларни умумий таълим мактабидаги укув жараёнига кушиш учун уларнинг билимлари, куникма ва малакаларини тенглаштириш вазифасини укитувчи, тарбиячи ва ота-оналар хамкорликда уддалашлари мумкин. Мазкур синфлардаги укувчилар билан ишлайдиган тарбиячи Укитувчининг ишини давом эттириши, хар бир Укувчига алохида-алохида ёрдам бериш учун махсус тайёргарликдан утиши керак.

Укитувчи болаларнинг чарчаб колмаслигини эътибор билан кузатиб бориши зарур. Шунингдек, таълимнинг усул ва методларини ггухта уйлаб, хар бир болага индивидуал ёндошишни хисобга олиши даркор. Укитишнйнг амалий ва назарий булимларини уйгунлаштириши, аклий зурикдш ва хордик чикариш пайтларини навбатдаштириб бориши лозим.

## БОШЛАНРИЧ МАКТАБДАГИ УКИТИШНЙНГ ТАЪЛИМИЙ-ТАРБИЯВИЙ ВА КАМОЛ ТОПТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Умумий таълим ва хунар мактабини ислох килишнинг асосий йуналишлари амалга оширилаётган хозирги шароитда бошлангич таълим болаларни хар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради; уларда тез тушуниб, ифодали Укиш, хисоблаш, ёзиш, равон сУзлаш ва маданий хулк малакаларининг мустахкам шаклланишини таъминлайди. Бошлангич мактаб укишта ва ижтимоий-фойдали мехнатга халол муносабатни, Ватанга мухаббатни тарбиялайди. Бошлангич синфларда ана шу вазифаларни бажаришнинг

йулларидан бири укитишнинг таълимий, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини амалга оширишдан иборатдир.

Бошлангич мактабнннг Укув дастурларида укитувчи ишининг ана шу йуналишлари какида гап боради. Давлат дастурини бажариш — кар бир укув предметининг, таълимий, тарбиявий ва камол топтириш имкониятларини руёбга чикаришдир. Она тили дастурида саводхонлик, укиш, фонетика, грамматика ва чиройли ёзишни ургатиш оркали болаларнинг нуткини устириш, инсон, табиат, ва жамият тугрисидаги тасаввурини бойитиш, уларда гоявий-сиёсий, ахлокий ва эстетик тушунчаларни шакллантириш, мантикий ва муайян образли фикрлашни ривожлантириш, укув машгулотлари ва китобга кизикиш уйготиш вазифалари куйилади.

Математиканинг таълимий имкониятлари укувчиларни тарбиялаш билан узвий богликдир. Математика билан шугулланищ болаларда илмий дунёкарашнинг асосларини таркиб топтиради, билиш кобилиятларини ривожлантиради, укишга ва мекнатга калол муносабатнй, Ватаига мудаббат туйгуларини тарбиялайди.

Табиатшунослик курсининг мазмуни кичик мактаб ёшидаги укувчиларда жонсиз ва жонли табиат, мекнат ахди тугрисида, табиатнинг йил фаслларидаги узгаришлар, ундаги нарсалар ва ходисаларнинг узаро богликдиги тугрисида жузъий билимларни косил килади, уларни жонсиз ва жонлй табиатини мунтазам равишда кузатишга ургатади. Шахсий ва ижтимоий гигиеник малакалар билан таништиради. Табиатшунослик болаларда табиатга мухдббат уйготади ва уни мухрфаза килишга интилишни вужудга келтиради, мантикий фикрлаш ва нуткини



ривожлантиради, куникма ва малакаларни, мехнат килиш истагини, интизомлиликни, катъиятлиликни ва Узаро ёрдам каби фазилатларни шакллантиради, ватанпарварлик тарбиясида ёрдам беради.

Бошлангич синфлардаги «Мехнат таълими» укув предмета Укувчиларга таълим ва тарбия бериш, уларни камол топтириш тизиминингтаркибий кисми хисобланади. Мехнат таълими дастури техник, маиший хужалик мехнатини ва турли материалларга бадиий ишлов бериш асосларини уз ичига олади. Мана шу укув предмета мехнат маданияти асосларини, ижтимоий-фойдали мехнат буйича дастлабки куникма ва малакаларни шакллантиради, мехнатсеварликни, мехнатга тугри муносабатнй, тежамкорликни, табиатга ва ижтимоий мулкка эхтиёткорона ёндошиш туйгуларини тарбиялайди, гоявий-сиёсий, эстетик, жисмоний тарбияни амалга оширишда ёрдам беради, ижрочилик фаолиятига тайёргарлик билан бирга ижодкорлик кобилиятларини такомиллаштиради.

Жисмоний тарбия дарсларида укитиш, тарбиялаш ва камол топтиришнинг Узаро боглик масалалари куйидагилардан иборат:

— Усаётган организмнинг уйгун ривожланишига, соглигини мустахкамлашга, чиникишига ёрдам бериш;

— ахлокий ва иродавий фазилатларини, хулк маданиятини тарбиялаш;

— Укувчиларни жисмоний маданият буйича зарур билимлар билан куроллантириш, уларда энг мухим харакат куникмалари ва малакаларини хамда физкультура комплекси нормаларини топширишга тайёргарликии таркиб топтириш;

. — Укувчиларда асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш, кундалик уйинларга, жисмоний

машкларга, спортга баркарор кизикиш хосил килиш, узини жисмоний баркамол этишга эхтиёжни тарбиялаш.

Укдтиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини ажратиш билимларини узлаштириш хамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни узлаштириш жараёнида карашлар ва маънавий сифатлар хам шаклланади, албатта, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва узаро богликдиги кузатилади. Масалан, агар бола дастур материалини узлаштирса, мустакил фикрлаши етарли даражада ривожланмаганидан катъи назар, унга юкори бахо кУямиз. Ва аксинча, мустакил холда ва ишонч билан мушохада юрита оладиган Укувчи дастур материалини етарлича узлаштирмаган булса, ижобий бахо ололмайди. Укитувчининг Укитиш функциялари Узаро богликдигини чукур тушуниш унга дарснинг таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини ижодий йусинда кУйиш ва хал Килиш имконини беради.

Бошлангич мактабдаги укитишнйнг таълимий функцияси мазмуни предметлари буйича укув дастурида кайд килинган билимлар куникмалари ва малакаларининг мажмуидан иборат булади. Ана шу билимларни Узлаштириш I, II, III синфни, бошлангич мактаб ва хоказоларни битиргач, муайян даражадаги маълумотлиликни таъминлайди.

Укитишнйнг таълимий функциясини амалга ошириши жараёни билимларнинг ва улар асосида шаклланадиган куникмалар хамда малакаларнинг характерига богликдир.

Болаларнинг узларига мое конуниятлар, тушунчалар, коидалар ва таърифларини узлаштириши



билан боглик назарий билимлар узларининг билиш фаолиятини ташкил этишнинг маълум шаклларини талаб килади. Бунда фикрлашнинг мавхум шакллари устун булади. Укувчи мухим белгиларни ва асосий коидаларни ажрата билиши керак. Унга билимлардаги тизимни топишни Ургатиш лозим, ана шундагина ёдланган коидалар ва таърифлар юзаки булиб колмайди. Укувчи назарияни тушунарли фактлар, шахсий тажриба, амалий ишлар асосида узлаштиради. Лекин билиш фаолиятининг самарадорлиги кандай фактлар ва мисолларни эслаб колгани билан эмас, балки ана шу фактлар асосида тушунчанинг мухим белгиларини канчалик ажрата олгани, таърифлар ва коидаларни англагани билан белгиланади. Масалан, III синфдаги она тили дарсида Укитувчи болаларни сУз туркумларидан «От» билан таништиради. Укувчи иккита белги: сУз предметни билдириши ва сУз (ким? нима? деган) саволларга жавоб булиши асосида ана шу суз туркумини ажратади. Бунда асосий вазифа мазкур мухим белгилар билан иш кура олишдир. Шу тарика боланинг онгида назария вужудга келади.

Укувчи учун факат, айтайлик, «дарахт», «уй», «трактор» каби хусусан отга таадлукди сузлардан мисоллар келтириш мухим эмас, балки энг мухдми урганилган иккита белги асосида мана шу сузлар нима учун отга тааллукли эканини тушунтира олишдир.

Баъзан укувчи дарсда фаоллик кУрсатади. Предметни билдирадиган сузлардан хар хил мисоллар келтиради. У ана шу суз туркумини яхши узлаштиргандек туюлади. Лекин унинг жавоблари назарий жихатдан дастлабки билимлар ва илгари ажратилган иккита белги асосида сузларни тахлил Килишнинг натижаси эмас, балки уртокдарига таклид килишдан иборат булиши мумкин.

^Укитишнинг таълимий функциясининг ана шу томонини амалга ошириш жараёнида бола Укув? материалининг назарий дастурини узлаштиради. 5

Укитишнинг таълимий функцияси мазмунининг бошка бир жихдти фактли Укув материалини узлаштиришдир. Бунда кичик мактаб ёшидаги укувчининг билиш фаолияти бошкача характер касб этади ва энг мукими турлй фактларни, кодисаларни хамда уларни системалаштиришни билишдир. Масалан,. II синфдаги табиатшунослик дарсида болалар кузатишлар оркали кузнинг белгилари: совук тушиши, ёгингарчилик, Дарахт баргларининг тукилиши, ут-уланларнинг куриб саргайиши, кушларнин учиб кетиши, ковузлардаги сувларнинг музлаши ва хрказолар билан танишадилар. Бунда дастлабки белгиларни эслаб колищ, кейин улар какида синфга ва укитувчига сузлаб беришнинг узи етарли эмае. Энг мукими боланинг кузатишларйни, унинг шахсий тажрибасига, табиатдаги кузги Узгаришларни кузатишга дойр билимларини системалаштиришдирг Кузнинг белгиларйни пухта билиш болага муайян маълумотларни, таассуротларни системалаштиришда ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшидаги укувчи Узлаштирган билимлар маълум назарияга боглик булмаслиги кам. мумкин. Бундай билимлар одатда, ёзувчилар» шоирлар, мусикачилар, олимлар, ишчилар ва бощг каларнинг каётига оид маълумотлардан иборат була ди. Укитишнинг таълимий функциясининг ана ш томонини амалга ошириш жараёнида асосий и боланинг илгари билмаган фактлар ва ходисалар ни эслаб колишидир.

Шундай килиб, укитишнинг таълимий вазифа ; сини амалга ошириш укувчиларга бериладиган бй-й лимларнинг характерига боглик. Бошлангич мактабдаги Укитишнинг таълимий функциясининг,;



мазмуни укув предметлари буйича, дарслар урганиладиган мавзулар буйича таксимланади. Масалан, I синфдаги математика укув дастурида (I—IV синфлар) 1 дан 10 гача сонларни урганишга 34 та даре, 1 дан 20 гача сонларни урганишга 12 та даре, кушиш ва айиришга 62 та даре ажратилган.

Укув материалини ана шу йусинда таксимлаш дарснинг таълимий вазифаларини куйиш ва амалга оширишда ёрдам беради. Аввало дареда мазкур вазифаларнинг куйилишини осонлаштиради, Укув материалининг муайянлигини, аниклигини таъминлайди. Укитувчи дарсни бошлашдан олдин Укув материалининг ана шу дареда тушунтириши лозим булган кисми билан, дареликнинг бу материал ёритилган кисмининг мазмуни билан танишади.

Мана шуларга таяниб дарснинг таълимий вазифасини ифодалаш кийин эмас, масалан: укувчиларга унгача тугри ва тескари санашни ургатиш; от тушунчасини бериш; кузнинг белгиларйни туцгунтириш ва коказо. Таълимий вазифа канчалик аник белгиланса ва у дареда олинган Укув материалига Канчалик мувофик булса, дареда Укитиш методини танлаш шунчалик осон булади.

Хар бир муайян дареда таълимий вазифа куйилади ва амалга оширилади. Лекин бир дареда битта юкрридаги каби вазифа куйилса,иккинчи дареда бошка вазифа куйилади ва коказо. Таълимий вазифалар мажмуи Укитувчининг Укитиш функциясини ташкил килади.

Укитишнинг таълимий вазифаси мажмуи кам берилган билимлар асосида шаклланадиган куникмадан иборат булиб, билимларнинг характери тегишли куникмалар билан белгиланади. Куйидаги етакчи куникмаларни алохида ифодалаш мумкин: муайян укув предметининг назарий материали асосида шаклланадиган ва унинг Узига хослигига мувофик куникмалар (масалан, суз туркумларининг белгиларйни

топиш куникмаси) натурал катор сонларни (10 дан ва тескарисига) айтиш, кушиш, булиш компонентларини таърифлаш куникмаси; йил фаслларининг белгиларини фаркдаш куникмаси шулар жумласига киради.

Бошка куникмалар фактли материалларни узлаштириш билан богликдир. Бунда болага мавжуд фактлар ва маълумотларни мустакил холда тизимлаштиришни, хар хил мисоллар келтиришни, коида ва таърифларни тушунтиришни, масалан, I синфда укдлган матн буйича саволларга жавоб кайтариш ва расмларга караб унинг мазмунини гапириб беришни, расмлар буйича хикоялар тузишни, Укилган асарнинг сарлавхасини изохдашни ургатиш гоят мухимдир.

Бошлангич мактабдаги таълимий вазифанинг мазмунига, хотиранинг фаолиятига боглик. куникмалар: укитувчининг талаби ва уз хохиши буйича ёдлаш, кейин урганилган шеърни эслаш, укувчилар, бастакорлар ва уларнинг асарлари хакдца гапириб бериш хам киради.

Бошлангич синфлардаги таълимий вазифаларни амалга ошиши укитувчи урганиладиган билимларвдшг ва шаклланадиган куникмаларнинг хусусиятларини к.анчалик кура олишига богликдир.

Укитишнйнг тарбиявий вазифаси укувчилар! ижобий карашлар ва эътикрдларни, ахлокдйлик иродалилик ва хиссиётларни шакллайтиришдан иборат дир. Укитувчи хар бир дарсдаги укув материалин ургатиш жараёнида тарбиявий вазифанинг ма! бир томонини амалга оширади. Масалан, И синф; болалар уз тенгдошларининг ишлари, уларнинг дустлиги, узаро ёрдами, одамларга диккат-эътибор! ва мехрибонлик муносабати тугрисидаги хикоялар шеърларни укдйдилар. Мана шундай дарсларда уларл ахлокдйлик хусусиятлари шаклланади.



Дунёкараш, шахснинг ахлок.ий фазилатлари, хиссиётлар, ирода хислатлари ва хоказоларнинг таркиб топиши узлуксиз жараён булиб, уни аник, чекланган кисмларга ажратиш мумкин эмас. Масалан, битта дарсда халолликни таркиб топтириш ёки дунёкарашни шакллантириш вазифасини туда амалга ошириб булмайди.

Тарбиявий функцияни амалга оширишни кандай килиб бошкдриладиган жараён килиш мумкин? Бунда тарбиявий вазифалар ёрдам беради. Одатда улар битта даре доираси билан чекланмайдиган дарелар тизимига мулжалланган булади. Тарбиявий вазифаларни амалга ошириш бола шахеининг ривожланишини, унда ижобий сифатлар ва хусусиятлар шаклланишини кучайтиради.

Шулар сабабли тарбиявий вазифаларни куйиш анча мураккаб ишдир. Тарбиявий вазифа укувчида шахсни муайян сифатларини такомиллаштиришга каратилиши лозим. Масалан, II синфдаги табиатшунослик дарсида табиатнинг бахордаги Узгаришлари Урганилар экан, Укдтувчи кичик мактаб ёшидаги укувчиларда дунё хакдца тасаввур хосил килиш билан боглик. тарбиявий вазифани куяди. Бу вазифа куйидагича ифодаланади: кичик мактаб ёшидаги укувчиларда атроф-оламдаги нарсалар ва ходисаларнинг узаро богликдиги хакдца тасаввур хосил Килинади. Бундай вазифалар укувчига узи Урганадиган ходисалар, вокеалар ва нарсалар оркали дунёнинг манзарасини тасаввур этиш имконини берадиган методни танлаш учун асос булади-.

Бунда боланинг бахрр пайтларида табиатда руй берадиган Узгариншар хакдца маълумотлар асосида атрофдаги оламни тасаввур этишга харакат килиши, бахорда нималар булишини айтиш билан чек-

ланмай, хакдкий вок,еликни, нарсалар, ходисалар ва вокеаларнинг узаро богликдигини куз олдига келтириши хам жуда мухимдир. Маълумки, укувчи билиш фаолйятининг характери дареда таълимий вазифани амалага оширишдагига Караганда тарбиявий вазифани амалга ошириш анча мураккаб, зиддиятли булади. Укув дастурида тарбиялаш жараёнини кар бир алохида даре учун кисмларга булиш назарда тутилмайди. Шунинг учун одатда маълум мавзуни урганишда тарбиявий вазифа куйилади.

Тарбиявий вазифанинг натижалари таълимий вазифанинг натижалари каби муайян, аник; килинадиган булмайди. Тарбиявий вазифа кар бир укувчида турли даражада амалга ошади.

Масалан, кузатиш кундалигини юритиш она табиатга мухаббат уйготади. Бошлангич мактабда ана шу хилдаги ишларни бажаришда бу тарбиявий вазифа берилади. Лекин бир укувчи фаолиятнинг бу турини табиат хрдисаларини кузатиш кундалигини мунтазам равишда тУддириб бориш ва укитувчининг мактовини эшитиш, хамда яхши бахо олишдан иборат деб билади; иккинчи укувчида табиатдаги кодисаларнинг Узаро Яогликдиги ва улар бир-биридан келиб **чик.иши** хакдца тушунча хосил булади; учинчи укувчида кузатиш натижаларига боглик колда кишлаб коладиган кушларни бокиш, усимликларни парваришлаш, чугурчуклар учун инлар куриш истаги пайдо булади. Аммо у Узининг ана шу истакларини акён-ахёнда амалга ошйради ёки улар яхши ниятлигича колиб кетади. Яна баъзи укувчилар учун бундай истаклар мустакил холда амалий фаолиятга асос булади ва шу тарика Укитувчи куйган тарбиявий вазифалар узининг туларок ифодасини топади.



Дарснинг тарбиявий вазифалари Укувчи шахеида муайян ахлокий, эстетик, эмоционал ва иродавий сифатлар хамда хусусиятларини шакллантириш учун объектив шароитларни вужудга келтиради.

Бошлангич таълимдаги камол топтириш вазифасининг мазмуни билиш жараёнини фаоллаштириш, фикрлаш мантикини, тафаккур усулларини, мушохада юритиш ва хулосалар чикаришни Узлаштиришдан, Укишга ва атрофдаги оламни билишга кизикишни шакллантиришдан, Укишнинг ижобий мотивларини вужудга келтиришдан иборатдир.

Купинча дареда Укитувчи Укитишнинг камол топтириш вазифасининг кандайдир бир томонига эътибор беради. Масалан, билиш жараёнини фаоллаштириш максадида зийраклик ва идрокни оширадиган вазифаларни куллайди ёки математика масалаларини ечиш оркали анализ ва синтез усулларини шакллантиради ёки укув машгулотини кизикарли шаклда утказиш воситасида Укишнинг ижобий мотивларини вужудга келтиради.

Хар кандай укув материалини урганиш укувчининг камол топишига, ундаги фикрлаш мантикининг, билиш кучлари ва Укиш мотивининг ривожланишига таъсир курсатади. Аммо дарснинг камол топтириш вазифаси Канчалик кам йфодаланса, Укитувчи уни шунчалик кам англайди ва укувчининг камол топиши хам шунчалик тасодифан ва кутилмаган холда амалга ошади. Ва, аксинча, Укитувчи камол топтириш вазифасини канчалик яккрл курса ва англаса, дареда укувчининг камол топишини шунчалик тугри бошкариш мумкин булади.

Дарсдаги камол топтириш вазифаларининг мажмуи Укитишнинг* камол топтириш вазифасини олдиндан кУзлаган ва бошкариладиган жараёнга айлантиради.

Укитишнинг камол топтириш вазифасини амалга ошириш уз структураси буйича тарбиявий вазифани амалга ошириш билан ухшашдир. Тарбиявий вазифани амалга оширишдаги сингари камол топтириш вазифасини амалга оширишда кам энг мукими укувчининг камол топишига муайян интилишларни шакллантиришдир. Битта дареда анализ ва ейнтезнинг мантикий усулларини, мавхум фикрлаш кобилиятини ривожлантириш, фаол ва мустакил фикрларни шакллантириш вазифасини КУЙиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Лекин мана шундай вазифаларни дарелар тизимидаги маълум мавзуни урганишда кам, кар бир дареда кам кУйиш зарур. Дарснинг камол топтириш вазифаларини амалга ошириш доимий равишда маълум гоядарни режалаштириш ва фикрлаш мантюдини, фаоллик ва билишга кизикишни ривожлантирищдан иборатдир:

Камол топтириш вазифасини амалга ошириш натижаларини башорат килиш кийин, лекин уларни мулжаллаш, кар колда камол топтириш йулини олдиндан куриш ва Укувчи ана шу йулдан укитувчининг ниятига, педагогик назрратига ва укув материалининг мантикига мувофик йусинда боришини кУзлаш керак. Масалан, Укитувчи болаларга иншо ёзиш жараёнида мустакил фикрлашни ургатиш вазифасини куйди. Бу вазифани кандай килиб амалга ошириш керак? Одатда болалар раемга-караб матнни батафеил ёзадилар. Унинг мазмунини тадлил киладилар, грамматик ва услубий хатоларга йул куймаслик учун маълум сузларга ва гапларнинг турли вариантларига мурожаат этадилар. Бундай шароитда бола мустакил фикр-мулоказа юритмайди, у асосан Укитувчининг характерига таклид килади.



Шунга кура Укувчи учун у тавсия'этган моделлар ва намуналарга камрок боглик буладиган шароитларни яратиш керак.

Бундай шароитларга чинакам табиий ва ижтимоий додисаларни кузатиш асосида иншолар ёзиш энг мувофикдир. Мисол тарйкасида Тошкент шадридаги мактаблардан бирининг II—III синфларида «Пахта даласи» мавзуси буйича ёзилган иншони куриб утайлик. Болаларга иншони куйидаги режа асосида ёзиш тавсия этилди: 1. Пахта даласининг умумий куриниши. 2. Даладаги айрим кодисалар. 3. Менинг пахта даласига муносабатим.

Болалар аввал далага чикадилар. У ерда табиатдаги Узгаришларни кузатадилар. Сунгра мактабга кайтиб, таассуротларини ва ишлатилиши мумкин булган гапларни тахлил килмай, иншони ёзишга киришадилар. Бу метод мустакил фикрлаш ва мушокада юритишни вужудга келтиради, бунинг далилини иншонинг матнларида яккол куриш мумкин. Хар бир бола Узи кузаттан, тасаввур этган ва эслаб колган нарсаларни тавсифлашга тиришади. Лекин изланишда киссий образларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги намуна ёки модель буйича луч келган ибора билан ифодаланавермайди.

Болаларда мустакилликка ва ижодкорликка иштиёкни шакллантириш никоятда мухимдир. Хар Кайси болада ана шу иштиёк турлича (купрбк ёки камрок) даражада вужудга келади, аммо уларнинг Каммасида намоён булавермайди. Шунга кура куриниш укитишнинг камол топтириш вазифаси олдиндан пухта Уйлаб, мулжал билан амалга ошири-лади. ^ ....

Шундай кдлиб, кар бир дареда Укитишнинг учта: таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифа-

лари у ёки бу даражада катнашади хамда амалга оширилади.

Уларнинг узаро богликдиги ва бирлиги зиддиятлидир. Агар укитувчининг фаолияти дарснинг таълимий вазифасини амалга оширишга каратилса, у укувчининг билиш фаолиятида асосий уринни эгаллайди. Бундай холда укитишнйнг бошка вазифалари, яъни тарбиявий ва камол топтириш вазифалари хамда уларга мувофик. топшириклар мазкур дарсдаги ук.ув жараёнининг ёрдамчи, кушимча компонентлари хисобланади. Масалан, укитувчи дарсда укиш техникасини ургатса, китобга мухаббат уйготиш ва укилган нарсаларга к.изик.иш Хосил хилиш ёрдамчи, кушимча вазифа булади.

Борди-ю, дарсда ук,итувчининг фаолияти тарбиявий вазифани бажаришга каратилса, таълимий ва камол топтириш вазифалари хамда уларга мувофик топшириклар укитиш-тарбиялаш жараёнининг ёрдамчи компонентларига айланади. Масалан, дарсда укитувчи укилган материалнинг маъноси устида ишласа, асарнинг мазмунига эстетик, хиссий муносабатни шакллантирса, укиш техникаси-^ни ургатиш ёрдамчи. вазифа булади.

Нихоят укитувчи дарсда асосий диккат-эътиборини укитишнйнг камол топтириш вазифасини амалга оширишга жалб этса, таълимий ва тарбиявий вазифалар унга нисбатан ёрдамчи мавкега эга булади.. Масалан, математика дарсда укитувчи болаларга зийраклик ва топкирликни ривожлантирадиган топшириклар, муаммоли саволлар берса, дидактик уйинларни тавсия килса, камол топтириш вазифаси етакчи булади. Хисоблаш малакаларини, математик операцияларни ургатиш эса ёрдамчи вазифага айланади.



Укитувчининг мажбурияти ана шу дидактик богланишни кура олишдир. Хар гал вазифаларнинг етакчилик холатини ва уларга тааллукли топширикларни узгартиришса укувчи билиш фаолиятининг характери хам узгаради.

Масалан, дарснинг назарий материалини узлаштириш билан боглик таълимий вазифаси укувчининг мавхум фикрлаши асосида амалга оширилади. Кичик мактаб ёшидаги укувчида дунё хакидаги тасаевурларни шакллантирадиган тарбиявий вазифа хиссий образлар асосида хал килинади. Дарснинг камол топтириш вазифаси мантикий операцияларни шакллантиришга каратилади ва у укувчидан муайян намуна буйича фикрлар ва мулохазалар тузишни талаб килади. Ана шу нуктаи назардан укитувчи урганиладиган мавзу буйича хар бир дарсни утказиш тизимини уйлаб олади.

Дарснинг таълимий, тарбиявий ва *камол топтириш* вазифаларининг турларини, шунингдек, уларни амалга ошириш усулларини излаш бошлангич таълим методикаси ва амалиётининг такомиллашувига ёрдам беради. Укитувчининг укитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш йулларини билиши уларнинг ижодкорлик ва педагогик махорат билан ишлашини таъминлайди.

## ДИДАКТИК ТАДКИКОТ МЕТОДЛАРИ

Умумий дидактика битта методдан эмас, балки, турли методларнинг бутун бир тизимидан фойдаланиб, таълимнинг уз тадкикоти мавзуси билан, яъни унинг дидактик тизимларининг максадлари, мазмуни, жараёнлари, принциплари, методлари, ташкилий шакллари ва воситаларини урганиш би-

лан бевосита ёки билвосита боглик. гоят мухим жихдтларини ёритади. Укитиш жараёнининг турли жихатларини тизимлаштириш, таккослаш ва таклил килиш улар орасидаги микдорий камда сифатий богланишларни аникдаштириш имконинй беради. Ана шу богланишлар туфайли дидактикада амалий укув жараёнида кузатиладиган белгилар ва хрдисалар (нарсаларнинг кодати, жараёнлар) уртасидаги объектив мавжуд баркарор алокалар ва муносабатлар аникданади ва таърифланади. Бундай алокалар ва богликдиклар сабаб-натйжа, структуравий ёки функционал характерга эга.

Сабаб-натижа алокалари, масалан, Укитувчи бажарадиган дидактик ишларнинг маълум мажмуи (сабаб) билан укувчиларда руй берган узгаришни акс эттираДигаиГ янгиликлар (натижа) уртасида вужудга келади. Иккита (ёки ундан ортик) ходиса биргаликда куриниб, нисбатан баркарор структура косил килишини структуравий алокалар дейилади. Мана шу конуниятнинг далили сифатида Урта мактаблардаги икки йиллик курсаткичлари ортиб браёттан синфларда укувчиларнинг купайиб бораётганини айтиш мумкин. Ва нихоят функционал богликдик тадкик килинаётган кодисанинг айрим характеристикалари билан бопща характеристикаларининг узгариши узаро мувофик вазиятларда вужудга келади. Мана шу хилдаги богликдикнинг мисоли сифатида олий Укув юртларидаги деккон ёшлари салмогининг камайиши ёки купайиши худди ана шундай ёшларнинг умумий таълим мактабларидаги салмоги камайиши ёки купайишига пропорционаллигини курсатиш мумкин.

Дидактик тадкикотларда таълим жараёнига боглик ишлар ва ана шу жараёнда амалга ошадиган



шароитлар купинча эркли **Узгарувчан** ишлар сифатида, шу билан бирга улар оркали эришиладиган натижаларни одатда боглик **Узгарувчан** натижа деб ифодаланади.

Маълум конуниятларни ойдинлаштирадиган ва уларни баркарорлаштириш камда педагогик иш нормаларини белгилашда ёрдам берадиган дидактик ходисаларни урганйшда кузатиш, педагогик эксперимент, интервью олиш, анкеталаштириш, педагогик хужжатларни тахдил килиш, статистик тахдил методларидан фойдаланилади. Бундай колларда дидактлар тадкдкот ишини кузатиш, психологик ва дидактик тестлар, саволнома-интервью, саволнома-анкета, нисбатлар шкаласи каби воситаларини кенг куллайдилар.

Кузатищнинг мокияти дидактик кодисалар ва жараёнларни максадга мувофик равишда, режа асосида ва мунтазам урганишдан, уларнинг узгаришини камда **Узаро** алокаларини аниклашдан иборатдир. Кузатйшларни бевосита ва билвосита амалга ошириш мумкин. Биринчи колда мазкур дидактик жараённинг табиий ривожланиши кузатилиб, режага мувофик маълумотлар тупланади. Ана шу жараёнда кузатувчининг узи кам катнашса, масалан, даре утса, иштирокли кузатиш дейидади. Иккинчи Кол, яъни билвосита кузатиш кодисаларни ёки барКарор жараёнларни техник воситалар, стенограммалар, баённомалар ва коказо л ар ёрдамида максадга мувофик равишда, мунтазам **тадкик** килишга таянади.

Кузатиш методи самарадорлигининг ва уни **кУллаш** тугрили^инйнг энг мухим шарти кузатишларнинг максадини аник белгилаш ва улар учун айнан, мое, яъни кузатувчига маълумотларни режа

_____«^« о« **муплазам** равишда туплаш имконини берадиган жойларни танлашдир. Шунингдек, кузатишларнинг натижаларини кинога олиш, магнитафон лентасига ёзиш, стенограммага кучириш ва бошка йуллар билан мустадкамлаш хам дидактик тадк.икртлар учун мухим адамиятга эга. Чунки бу тадбир мазкур жараённи ёки хрдисани куп марта такрорлаш ва турли нуктаи назардан тахдил килиш имконини яратади.

Кузатиш ёрдамида олиб бориладиган тадкикотларда кузатувчи эркли Узгарувчини алмаштира олмайди, чунки бундай узгарувчи унга боглик булмайди. Шу билан бирга эркли узгарувчи кам, эрксиз Узгарувчи кам тегишли тадбирлар ёрдамида белгиланиши мумкин.

Эксперимент кузатишдан фаркданади. Кузатиш тадкикотчининг зйаксадларига дахлсиз холда ва унинг.*;андайдир йусинда аралашувисиз руй берадиган ва амалга ошадиган кодисалар камда жараёнларни Урганишдан иборатдир. Эксперимент эса тадкикотчи онгли равишда вужудга келтирадиган ва Узи назорат киладиган камда узгартирадиган шароитда кечадиган кодисалар камда жараёнларни Урганишга харакат килади., Бошкача айтганда, эксперимент билан кузатиш уртасидаги тафовут курилаётган кодисалар ва жараёнларнинг вужудга келишида, уларнинг тадкикот учун атайин келтириб чикарилганида ёки, лоакал улар кечадиган шароит узгартирилганида (эксперимент) ва ёки улар тадкикотчйнинг мулжалига дахлсиз колда пайдо булишида (кузатиш)дир. Агар масалан, кимдир^,; Укувчиларнинг улар учун янги вазиятлардаги Узи кузата олган хатти-каракатларини таърифласа, буни кузатиш методидан фойдаланиш, дейилади, борди-ю, ана шу вазиятларни тадкикотчининг узи Укувчилардаги таассуротни Урганиш учун атайин вужудга келтирган булса, буни тадкикотчининг эксперимент утказиши дейилади.

Шундай килиб, эксперимент кодисалар ёки жараёнларнинг вужудга келиши ёки уларнинг боришидаги узгаришлар билан боглик булиб, бундай Узгаришлар мазкур кодиса ёки жараёнларга кандайдир янги омилни ва кузатишни киритиш кисобига содир булади. Ана шу янги омил тадкикотдаги эркли узгарувчи булади ва ундан келиб чикадиган Узгариш эса эрксиз узгарувчилар хисобланади. Умуман экспериментнинг мокияти эркли узгарувчини (эркли Узгарувчиларни) манипуляция килиш имкониятидан, ана шу манипуляция натижасида руй берган Узгаришларни назорат килиш имкониятидан, тадкикотларга жалб этилган шахслар ва гурухдарни танлашдан иборат, дейиш мумкин.

Педагогик экспериментни лаборатория экспери^-менти шаклида олиб борилса, мазкур жараён Узи учун махсус яратилган шароитда вужудга келади ёки узгаради; агар табиий эксперимент шаклида олиб борилса, унинг учун типик шароитда тадкикот утказилади. Олимлар тадкикотларга киришишда ифодалайдиган иш гипотезалари лаборатория экспериментига кам камралган кодисалар ёки жараёнларни тахминан тушунтиришдан иборат булади! Ана шу хилдаги гйпотезаларни кузатишларда Кам кУллаш максадга мувофикдир.

Педагогик эксперимент умумий дидактика Уз тадкикотларида фойдаланиладиган методлар жумласига киради. Шу б^илан бирга у бирмунча чеклангандир. Бундай эксперимент вокеликнинг бар-Карор элементларини билишни таъминласа кам,

ча ишлащда ундан кенг фойдаланилади (агар масалада... урнига мураккаблашган тенгламалар ечишга утишда, ечйм ва жавоб кандай узгариши мумкин?

(х - 8 = 12 -» х - 8 = 36 : 3 -> х - 4 . 2 = 36 : 3).

Кайта Узгартириш гояси укувчиларнинг узларига маълум билимлардан кочиб, узлари учун янги булган масалани кутишта, ечиб куришга имкон беради.

| | | | |
|---|---|---|---|
| *23* | 23 | 23 | 123 |
| + 16 | +17 | +18 | +418 |

Даре мавзуи: «Боскичларга утиш оркали ёзма кушиш усуллари».

48:2 (40+8):2

648:2 -» 648 : 2

748:2 748 : 2

Укувчилар бунга ухшаш тадкикрт фаолиятини мантикий ургуни аникдаш ва гапда суз таркибини аникдаш вазифаларида, деформацияланган матнни (тестни) тиклашда амалга оширадилар.

Табиатшуносликда сабаб-ок.ибат алокаларининг аникланиши, бу — х.аётнинг бошка сокасида айни шу фалсафий мокиятни намоён этишдир.

Албатта, таклиф этилаётган далиллар купгина укувчилар учун кутилмаган нарса булиши мумкин ва буларни бошлангич синфлар иш тажрибасида макбул деб кисоблаган кишилар эса фанлараро алокалар ва умумлаштиришларни кайта куриб чикишлари керак булади.

## УКУВЧИ БИЛЙМИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАКОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Таълим усулларини классификациялаш (турлаш) укувчилар билимини ва улар фаолйятининг хусусиятини текшириш бу фаолиятни тугри йулга^'



куйишни кУзда тутади. Укувчилар билимини текшириш ва бахолашдан максад Укувчилар билимининг сифатини, ривожлантириш даражасини таъминлаш ва уларни рагбатлантиришдан иборат булиб, билим одишга кизикишини такомиллаштиришдир.

Билимларни текшириш ва баколашдаги асосий камчиликлар:

— унинг вазифаларини (функцияларини) нотугри тушуниш;

— таълим жараёнида унинг ролини асоссиз кутариб юбориш;

— текшириш ва баколашнинг дареда асосий максадга айланиб колиши;

— билимларни текшириш ва баколашда бир хил технологиядан фойдаланиш;

— баколарни кУйишда субъективизмга йуд куииш ва аник, асосланган мезонларнинг йУклиги.

— укувчилар билимини текшириш ва баколашда бу жараён назорат килувчи, таълим-тарбия берувчи мухим функцияни бажаришни унутмаслик керак.

Бу назорат килувчи учун асосий функция булиб, таълим берувчи ва тарбиячи ёрдамчи функциядир. Бирок, текшириш максади ва куриниши турлича булганда, бу уч функция турлича намоён булиши мумкин. Масалан, текширишнинг якуний имтикон шаклини оладиган булсак (уни утказиш усуллари турлича булиши мумкин), бунда назорат килиш функцияси устунлик Килади (таълимга вакт колмайди).

Урганилаётгай материални узлаштириш буйича жорий текшириш олиб борилса, бу колатда таълим берувчи функцияси устун булиши керак. Тарбия

бериш функцияси хам устун булиши мумкин, масалан, укитувчи баъзи Укувчиларни системали ишлашга ургатишга интилади, бахо билан рагбатлантириб, уларнинг рухий хусусиятларига (иродасини ривожлантириш, хотирани мустахкамлаш ва Х.к.) таъсир этишга харакат килади, меъёридан ортикча Узига бино кУйиш холатларида бахога катьий ёндашиб иш курилади. Умуман олганда, бахо холис (объектив) булиши зарур эса-да, бирок Уз табиатига кура хамиша нохолис (субъектив)дир.

Ушбу функцияларга мувофик Укувчилар билимини текшириш ва бахрланшинг аник усуллари танланади.

Текширишнинг кУп кулланадиган икки хили мавжуд: улар жорий ва якунийдир. Жорий текширишнинг хаммага маълум турлари куйидагилар: огзаки сурашнинг хар хил шакллари, ёзма уй вазифаларини текшириш, ёзма назорат (мустакил) топшириклари. Бирок, бундай анъанавий шакллар. билан бир каторда турли перфокарталар ёрдамида < текшириш, компьютер ёрдамида топширик бажарилишини текшириш хам кулланиляпти.

Текширишнинг узига хос шакли Укувчиларни Укитувчи томонидан кундалик мунтазам кузатиб туришдир. Текширишнинг турли-туман шакллари Узига хос даре боскичи каби факат анъанавий «сураш» жараёнидагина эмас, балки бутун даре! мобайнида кулланилади.

Укитувчи дарега тайёрланишда текширишни; зарур шаклларини излаш ва уни куллаш энг мух* вазифаси эканлигини унутмаслиги керак. Кимдан, качон, канча Укувчини текшириш, кандай савол' лар билан, кандай воситалар оркали сураш ва ба х.олаш — буларнинг барчасини Укитувчи дарега тай ёрланиш пайтида уйлаб чикмоги лозим.



Шу билан бир каторда укувчилар уз уртоги билими сУралаётганда нима билан шугулланиши зарурлиги какида хам уйлаши керак булади. Хар бир укитувчининг Уз назорат тизими булиши лозим. Бу тизим ишнинг турли-туман воситалари ва усулларини камраб олиши, укувчилар Укитувчисининг уз муваффакиятлари, билимларни узлаштириш даражари ва сифатини хамиша текшириб туришини тушунсинлар.

4 Текшириш шакллари мактабларимиз таълим жараёнига хос булган, Укувчиларни билимларни факат Узидан кабул килиши, репродуктив фаолиятини ташкил этиш билангина тугамаслиги лозим. Назорат (текшириш) шаклларини танлашда укувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш мухимдир.

Якуний ёзма ишларга алохида талаб билан караш зарурдир. Уларни Укитувчи укув материалини купчилик укувчилар узлаштириб олганига ишонч хосил килгандан сунг утказиш мумкин. Бундай ишлар Укувчилар учун асосли булиб, уларда Уз кучларига ишонч хусусиятини шакллантиришга ёрдам беради, акс холда эса Укитиш жараёнига кизикиши пасаяди.

Билимларни текширишнинг ёзма ва огзаки шакллари тугрисида гапирилганда, уларнинг хар бири Узига хос хусусиятга эга экани ва Уз вазифаси борлигини айтиб утиш даркор. Огзаки шакли — саволни тез идрок этиш (реакция) куникмасини Хосил килиш Укувчилар хотирасини ривожлантиришга ёрдам беради. Ёзма текшириш эса мантикий мушохада (фикряаШ)ни самарали кенгайтиради, жавобларда аникдик кУпрок булишга Ургатади. Сунгги йилларда Укувчилар билимини ва ривож-

ланиш даражасини аникдаш максадида турли тест шаклларидан кенг фойдаланилмокда.

*Билимларни ба%олашга крйиладиган талаблар.* Укувчилар билимини бахрлашда канча холис муносабатда булинса, у укувчиларни шунча рагбатлантиради. Коидага кура укувчининг дарсдаги хулк,-атворига мукофот ёки жазо сифатида эмас, балки билими даражаси ва хусусиятига кУйилиши керак. Бахога кУйилган талаблар оптимал (ошириб юборилмаган ва пасайтириб юборилмаган) булиши лозим. Бахрларни «ошириш» укувчилар ривожланиш даражасини, билимини пасайтиради. Шу билан бирга жуда катта талаб кУйиш хам зарарли булиб, Укувчининг укишга булган кизикишини сундиради. Укитувчининг алохида бир укувчиларга бахо куйишда салбий муносабатига йуд кУйиб булмайди. Зеро, Укув предметига мувофик. келадиган дастур бахолашнинг энг холис мезони булиши зарур.

Мактабларимизда билимларни бахолаш узгаришсиз крлмади. 1935 йилгача уч баллик бахо кУйилган булиб, у «жуда крникарли», «коникарли» ва «к.оникарсиз» бахолар эди.

Уша пайтда бугунги кунгача мавжуд булган беш баллик тизим жорий этилди. Бу тизим «аъло» (беш) — дастур талабларига тулик хажмдаги билимларни эгаллаган укувчига куйилади;

«яхши» (турт) — дастур талабларини тУла хажмда арзимас камчиЛиклар билан (Масалан, материалии баён этиш мантики бузилгани ва б. узлаштирган укувчига куйилади;

«коникарли» (уч) — укувчининг билим даражаси жуда паст булиб, унга кейинги материални урганишида илгарилашига ёрдам берадиган билим хажмига куйилади;



«коникарсиз» (икки) — укувчи Узидаги жуда паст бидими билан илгарилашига кддир булмаса куйилади;

«ёмон» (бир) бахо Укувчи хеч нарсани билмаганда куйилади. Бу сунгги бахо жуда кам кУлланиб, унинг мазмуни деярли «икки» бахога тенгдир.

Билимларни бахолашда холисликни (объективликни) саклаган холда баъзи холатларни хам назарда тутиш лозим: масалан, жорий ёки якуний билимлар бахоланади (ёзма иш, чорак бахоси ва б.), укувчининг интилиши, унинг Укув ишларидаги баркарорлиги ва х- Укув фанининг хусусиятларини, баъзи булимлар, уларнинг алокадорлигини Узлаштириш холатини назардан крчирмаслик зарур.

Укувчилар билимини текшириш ва бахолашнинг анъанавий тизими жиддий луксонларга эга, негаки у таълимий, тарбиявий, диагностик ва рагбатлантириш. функцияларини зарур даражада амалга оширмайди. Модомики, шундай экан, ундан воз кечиш ёки уни янада такомиллашган шаклига алмаштириш мак.садга мувофик эмасмикан?

Эхтимол, бахонинг жазолаш вазифасидан халос булган укувчилар яхширок Укишни ва таълимий бурчларига анча виждонан муносабатда булар эди. Бугунги кунда укувчиларнинг узи бахога кандай муносабатда буляптилар? Бошлангич синфлардаги Укувчиларнинг 98 фоизи бахо сакланиши зарурлигини айтади. Бахони бекор килиш Укитишга булган кизикишни оширишга, Укитишнйнг ички шакллантиришга ёрдам беради, деган фикр хам узини окдамади.

Урта ва юкори синф Укувчиларининг Укув фаолиятини бахолаш зарурлигини кайд этганлар сони

бошлангич мактабдагидек булишига ишонамиз, албатта.

Бахрларни бекор килиш максадга мувофик; эмаслиги бир к,изик психологик тадкик,отдан хам маълум. Американлик психологлар укувчилар укув фаолияти натижаларига бако таъсирини аниклашга карор килдилар. Эксперимент максадига кура, бир с%нфда укувчилар муайян вакт давомйда жавобларининг аниклиги ва туликдигига эътибор кил май, фак,ат макталди. Бошка синфда факат танкдд килинди, учинчисида эса бирон-бир бако берилмади. Тадкикот натижалари шуни курсатдики, билиш фаолияти макталган синфларда энг юкори ютукларга эришилган, энг ёмон натижа укув фаолияти танкид килинган синфда эмас, балки билиш фаолияти сира баколанмаган синфда вужудга келди. Укитувчининг укитишга булган хаваси канчалик куп булмасин, билиш фаолйятининг ички мотивлари кай даражада шаклланган булмасин, у хдмиша ташки мотивлаштиришга, ташкарйдан макташ ва куллаб-кувватлашга мухтож булади. Бола куз угтгида укитувчи канчалик акамиятли, обрули булса, унинг мактабда асосан баколаш ва баколарда акс этувчи мактовлари шунчалик кадрли ва акамиятли булади.

Педагогик баколаш билимни дастур талаблари ва таълим андазаларига киёслаб аниклабгина колмай, бадки укувчилар билим фаолиятини мотивлаштиради ва рагбатлантиради.

Юкоридагилардан хулоса шуки, бакони бекор килиш педагогик жикатдан хам, психологик жихатдан хам узини окламайдй. Бундай катор камчиликлари булсада, беш баллик бако тизимига мукобил хили топилганича йук;. Шунинг учун, менингча, гап



уни такомиллаштириш, укувчилар билимини баколашда хатога йул кУймаслик какида бориши керак.

**УК.ИТУВЧИНИНГ ХАТОЛАРИ**

Укувчилар билимини баколашда энг жиддий хатолардан яна бири турли гурухларига субъектив ёндошишдир. Бу Укитувчи томонидан айни бир жавоб учун, айни бир иш учун турли укувчиларни баколашдаги тафовутларда акс этади. Тафовутлар баъзан икки баллгача тушади. Йиллар утиши билан укитувчидан укувчилар турли гурукларига нисбатан муайян тасаввур ва унга мувофик колда муносабат шаклланиб боради. Бу нарса узлаштирган ва узлаштирмаган Укувчиларга муносабатда ёркин намоён булади. Укитувчилар бир хил укувчиларни (Узлаштираётган) доим мактайдилар, бошкаларни (Узлаштирмаётган) камиша койийдилар. Бунинг устига узлаштирмаётганларга, одатда, узлаштирган синфдошларига нисбатан тез-тез ва каттик танбек берадилар. Янглиш муносабат яна шунда намоён буладики, Укитувчилар яхши узлаштирувчиларга нисбатан - ёмон узлаштирувчи укувчиларни жавоб беришга кам таклиф этадилар. Жавобни уйлаш учунударга жуда оз вак? берадилар.

Мана бундай вазиятга эътибор килинг. Доска ёнида паст Узлаштирадиган Укувчи жавоб бермокда. Ишончсиз, уринсиз гапирмокда. Бундай колатда Укитувчининг муносабати кандай булади? У укувчи гапини шартта булиб, унга «икки» кУяди ва жойига уткизади: «Сен яна даре тайёрламабсан», «Сен кеч одам булмайсан», «Сенга ургатса кам, ургатмаса кам бефейда- экан» деб уни изза килади.

Энди бошка вазиятни курайлик. Доска олдида яхши Узлаштирувчи укувчи бугунги дарега тайёр-

ланмай келиб, ишончсиз холда жавоб беряпти. Укитувчи бундай вазиятда узини кандай тутади?

У укувчига ёрдам бериб, камчилигини тулдиради, ёки унга жавобни уйлаши учун имкон беради. Куриниб турибдики, бу икки вазиятда укитувчи карщисида яхши ва ёмон узлаштирувчи бола турганига караб, узини турлича тутяпти. Хар хил бо-' лага бундай муносабат илгаритдан вужудга келган тасаввурнинг намоён булиши хисобланади. Келтирилган мисолда субъектив муносабат намоён булади. Укитувчининг бундай муносабати эса мактаб бахосининг таълимий, тарбиявий ва рагбатлантирувчи функциясини пасайтиради.

Америкалик педагог Блумнинг фикрича, хатто укувчилар нутк;и суръати хам Укитувчи бахосига таъсир этар экан. Бу нарсани махсус утказилган куйидаги тадкикотдан хам билиш мумкин. Табиатшунослик фанидан укувчи киз бир хил материални икки марта гапириб берган. Аввал 16 дакикада, кейин эса 24 дакика давомида. Жавоблар видео тасмасига ёзиб олинди. Сунгра 81 нафар Укитувчи секин айтилган ва тез айтилган материални бахолашди. Тез айтиб берилган материалнйнг уртача бахоси 3,38 балл билан, секин сузлаб берилган материалнйнг уртача бахоси 2,5 балл билан баходанди.

ТадкиКот муаллифларининг хулосаси шуки, купгина укитувчилар учун нуткнинг тез суръати чукур билим ва катта кобилиятдан дарак берар экай.

Укитувчи Укувчининг тез ёки секин нутк суръати материални билиши ёки билмаслиги белгиси эмаслигини фахмлайди. Вазминлик, бир иш туридан иккинчисига секин утиш совуккон мижоздаги укувчига саволни тушуниб олиши ва унга жавоб



тайёрлаши учун купрок вакт талаб этилади. Бундай укувчига жавоб учун кизиккрн мижозга нисбатан купрок вакт керак булади. Укитувчи эса, совуккон Укувчининг вазминлигини мутлако бошкача тушунади. Турли мижозга (темпераментга) мансуб булган Укувчиларга нисбатан хато килиш умумий бахолаш тизимининг камчилиги эмас, балки Укитувчининг шахсий (субъектив) хатоси, аникроги, укувчиларнинг типологик хусусиятларини билмаслиги натижасидир.

Мактаб амалиётида купинча Укувчиларни бирбирига киёслашади, биринйнг ютугини иккинчисига урнак **килишадИ;** Укитувчи яхши Укий олмаган Укувчига караб: «Кдрагин, Тохир кандай яхши Укийди!», — деган кинояли сузлар билан уни изза килади. Бу Укувчига рухий жихатдан ёмрн таъсир килади, окибат у Укишдан безади.

Болаларни бир-бири билан шундай ва умуман такдослаш максадга мувофикми? Бундай таккослаш паст Узлаштирувчи Укувчиларнинг Укишга кизикишини кучайтиришга ёрдам берадими?_Худди шу сохада психологик тажриба утказилди. Укув йили давомида синфда хар бир Укувчини узи билан киёслаб, Укитувчи Узлаштириш даражаси хакида унинг узигагина айтди. Бошка синфда эса бир Укувчининг ютуклари, имкониятлари бир хил, лекин шахсий сифатлари билан бошка натижаларга эришган, бошка Укувчининг ютуги ёки муваффакиятсизлиги билан киёсланди. Учинчи синфда болалар умуман такдосданмади. Укув йили охирида укувчилари бир хил кобилиятли, лекин Укишга турлича муносабати туфайли укув фаолиятида турли натижаларга эришган болалар синфи энг яхши хисобланган. Бу ердаги таккослаш боланинг уси-

шини пасайтирмаган, аксинча, яхши натижаларга эришиши мумкинлигини курсатган.

Укувчи узини-узи билан киёслаган синфда ижобий натижалар кулга киритилди. Узлаштираётган ва узлаштирмаётган укувчилар таккосланган синфда мутлако бошкача манзарани куриш мумкин эди.

.Утказилган тадкикот куйидаги хулосага келишга ёрдам берди. Болалар билимини шундай таккослаш керакки, унда бировни юкори кутариб, бошкаларини ерга урмай, болаларнинг энг яхши натижаларга эришувини ва уз шахсини такомиллаштиришини куллаб-кувватласйн.

Умуман олганда, болаларни бир-бири билан такКослаш, бирини иккинчисига ибрат килиб курсатиш — педагогик томондан кам, ахлок-одоб томондан кам мутлако тугри келмайди. Даркакикат, тарбиянинг инсоний йуналиши болани кандай булеа шундайлигича кабул килишни ва уларнинг узини ривожлантириш ва камолатга етказиш учун шарт-шароит яратишни кузда тутади.

Укитувчи томонидан укувчилар билимини баколашда йул куйилган хатолар факат бако компонентларининг узгаришига эмас, балки бутун укув-билиш фаолйятининг узгаришига олиб келади, улар бу тизимга хос булган камчиликларни кучайтириб, уни камсукум ва ёкимсиз килиб кУяди. '

Укувчи узини баколайди. Укувчилар билимини текшириш ва баколаш масаласи тугрисидаги мунозаралар, уларни такомиллаштиришнинг янги шаклларини излаш, аксарият колларда нотугри йуналишда олиб бориляпти. Албатта, 10 баллик бако тизимини жорий этиш ёки бакодан умуман воз кечиб, текширишнинг турли шаклларидан, чунончи синов, имтикон, тестларни кУллаш мумкин., -



Лекин укувчи ва унинг билиш кобилияти Укитувчи бакосининг объекти булиб колаверади.

Мактаб бахреини такомиллаштиришнинг энг самарали йули укувчи билимини баколаш компонентининг фаол субъектига айлантиришда. Зеро, педагогнинг бакоси укувчининг Узини-узи баколашга ургатиш лозим, яна яхшиси, баколашнинг бу икки куринишини уйгунлаштириш мухимдир.

Уз-узини баколашни таъминловчи йуллар кайси? Укувчиларнинг Уз-узини баколаш куникмасини пайдо килиш учун биринчи навбатда уларни уз билиш фаолиятини баколашга жалб этиш лозим. Уз-узини баколаш куйидаги усуллар билан вужудга келади:

1. Бошкалар бажарган ишни Укувчи томонидан, яъни Укувчиларнинг Узаро бахрлаши. Синфдошининг иши тугрисида ахборотнинг мавжудлиги Узини-узи баколаш фаолиятига ижобий таъсир килади.

2. Ишни бажарган Укувчи Узига-узи бако куяди. Сунг унинг иши Укитувчи томонидан баколанади, иккала бако киёсланиб, биринчи баконинг объективлик даражаси аникданади.

Яна бошка усулни кам таклиф этиш мумкин. Огзаки жавобдан сунг укитувчи жавоб бераётган укувчидан Узига кандай бако куйиш мумкинлигини сурайди.-Кейин синфга мурожаат килиб, уртокдари жавобини баллар буйича баколашни илтимос килади. Бирок, Узини-узи баколашни шакллантириш учун Укувчиларни баколаш фаолиятига жалб этиш кифоя килмайди. Яъни, укувчиларни шундай мезонлар билан куроллантириш керакки, Укувчилар улар билан баколаш ва Узини-узи баколашни амалга оширсинлар.

Укувчи узининг (уртогининг) билимларини баҳолаш учун берилган намуна этолон нисбатини (улчашни) билиши зарур. Уз харакати ёки.иш натижаларини этолон буйича таккрслаб, у уз фаолиятини бахолашга урганади.

Укитувчи бахосидан суйг узини-узи бахолашга ушш укувчини укитишнйнг фаол субъекти килишда жуда мухимдир. Укитишда укитувчининг асосий вазифаларидан бири, бу-укувчилар билиш фаолиятини бошкариш хисобланади. Ундан келиб чик,иб, у укув-билиш фаолиятини режалаштиради, максад Куядй, уни мотивлаштиради, назоратни бошкариш ва бахолашни амалга оширади. Укувчи муайян мезонлар асосида Узининг билиш фаолиятини бахолаши зарур ва укувчи канчалик тез-тез узини бахолаш билан шугулланса, у шунчалик ишонч билан Укитиш субъекти булиб боради.

### Савол ва топшириклар

**1. Бошлангич таълим мазмуни технологиясини тушунтириб беринг.**

**2. Укувчиларнинг билимини бахолаш технологияси деганда нимани тушунасиз?**

**3. Укув-тарбия жараёнида ривожлантириш усулининг технологияси нималардан иборат?**

**4. Даре таълимида ривожлантириш технологияси нималардан иборат.**

**5. Укувчи билимини текшириш. ва бахолаш технологияси принципларини айтинг.**

**6. Уз-узини бахолаш хакида маълумот беринг.**

**7. Укув усул ва йуллари нима, уларнинг мазмуни нимадан иборат?**

**8. Укув усулларини аник классификациялашга мисоллар келтиринг, унинг узига хос хусусиятларини айтинг.**



# IX боб. ТАЪЛИМ КОНУНИЯТЛАРИ ВАКОИДАЛАРИ

## ПРИНЦИП ТУШУНЧАСИ

«Принцип» сузининг маъноси хулкнинг, хатти-харакатнинг асосий кридаси, етакчи гоя демакдир. Таълим конуниятлари (принциплари) — бу укитиш жараёнига куйиладиган талаблар йигиндисидир.

Виз, хатто, турмушда хам «бу одам принципли» деймиз ва бунда уша одамнинг узига хос кридаларга, Узининг принципларига мувофик; иш курилиши назарда тутамиз. Агар кишииинг хатти-харакатларида катъий коидалар булмаса, уни «принципи пук» деб хисоблаймиз.

XV—XVI аерлардаги машхур олимлар билишнинг асосий крнуниятларига факат Укитишнйнг 'эмас, балки ахлокий тарбиялашнинг хам етакчи асоси сифатида караганлар.

Форобий «Намунали таълим» хакидаги рисоласида Укувчилар узлаштириши лозим булган материални энг яхши йусинда баён килиш масаласига алохида тухталиб, бу ишнинг иккита турини тавсия этган: уларнинг бири бевосита сезишга якин нарсаларни олдинги урингa кУйишдан ва иккинчиси акдга якин нарсаларни олга сурищдан иборатдир. У узининг фикрини тушунтириб шундай ёзган: «Акд уз харакатини аввал сезиладиган нарсаларга, кейин эса акдга мувофик йусинда, яъни хоссаларни синтез килишга йуналтириши маъкул».

Ибн Сино асарларида хам дидактиканинг принципларига, хусусан курсатмали Укитишга кизикиш билан каралган. Йбн Сино инсон дастлабки Укув машгулотларида буюмнинг ташки хоссасини урганса, уша буюмни ва унинг тасвирини куриб чикса,

узи мустак,ил колда билимларни узлаштира олади,- деб кисоблаган. Олим инсон какщатан мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирини идрок этиши туфайли унда объектив вокеликни тугри акс эттирадиган тасаввур шаклланишини уктирган.

Шаркшунос олим Киндийнинг фикрича, инсонда ижобий сифатларни таркиб топтиришнинг энг зарур омили унинг акд кучини ривожлантиришдир. Акд кучи ривожланмаса, инсон умр буии Арастунинг китобларини'укиса кам, уларда ифодаланган фанларнинг биронтасини узлаштира олмайди. Бундай одам кар канча уринса-да, факат бошкаларнинг гапларини такрорлаб бера оладиган булади. У кеч нарсанинг мохиятини тушунмайди ва узлаштира олмайди. Киндий ана шу фикрларини баён килар экан, укитишнинг идмийлиги ва **онгг** лилиги коидасини назарда тутган.

Педагог олимларнинг юкоридаги фикр-мулоказаларини умумла,штириб хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, укитиш принциплари ёш авлодга таълим ва тарбия бериш максадларига мувофик укитишнинг характерини. белгилайдиган асосий етакчи коидалардир.

Мана шу принциплар каердан келиб чиккан? Уларни ким, качон ва кандай вазиятларда ифодалаган? ,

Принципларни ифодалашга олиб келган асосий манба, укитиш амалиёти, укитувчиларнинг кейинчалик англанган, умумдаштиридган ва таркалган тажрибаси камда топилмаларидир

Биз ижтимоий ривожланишга кура укитиш принципларининг узгаришини эътироф этган колда анъанавий таърифларни сакдаш, уларга факат замонавий мактабнинг акволини акс эттириш зарурлиги учун бошкача мазмун бахш этиш, хусусан янги мактабга хос айрим коидаларни киритиш тарафдоримиз. Масалан, «Умумий таълим мактаби концепцияси» камда «Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишлар концепцияси»га мувофик бутун **Укитиш** ва тарбиялаш тадбирлари таълимни инсонпарварлаштириш камда демократлаштириш . талабларига буйсуниши сабабли демократик конунларга, шахсга инсоний муносабатларга асосланган тарбияловчи ва камол топтирувчи таълимнинг бирлиги етакчи коида булиб колди.



Укитишнинг принципларидан унинг коидалари келиб чикади ва улар у ёки бу принципларнинг хусусий коидаларини акс эттиради. Масалан, укитишнинг курсатмалилик принципи таълимнинг курсатмали кулланмани козирлаш, укувчиларни уни идрок этишга тайёрлаш, кулланмани курсатиш ва Тахдил килиш каби коидаларини такозо этади.

Укитишнинг тизимлилиги принципи куйидаги коидалардан иборат: янги узлаштирилган билимларни илгари- олинган билимларга боглаш, материални кисмлари буйича баён килиш, урганилган билимларни мустахкамлаш ва коказо. Укитиш принципи бутун таълим жараёнига таркалади, таълимнинг коидаси факат ана шу жараённинг айрим томонлари ва звёноларидир. ,

Я. А. Коменский узининг «Буюк дидактика» асарида дидактиканинг принципларини ишлаб чикканидан.бошлаб уларни деярли барча педагог олимлар куриб чикдилар, лекин **Укитиш** принципларининг сони ва мазмунини белгилаш хусусида хрзирги кунгача бир фикрга келингани йук- **Хатто,** Ильина, Огородников, Бблдйров, Шчукина ва бошкалар яратган дарсликларда кам мазкур принципларнинг сони кар хилдир.

## ПРИНЦИПЛАРНИ ТАНЛАШГА УМУМИЙ ЁНДОШИШ

Принципларнинг сони 6 тадан 11 тагачадир. Дидактика тадкикотчиларидан айримларининг асарларида турли принциплар тавсия этилган. Масалан, М. И. Скаткин узлуксиз таълим тамойилини хисобга олиб укитишнйнг мустакил билим олишга утиш принципи жорий этилишини таклиф килади, шунингдек, укишга ижобий муносабатни шакллантиришга катта эътибор бериб, таълим ижобий асосда олиб борилиши принципини максадга мувофик деб билади. Ю. К. Бабанский дидактиканинг янги йуналишларидан бири — оптималлаштириш назариясини ишлаб чикиб, мана шу назариянинг амалий йуналишини акс эттирадиган учта янги принципини тавсия килади. Булар эса 1) таълимнинг огзаки, курсатмали ва амалий, репродуктив ва изланишли, шунингдек, бошка *методлари хамда усулларини* тугри бирлаштириш; 2) таълимнинг даре, даредан ташкари, шунингдек умумсинф, гурухий ва якка тартибдаги шаклларини тугри бирлаштириш; 3) укувчиларнинг укишга ижобий муносабатни кучайтириш, уларда билишга кизикишни, билимларга эхтиёжни таркиб топтиришдан иборатдир[1]. Бу принциплар хали баркарор принциплар тизимига киргани йук, лекин тажрибали педагоглар педагогиканинг тегишли мавзулари ва булимларини утишда улардан фойдаланмокдалар.

## УКИТИШНЙНГ ЕТАКЧИ КОИДАЛАРИ

Укитишнйнг кар хил принциплари тавсия этилган ва этилаёттан булса хам, лекин барча тадкикотчи-дидактлар учун умумий катор принциплар мавжуд. Улар куйидагилардан иборат:

1. Укитишнйнг тарбияловчи ва камол топтирувчи принципи.
2. Илмийлик, тизимлилик ва изчиллик.
3. Таълимнинг хаёт билан богланиши.
4. Онглилик ва фаоллик.
5. Курсатмалилик.
6. Тушунарлилик.
7. Пухталик.

Барча предмет укитувчилари хамма синфларда ана шу принципларга риоя килишлари керак. Аммо предметларнинг мазмунига, укувчиларнинг ёш хусусиятларига, курсатмали кулланмалар мавжудлигига боглик холда принципларнинг нисбати хамда мазмуни узгаради. Масалан, курсатмалилик принципи табиатшуносликни укитиш жараёнида тажрибаларни намойиш этиш булса, тилни укитишда грамматика жадвалларини курсатиш; доскага ёзиш, схемаларни чизиш ва хоказолардан иборат булади.

Лекин хар кандай предметни укитишда жонли мушохада, яъни нарсалар ва ходисаларни муайян идрок этиш, фикрлаш принципларига амал килиш, бошкача айтганда, назарий хулосаларни тушуниш ва билиш, уларни хаётда куллай олиш зарур.

## ИЛМИЙЛИК, ТИЗИМЛИЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК ПРИНЦИПИ

Мактаб таълимига куйиладиган илмийлик талаби халк таълими тугрисидаги барча конунлар, «Умумий таълим мактаби концепцияси» хамда «синфдан ва мактабдан тахцкари тарбиявий ишлар концепцияси»да ифодалантан етакчи талабдир. Хозирги кунда, яъни фан ва техника ривожланган, илмий билимлар, мустакил давлатни куриш ва уни

[1] **Ю. К. Бабжвскнй. Принцип обучения в современной образовательной школе. — Народное образование, 1979, № 2.**

ривожлантиришнинг хар хил амалий масалаларини хал кйлишнинг зарур шартига айланаётган даврда мазкур принципни амалга ошириш нихоятда мухимдир.

Илмийлик принципи мактаб таълими мазмунига фанда аник, расмийлашган укув материаллари,ни киритишни (бу талаб мактаб дастурлари ва дарсликларини таккослашда, укитувчи хар бир даре учун материал танлашда хисобга олинади), укувчиларни уз ёшларига мое илмий тушунчалар билан куроллантиришни талаб килади. Дастурлар ва дареликларда эса ана шундай тушунчаларни узлаштиришнинг тартиби ифодаланади. Бу тартибга жиддий риоя этиш хамда укув жараёнига факат фанларда кабул килинган таърифларни киритиш максадга мувофикдир.

Илмийлик принципи укитувчидан укувчиларнинг огзаки ва ёзма нуткига алохида эътибор беришни, у ёки бу масалаларни илмий асосда тушунишдан хеч кандай чекинишга йул куймасликни, илмий тушунчаларни ва сузларни тугри куллашни талаб килади.

Табиат ходисаларини (момакалдирок, чакмок,. шамол, кор, ёмгир ва хоказоларни), шунингдек, жамият хаётида энг мухим узгаришларни илмий жихатдан аник баён килиш катта ахамиятга моликдир.

Болалар таълимнинг дастлабки йилларидинок ишнинг рационал усулларини: режа буйича хикоя килишни, укилган нарсалардаги асосий фикрни топа олишни, исботлай билишни, укув материалини англаган холда ёдлашни узлаштиришлари керак.

Мазкур принцип фаннинг тармоклари барк уриб ривожланаётган хозирги кунда алохида ахамиятга



моликдир. Шунинг учун укитувчи хар бир дарега тайёрланишда дарсликлар ва укув кулланмаларидан ташкари, фанларнинг сунгги ютукдари ёритилган вактли матбуот воситаларидан хам фойдаланиши лозим. Бунда бошлангич синфларда укувчиларни замонавий фанларнинг ютукдари билан таништириш керакмас, деган фикрни маъкул деб булмайди. Бинобарин болаларга берилган барча назарий маълумотлар ва улар урганган коидалар илмйй билишнинг хозирги ривожланиш даражасига зид келмаслиги лозим. Таълимнинг ана шундай йулга куйилиши укувчилар мактабнинг юкори синфларига утиши билан уларни кайта йуналтириш ва кайта укитиш заруриятини бартараф этади.

Укитувчи болаларга фаннинг сунгги ютукдари хакида сузлаб бериши, билимлар тизими асосидагина фанни урганиш мумкинлйгини тушунтириши лозим. Я. А. Коменский ва И. Г. Песталоцциуз даврларидаёк билимларни урганиш учун уларнинг навбатдаги хар бир звеноси узидан олдинги звеноларига асосланиши, янги билим илгари Узлаштирилган билимларга жиддий мантикий тартибда богланиши зарурлигини ишонарли тарзда исботлаганлар.

. Билимларни тизимли баён килиш нимани англатади? Билимларни тизимли баён килиш — уларнинг янгисини илгари утилгани билан боглаш, шу оркали Укувчиларнинг тушунча ва тасаввурлари доирасини кенгайтириш хамда чукурлаштириш, материалнй кисмлари буйича урганиш, уларнинг асосий жихатлгГрини, умумий тоясини алохида ифодалаш билан Укувчиларнинг мантикий тафаккурини йуналишга солиш ва ривожлантириш, улар-

га мустакил хрлда тахдил кил ишни, узлаштирилган фактларни тизимга солиш ва умумлаштиришни ургатишдир."

Укитувчининг билимларни тизимли баён килиши укувчиларга укув предметининг структураси ва мантикини чукуррок. тушуниш, фаннинг бош гояси ва асосий коидаларини ажратиш, табиат ва жамият х.одисалари уртасидаги ички богланишни аникдаш имконини беради.

Укитишнинг жиддий тизимлилиги муваффакиятли олга боришнинг гарови булиб, фикрларни тартибга солади, билим, куникма ва малакаларни узлаштиришни осонлаштиради камда яхшилайди, вокеликни т^гри билишни таъминлайди, акл, ирода ва характерни ривожлантиради.

Укитувчи укувчиларга талаблар к^йишда кам, уларнниг билимлари, куникмалари, малакалари ва хатти-харакатларини баколашда кам, фикр-мулоказа юритишда кам изчиллик курсатиши керак.

Укитишнинг изчиллиги факат укув материалларйни жойлаштиришда катъий тизимни эмас, факат янги билимлар беришда, утилган материалларни мустаккамлаш ва текширишда тафаккурни жиддий ва батартиб ривожлантирищнинг эмас, балки илгари урганилган билимларни доимий равишда такрорлашни, улардан кейинги машгулотларда янги фактлар ва кодисаларни тушунтириш, уларни таккослаш учун, турли масалаларни кал килиш учун фойдаланишни хам талаб килади.

Юз йил мукаддам таълимда якиндан узокка, одцийдан мураккабга, осондан кийинга, маълумдан номаълумга коидаси вужудга келган. Бу крида кам тизимлилик принципининг мокиятидан иборатдир.



**НАЗАРИЯНИ АМАЛИЁТ БИЛАН БОРЛАШ ПРИНЦИПИ**

Биз укувчиларимизни каётга, жамият курилишида катнашишга тайёрлаймиз. Шунинг учун таълим амалий каёт билан богланиши керак. Хозирги пайтда назарияни амалий каёт билан боглаш принципи алохида акамиятга эга. Шунга кура уни таълим-тарбия ишининг камма йуналишларида амалга ошириш Зарур.

Форобий кар кандай фанни икки кисмга, амалий ва назарий кисмларга ажратган. Мана шу кисмларни кискача шархдашда улардан каётда фойдаланиш имкониятларини Кисобга олган. Унинг амалий ва назарий кисмларга берган таърифларидан таълимни амалий йуналишда олиб бориш ва Каётга, кишиларнинг кундалик фаолиятига боглаш фикри тугилади.

Назарияни амалий каёт билан боглаш принципини руёбга чикариш учун куйидаги тадбирлар амалга оширилишй керак:

а) урганиладиган материални укувчиларнинг щахсий тажрибаси ва кузатишлари билан, куйи синфларда эса уларнинг уйинлари билан боглаш даркор — чунки кичик мактаб ёшидаги укувчиларни укитиш албатта уйин фаолиятини талаб килади;

б) таълимни атрофдаги каёт билан, янги жамиятни куриш амалиёти билан боглаш;

в) назарияни амалиёт билан фаннинг ривожланиши жамиятнинг эхтиёжларига богликдигини ёритадиган кадамжоларга саёкатлар шаклида боглаш;

г) назарий ва амалий йусиндаги турли масалаларни хал килищ» ва.-топширикдарни бажариш, лаборатория ишлари билан шугулланиш ва ишлаб чикаришга дойр мавжуд билимлар асосида практикумлар утказиш камда уларнинг натижаларини албатта текшириш;

д) укувчиларнинг унумли мехнати, яъни ижтимоий-фойдали ишларини узларига мое шаклларда йулга куйиш.

Мазкур принцип хусусан мехнат тарбияси ва таълими жараёнида якдолрок; намоён булади.

г[ Таълимда укувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи талабига кура укитиш Укувчилар илмий билимларни ва уларни амалда куллаш усулларини онгли хамда фаол узлаштирадиган, укув фаолияти уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва мустакиллигини, тафаккури, нутки хамда дунёкарашини шакллантирадиган йусинда ташкил этилиши керак.

Таълимдаги онглилик укувчилар уз укув фаолиятларининг аник. максадларини тушунишини, фактлар, ходисалар, жараёнлар ва уларнинг узаро богликлигини англашни ва Узлаштирган билимларидан амалда фойдалана олишини билдиради. Шунингдек, таълимнинг онглилиги укувчиларнинг ук,ишга масъулиятли муносабатда булишини, Укитувчи берган топшйрикни .уз вактида ва аник, бажаришга интилишини хам англатади.

Укувчиларнинг фаоллиги улар синфда, лабораторияда ижодий материалларни урганаётганларида, топширикдарни, ижодий ишларни бажараётганларида намоён булади. Мана шу хилдаги ишлар ва хар хил топширикдар Укув фаолиятида укувчиларнинг мустакиллигини ривожлантириш билан чамбарчас богликдир. Бунда укувчиларнинг факат адабиётлар билан ишлаши ёки турли таълимий топширикдарни бажариши эмас, балки уларнинг мустакил фикрлашни урганиши, доимий ижодий изланишга интилиши, узини узлуксиз назорат килиши, битирган ишларнинг натижаларини мустакил холда тугри бахолаши хам назарда тутилади.



Онглилик ва фаоллик принципини амалга ошириш Укувчиларга урганиладиган предмет ёки булимнинг максади ва вазифаларини тушунтиришдан хамда амалий ахамиятини ёритиб беришдан бошланади.

Укувчиларнинг билиш фаолияти уларнинг дарсдаги хиссий идроки ва амалий ишлари, Укитувчининг гаплари оркали амалга ошади. Укувчиларнинг билиш фаолиятида Укитувчининг огзаки ахбороти ва укув адабиётларини мустакил Укиш жуда мухим роль уйнайди. Таълимнинг онглилик принципи Укувчилар янги материални идрок этишда факат таърифларни айтйб беришни эмас, балки уларнинг муайян ходисаларга, жараёнларга боглик мазмунини тушунишни хам Урганишларини талаб килади. Акс холда билимларда расмиятчилик вужудга келади ва укувчилар материални курук ёдлайдиган ва кайта сузлаб берадиган буладилар, лекин унинг мохиятини тушунмайдилар ва Узлаштирган рзмикупми билимларини амалий фаолиятда куллай олмайдилар. Расмиятчиликнинг сабабларидан бири Укитувчининг материални бир колипда баён килишидир. Бундай холда укувчилар унинг гапларини ишонч билан тинглайдилар ва эслаб коладилар, лекин уни фикран тахдил килмайдилар. Турли масалаларни куйиш, курсатмали куроллардан кенг фойдаланиш ва укувчиларни амалий ишларга жалб этиш оркали уларни билиш фаолиятини кучайтириш билимларидаги расмиятчиликнинг олдини олишнинг мухим воситасидир. Укувчиларнинг янги материал буйияа билимларини текшириб, уни канчалик англаганини ва илгари утилган материалга Кандай боглаганини, уни амалда (хар **хил** масалаларини хал килишда, турли машкларни, мехнат

топширикларини бажаришда) куллай олишини аникдаш катта роль уйнайди.

Билимларни онгли равишда узлаштириш укувчиларда ана шу билимларга маълум муносабатни, миссий кечинмаларни таркиб топтиришни хам уз ичига олади, Укувчиларнинг билимларни эгаллашга фаол муносабати уларнинг билиш фаолиятини янада кучайтиради. –

**Таълимда онглилик ва фаоллик кридаси**

1. Укувчиларнинг укув фаолиятида уз олдиЛаридаги мак.сад ва вазифаларнинг мохияти хамда ахамиятини, яъни узлари нима учун укишлари кераклигини тушунишлари;

2. Билимларни узлаштиришга катъий интилиш, яъни укишга иштиёк;

3. Фанни эгаллашта олиб борадиган йулларни, яъни хозирги замон кишиси учун зарур билимларни кайси усуллар билан Узлаштириш мумкинлигини билиш;

4. Фаннинг фактлари хамда крнуниятларини равшан ва чукур тушуниш, Укув материалларнинг бола онгида кайта ишланиши ва унинг Уз бойлигига айланиши, олинган билимларни хаётда кУллай билиш.

Онглидик принципининг амалга ошиши аввало фан материалининг онгда кайта ишланишидан иборат булиб, бу жараён шахсда уз нуктаи назари ва ишонч шаклланишининг, яъни дунёкараш ва онглилик таркиб топишининг зарур шартидир.

«Билим» ва «ишонч» хар хил тушунчалардир. Биз, масалан, бир киши хакида «эътикодли, Узининг нуктаи назарига эга, мустакил фикрлайди», — десак, бошка киши тугрисида «нимани эшитса, нимани Укиса, ишонаверади, Узича фикр юритмайди», — деймиз. Демак, улар бир хил кишилар эмас.



Донолардан бири таъкидлаганидек, ишончни сахий одамлардан олиб ёки китоб дуконидан харид килиб булмайди, уни худди овкат ошкозонда хазм булганидек, хар ким Узининг калласида мустакил холда вужудга келтириши керак.

Билимлар ишончга айланищининг ягона нули укув материалининг Укувчилар онгида кайта ишланишидир.

Укитувчининг вазифаси узлаштирилган билимлар ишончга айланишини таъминлашдир ва бунда укувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги жуда мухимдир. Шунга кура педагогиканинг зарур муаммоларидан бири дарсда Укувчиларнинг билишга дойр ишларини^фаоллаштиришдир.

Даре жараёнида мазкур принцип кандай килиб амалга оширилишини ифодалаш учун иккинчи синф она тили дарси мисолида «предметнинг белгиси» мавзусини урганиш буйича иккита мисол келтирамиз.

1. Укитувчи ана шу мавзуни утишда доскага бйр неча гапни кетма-кет ёзади, укувчилар билан уларга маълум гапнинг бош булакларини — эга ва кесимни тахлил килади, сунгра Укувчиларнинг эътиборини гапнинг иккинчи даражали булакларига — аникдовчига каратади. Куриб чикилган мисоллар асосида хулоса чикариб: «гапнинг шундай иккинчи даражали булаклари борки, улар предметнинг белгисини билдиради ва кандай? канака? кайси? сурокдарига жавоб булади?, — дейди.

Иккинчи укитувчи худди шуларни бошкача баён Килади.

Даре киришдан бёшланади: «Биз бугун грамма-' тика буйича янги мавзуни урганамиз. Мен мавзуни айтмайман, уни кейинрок Узларингиз айтасизлар.

Хозир мен еизларга бир матнни бераман, уни Укинг ва уйлаб куринг. Матнда айтилган одам тугрисида якдол тасаввур косил килинг». Укитувчи ана шу гапларни айтиб, доскага болалар биладиган кахрамоннинг образи ёзилган плакатни осиб кУЙДИ. Матнда хам аникловчилар тушуриб колдирилганди. Мана уша матн: «Мен унинг... чехрасига карадим ва у хакикатан хам хеч нарсадан куркмайди, деб уйладим. Шундай ... иродали ва шундай ... сузлайдиган бола коронгуликдан кам, безорилардан ва ... нарсалардан кам курк;маслигига ишонч косил килдим».

Укитувчи Укувчиларга уйлаб олиш учун бироз вакт берди ва улардан шу матнни Укиб уша бола тугрисида кандай тасаввур хосил килишганини айтиб беришларини суради.

Укувчилар кийналдилар, улар жуда киска ёзилган одамнинг кдёфасини тасвирлаб бера олмадилар. •

Шунда Укитувчи укувчиларнинг диккатини кикоянинг тулик матни ёзилган плакатга жалб к.илди. Укувчилар ана шу таърифдан к.ахрамоннинг киёфасини як.кол куз олдиларига келтирдилар. Шундан сунг Укитувчи иккала матнни таккослашни ва уларнинг фаркини айтишни таклиф килди. Укувчилар биринчи плакатда предметнинг белгисини билдирадиган сузлар йУклигини аникдадилар.

Шундай килиб, Укувчиларнинг узлари аникловчи нима эканлиги хакида хулоса чикардилар. Бу эса уларни фикрлашга, фаоллик курсатишга мажбур килди, билимларни онгли узлаштиришларини таъминлади.

**КУРСАТМАЛИЛИК ПРИНЦИПИ**

Билишнинг биринчи погонаси — жонли мушокада, яъни теварак-атрофдаги нарсалар ва кодисаларни идрок этишдир. Курсатмалилик принципи



идрок этишни осонлаштириши ва назарий билимларни каёт, амалиёт билан боглаш имконини беради. Бу принцип урганилаётган кодисаларга кизикишни оширади, билимларни пухтарок эгаллашга ёрдам беради.

Ибн Синонинг кайд килишича, инсон узининг укув машгулотлари бошланишида нарсанинг ташки хоссаларини Урганишда унинг аслини ва тасвири-^ни куриб узича бевосита билимларни косил килиши мумкин. Хар кандай фанда аввало нарсаларнинг таърифи зарур. Уларнинг мавжудлигини эса пировард натижада исботлаш воситасида билинади, чунки улар мазкур фан аникдайдиган кодисалардан иборат булади[1]. Ибн Синонинг ана шу хул асаси Укитишдаги курсатмалиликнинг факат бир жикатини ёритади холос. Хул осада аввало инсон мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирларини идрок этиши туфайли унда объектив вокелик тугрисида тасаввур косил булиши ва инсон уларни тугри акс эттириши таъкидланади.

Олимнинг таълимотида курсатмалилик тушунчаси идрок этишнинг кар хил турлари — куриш, эшитиш, сезиш ва коказолар билан богланган. Идрок этиш ташки сезги оркали амалга ошади ва ушлаб куриш билан кам руй беради. Ушлаб кУриш сезилган нарсанинг иссиклиги, совуклиги, намлиги, куруклиги, каттиклиги, юмшоклиги, огирлиги, енгиллиги, шакли ва коказоларини билиш имконини беради. Тери ва мушаклар — сезгининг куролидир. Нервлар ана шу кучни мушаклар ва терига етказади. „-

[1] **Иби Снно, Абу Али. Избранние произведения, Т. I.** Душанбе, **Ирфон, 1980, 97—98-бетлар.**

лн амос ышенский «ьуюк дидактика» номли асарида «олтин к.оида»ни ифодалаган. «Укувчилар — деб ёзади у, сезиб идрок этиши мумкин булган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, хусусан: куриш мумкин булган нарсаларни куз билан куриб, х.иди бор нарсаларни хидлаб куриб таъмини сезиш мумкин булган нарсаларни — татиб куриб, ушлаб сезиш мумкин булган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак... Бирданига куп сезгилар ёрдамида идрок этищ мумкин булган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар ёрдамида идрок этиш лозим».

Я. А. Коменский бу криданинг учта асосини ифодалаган:

. Биринчидан, аввал сезмаган нарсаси хакида кишида билим хам булмайди. Шунинг учун хам укитиш нарсалар хакдца курук мулохаза юритишдан эмас, балки нарсаларни бевосита кузатишдан бошланиши керак.

Иккинчидан, билимнинг тугри ва аникдиги хам факат сезгиларнинг гувохдигига боглик.. Демак, билим сезгиларга канчалик купрок. таянса, у шунчалик ишончлирок булади. Болаларга хакикий ва мустахкам илм бериш учун, умуман, хамма нарсани бевосита кузатиш ва сезгилар асосида укитилиши керак.

Учинчидар, сезгилар — хотиранинг энг ишонч - ли воситаси. Агар киши туяни бир курган булса, бирор марта к.анд еган булса, Римга бир марта бориб, уни.диккат билан томоша этган булса, булбул хонишини бир марта эшитган булса, буларнинг хаммаси хотирада мустахкам колади ва эсдан чикиб кетмайди.

Коменский уз мулохазасини мустахкамлаш учун Плавтнинг куйидаги фикрини келтиради: «Эшитганини айтиб берадиган унта кишидан уз кузи билан курган битта гувох афзал»[1].



Я. А. Коменский хулосаси — укувчини бошк;аларнинг нарсалар хакдцаги кузатишлари ва гувохликларини эмас, балки уша нарсаларнинг узини билишта ва таджик, этишга ургатиш зарур.

Мактаб амалиётида хам тасдикланганидек, дарсда урганиладиган ходисанинг энг мухим томонларини аник ифодалайдиган, ана шу белгиларни аввал ажратишда, кейин гурухлащда, умумлаштиришда укувчиларга халакит берадиган ортикча элементл ар дан холи курсатмали кулланмалардан, шунингдек, образли тасвирлар схематик тасвирларга уй-> гунлашган холда, яъни укувчиларнинг фикрлашини муайяндан мавхум осон йуналтирадиган кдлиб ишланган курсатмали кулланмалардан фойдаланищ гоят самарали тадбирдир. Бошлангич синфларда обектларнинг узини намойиш этиш ёки улар билан бевосита табиатда танишиш, дарелар да нарсаларнинг узидан иборат таркдтма материалларни куллаш максадга мувофикдир. Расмли курсатмали кулланмалар: манзара тасвирлари, диапозитив ва диафильмларнинг самараси камрок булса-да, лекиН улар оркали хам у ёки бунарсалар тугрисида яхлит тасаввурлар хосил килиш мумкин.

Аралаш курсатмали воситалар туплами укув жиХозларининг мухим элементи билиши керак. Улар даре вактларида турли курсатмали вазиятларни яратиш, тез узгартириш ва бирлаштиришда ёрдам беради. Бунинг учун расмли материаллардан фойдаланилади ёки доскага бур билан расмларни, чизмаларни чизилади ва хар хил ёзувлар бажарилади.

[1] **Я. А. Коменский. «Бук>к дидактика», «Укитувчи» нашриёти. Т, 1975, 174—175-бетлар.**